Подобные различия наблюдаются и в ИК спектрах синтезированных нами соединений меди и кобальта с аспарагиновой кислотой. В ИК – спектре двузамещенной калиевой соли ас-

парагиновой кислоты полосы νNH_2 расположены при 3410 и 3270 см^{-1} . В ИК – спектре соединений $\text{K}_2[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$, $\text{Mn}[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$, $\text{Co}[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$ и $\text{Mn}[\text{Co}(\text{Асп-2H})_2]$ наблюдается смещение этой полосы в низкочастотную область, что указывает на образование связи M-NH_2 , где $\text{M}=\text{Cu}$, Co . Кроме того, в ИК – спектрах этих соединений имеются полосы при 1625 и 1410 см^{-1} , характерные для карбоксилатной группы, что свидетельствует о замещении кислотных водородов на Cu(II) , Mn(II) , Co(II) . Для выяснения взаимного расположения amino- и карбоксильной групп двух молекул аспарагиновой кислоты в синтезированных соединениях проведено сравнение полос поглощения растворимой и нерастворимой форм этих соединений.

ИК – спектры растворимой и нерастворимой форм в обезвоженном состоянии в общем схожи, но имеются и различия. Так, у нерастворимой формы соединения $\text{Mn}[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$ в области 3200-3400 см^{-1} имеются три полосы поглощения при 3240, 3300 и 3340 см^{-1} , обусловленные валентными колебаниями NH_2 – группы, а у растворимой формы хорошо разрешены только две полосы при 3250 и 3310 см^{-1} . Аналогичная картина наблюдается для голубой и фиолетовой форм соединения $\text{K}_2[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$, что совпадает с различиями в ИК – спектре цис- и транс- изомерных соединений глицината меди $\text{Cu}(\text{NH}_2\text{CH}_2\text{COO})_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$.

В области 1410 см^{-1} присутствует полоса симметричных валентных колебаний COO- группы. У растворимой формы комплексных соединений аспарагиновой кислоты, содержащих два микроэлемента, имеется единичная частота в области 1410 см^{-1} , а у нерастворимой формы полоса расще-

ляется на два компонента. Из теории молекулярных орбиталей известно, что в случае плоскостных квадратных комплексов типа M(AB)_2 у транс-изомера, который имеет центр симметрии колебания, симметричные относительно центра группы должны быть неактивными. В связи с этим, у цис-изомера должно быть большее количество полос в спектре, чем у транс-изомера. Это требование соблюдалось для бис- глицината платины [5], а также и для октаэдрических комплексов [6]. Нахождение Cu(II) во внутренней сфере в соединениях $\text{Mn}[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$ и $\text{Co}[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$ установлено изучением реакции взаимодействия водного раствора этих соединений с ацетатом свинца. При этом через сутки выпадал осадок синего цвета, содержащий Cu(II) .

Таким образом, растворимая форма является транс- изомером, нерастворимая форма – цис- изомером, а для соединения $\text{K}_2[\text{Cu}(\text{Асп-2H})_2]$ голубая форма является транс- изомером, а фиолетовая форма имеет цис- расположение.

Результаты исследования. Выявлено, что транс- изомеры проявляют более выраженную биологическую активность по сравнению с цис- изомерами того же состава. В настоящее время проводится медико-биологическое исследование полученных комплексных соединений для внедрения в практику здравоохранения в качестве лекарственного препарата.

Выводы. Синтезированы геометрически изомерные соединения координационные Cu(II) , Co(II) , Mn(II) с аспарагиновой кислотой, выявлена конкурентная координация донорных атомов аспарагиновой кислоты к ионам металлов, изучены медико-биологические свойства.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Алексеев В.Н. Количественный анализ. – М.: Химия, 1972. – 336 с.
2. Гиллебранд В.Ф., Лендель Г.Э., Брайг Г.А., Гофман Д.И. Практическое руководство по неорганическому анализу. – М., 1995. – 460 с.
3. Климова В.А. Основные микрометоды анализа органических соединений. – М.: Химия, 1975. – 91 с.
4. Гринберг А.А. Гольдбрайт З.Е. // К вопросу о свойствах гликолята меди. – 1971. – Т. 11. – Вып. 12. 1039–1045 с.
5. Варшавский Ю.С., Инькова Е.Н., Гринберг А.А. // Инфракрасные спектры и строение глициновых производных двухвалентной платины. – 1963. – Т. 8. – Вып. 12. 2659–2667 с.
6. Foust P., Quagliano J.V. // The trans effect in inorganic coordination compounds. 1. Ultraviolet and infrared studies of cis- and trans- Dinitroterrammincobalt (III) Chloride. – Jorun. Amer. Chem. Soc., 1994, vol. 76, p. 5346-5349.

REZUME

ASPARAGIN KISLOTANING BIOGEN METALLAR BILAN KOMPLEKS BIRIKMALARINI SINTEZI VA VA BIOLOGIK XUSUSIYATLARINI O'RGANISH

Alimxodjaeva Nazira Tillaxodjaevna

Toshkent pediatriya tibbiyot instituti

naziraalimkhodjaeva489@gmail.com

Kalit so'zlar: kompleks birikma, biometallar, ligandlar, sis-trans izomerlar, IQ yutilish spektrlari, diffuz spektrlari (DS), oktaedral tuzilish, biologik faollik

ЮТИЛИШ
Cu(II), Co(II), Mn(II) ning asparagin kislota bilan koordinatsion birikmalari sintez qilindi, asparagin kislota donor atomlarining metall ionlariga raqobatli koordinatsiyasi aniqlandi, ayrim izomerlarning boshqalarga aylanishi shartlari aniqlandi, tibbiy va biologik xususiyatlari o'rganildi.

SUMMARY

SYNTHESIS OF Cu (II), Co (II), Mn (II) COMPLEX COMBINES WITH ASPARAGIN ACID AND DETERMINATION OF THEIR MEDICAL-BIOLOGICAL PROPERTIES

Alimkhodjaeva Nazira Tillahodjaevna

Tashkent pediatric medical institute

Key words: complex compound, biometals, ligands, cis-trans isomers, IR absorption spectra, diffuse reflection spectra (DRS), octahedral structure, biological activity.

Coordination compounds of Cu(II), Co(II), Mn(II) with asparagin acid have been synthesized, competitive coordination of asparagin acid donor atoms to metal ions has been revealed, the conditions for the transformation of some isomers into others have been studied, and medical and biological properties have been studied.

УЎК: 615.24: 616.61-002.3-036.120- 085.24.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДА СУРУНКАЛИ ПИЕЛОНЕФРИТ БИЛАН ДАВОЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН АНТИБАКТЕРИАЛ ВОСИТАЛАРНИНГ ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ахмедова Назакат Маримбаевна, Исмоилов Солой Рузмаматович

ТТА Урганч филиали

nazakatakhmedovamailru@mail.ru

Калит сўзлари: Сурункали пиелонефрит, фармакоэпидемиология, антибактериал воситалар.

Сурункали пиелонефрит касаллиги билан даволанган 128 нафар беморнинг касаллик тарихи фармакоэпидемиологик усуллар ёрдамида (касаллик тарихидан анкета маълумотларини йиғиш йўли билан) ретроспектив тарзда ўрганилди. Ўтказилган фармакотерапияда антибактериал воситаларнинг якка ёки комбинирланган ҳолда қўлланилганлигига, уларнинг самарадорлиги ва ҳафсизлигига асосий эътибор қаратилди. Барча маълумотлар статистик таҳлил қилинди.

Олинган маълумотларга кўра, ўрганилган беморларда анкетага киритилган 20 дан ортиқ антибактериал препаратлардан 13 таси қўлланилган, қолганлари умуман ишлатилмаган. Шу билан бирга, шифокорлар томонидан мазкур касалликни даволашда яхши натижаларга эришилган.

Маълумки, сурункали пиелонефрит буйрак касалликлари орасида кўп учрайдиган ҳасталик ҳисобланади ва буйрак умумий касалликларининг ўртача 60 фоизини ташкил этади. Касаллик учраш частотасига кўра (юқори нафас йўллари касалликларидан кейинги) иккинчи ўринда туради. Касалланиш 1000 нафар одамга 18 та

ҳолатда учрайди. Аёллар эркакларга қараганда 2-5 маротаба кўпроқ касалланишади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пиелонефритни ижтимоий аҳамиятга эга муаммо сифатида эътироф этади, чунки касаллик кўпинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларда ривожланади ва беморларни ногиронликка олиб боради. [1,5]

Сурункали пиелонефрит кечимида патологик жараённинг қўзиш ва ремиссия даврларининг алмашиши билан тавсифланади. Шунинг учун буйракларда бир вақтнинг ўзида полиморф ўзгаришлар – турли босқичларда яллиғланиш ўчоқлари, чандиқ жойлари, ўзгармаган паренхима зоналари аниқланади. Яллиғланиш натижасида буйрак тўқималарининг шикастланиши буйрак сурункали етишмовчилиги (БСЕ) ривожланишига олиб келади, бу эса, уремия, ўткир цереброваскуляр бузилишлар, юрак етишмовчилиги туфайли бемор ўлимига сабаб бўлиши мумкин. [6,7]

Ҳозирги вақтда мультирезистент микроорганизмларнинг топилиши клиницистларда катта қизиқиш уй-

готади ва ушбу инфекцияларни даволаш катта қийинчиликлар туғдиради ҳамда ўлим сонини оширади.[2,3,4]


Шуларни инобатга олган ҳолда мазкур илмий ишда 2018-2023-йиллар давомида Хоразм вилоятининг Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасида сурункали пиелонефрит билан даволанган беморларда қўлланилган антибактериал препаратларнинг фармакоэпидемиологияси ўрганилди.

Материал ва услублар: Хоразм вилоятининг Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасида сурункали пиелонефрит билан 2018-2023-йиллар давомида стационар даволанган 128 нафар беморнинг касаллик тарихларидан анкета усулида зарур бўлган маълумотлар ретроспектив тарзда ўрганилди ва фармакоэпидемиологик усуллар ёрдамида таҳлил қилинди. Олинган маълумотлар Стюдент усуллари бўйича статистик жиҳатдан ҳисоблаб чиқилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Ўрганилган 128 нафар беморнинг 60 фоизини аёллар (77 нафари) ва 40 фоизини эркеклар (51 нафари) таш-

кил этди. Жами беморларнинг 9 нафарида ёндош касалликлар, 3 нафарида эса мазкур касалликнинг оғир асорати бўлган буйрак сурункали етишмовчилиги бўлган.

Ўрганиш давомида Хоразм вилояти Янгибозор туманида анкетага киритилган 23 та номдаги антибактериал препаратдан 13 таси қўлланилганлиги аниқланди. Мазкур касалликни даволашда асосий даволовчи восита сифатида қўлланилган антибактериал препаратларнинг беморларга тавсия этилганлик ҳолати, уларнинг самарадорлиги ҳамда хавфсизлиги таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди. 128 нафар беморнинг 41 нафарида антибактериал воситалардан битта препарат, 78 нафарида эса – иккита ва ундан ортиқ препарат бирданга қўлланилган, 9 нафар беморда – умуман қўлланилмаган. Қўшимча даво сифатида уросептиклар, оғриқ қолдирувчилар, спазмолитиклар, яллиғланишга қарши ностероид воситалар, глюкокортикостероидлар, антиагрегантлар ва витаминлар тавсия этилган.




1-расм. Монотерапияда ишлатилган антибактериал воситаларнинг улушлари

41 нафар беморда монотерапия сифатида қўлланилган антибактериал воситаларнинг ишлатилиши ўрганилганда, энг кўп қўлланилган препарат цефозолин бўлиб, у 12 нафар беморда ва 29 фоизни ташкил этар экан. Кейинги ўринда – нитроксолин 8 нафар беморда ва 20 фоиз, кейинги ўринда цефтриаксон ва метронидазол – бир хилда, 7 нафардан беморда ва 17 фоиздан, кейинги ўринда фторхинолонларнинг III-авлоди ҳисобланувчи левофлоксацин – 4 нафар беморда ва 10 фоиз, бензилпенициллин – 2 нафар беморда ва 5 фоиз, охириги ўринда эса цефуросим 1 нафар беморда ва 2 фоиз тавсия қилинганлиги аниқланди (1-расм).

78 нафар беморда политерапия сифатида қўлланилган антибактериал воситаларнинг ишлатилиши ўрганилганда эса, уларнинг қуйидаги комбинациялари аниқланди: бир

вақтнинг ўзида 2 та антибактериал препарат 68 нафар беморда ишлатилган. Жумладан, энг кўп қўлланилган комбинация Цефазолин + Нитроксолин бўлиб, у 23 нафар беморда ва 29 фоизни ташкил этган, кейинги ўринда Цефтриаксон + Нитроксолин – 19 нафар беморда ва 24 фоиз, Нитроксолин + Метронидазол – 8 нафар беморда ва 10 фоиз, Цефтриаксон + Метронидазол – 5 нафар беморда ва 6 фоиз, Метронидазол + Левофлоксацин – 3 нафар беморда ва 4 фоиз, Цефтриаксон + Левофлоксацин ва Цефтриаксон + Ципрофлоксацин – тенг миқдорда 2 нафардан беморда ва 2,5 фоиздан, Цефтриаксон + Пенициллин, Нитроксолин + Офлоксацин, Цефтриаксон + Цефазолин, Цефтриаксон + Гентамицин, Цефазолин + Азитромицин, Метрогил + Цефазолин – ҳар бири 1 нафардан беморда ва 1,3 фоиз ҳолатда қўлланилган (2-расм).



2-расм. Иккита антибактериал воситанинг биргаликда ишлатилишидаги улушлари

10 нафар беморда 3 та антибактериал препарат комбинирланган ҳолда: Нитроксалин + Цефипим + Ципрофлоксацин, Нитроксалин + Метрогил + Азитромицин, Нитроксалин + Метрогил + Ампициллин, Нитроксалин + Цефазолин + Левофлоксацин, Нитроксалин + Цефазолин + Ципрофлоксацин, Нитроксалин + Метронидазол + Левофлоксацин, Цефтриаксон + Нитроксалин + Цефазолин, Цефтриаксон + Цефазолин + Левофлоксацинлар ҳам худди шу миқдорда (1,3 фоиз) қўлланилган.

Олинган натижалар таяниб шундай хулоса қилиш мумкинки, сурункали пиелонефритни даволашда Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 29 мартдаги 107-сон буйруғига 1-илова “Сурункали пиелонефрит” нозологияси бўйича миллий клиник баённомасига мос равишда асосий даво сифатида антибактериал воситалар ишлатилган

(7% бемордан ташқари). Аммо ушбу баённомада асосий дори-воситаларнинг рўйхатига (100% фойдаланиш эҳтимоли билан) киритилган фторхинолонлар эмас, қўшимча дори-воситаларнинг рўйхатига (фойдаланиш эҳтимоли 100% дан кам) киритилган цефалоспоринлар ва нитрофуран унумлари кўпроқ тавсия қилинган.

ХУЛОСАЛАР:

1. Хоразм вилояти Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмасида сурункали пиелонефритни даволаш мақсадида антибактериал воситалар монотерапия ва комбинирланган ҳолатда ишлатилади.

2. Хоразм вилояти Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмасида сурункали пиелонефритни даволаш мақсадида қўлланилган антибактериал воситалар Ўзбекистон нефрологлари томонидан тавсия қилинган миллий клиник баённомага мос эмас.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Сурункали пиелонефрит” нозологияси бўйича миллий клиник баённома. Тошкент, 2024 й.

2. Лагун Л. В., Атанасова Ю. В., Тапальский Д. В. Формирование микробных биопленок у возбудителей острого и хронического пиелонефрита // Журнал микробиологии, эпидемиологии и иммунобиологии. – 2013. – №. 3. – С. 18-23.

3. Фармакоэпидемиология гепатопротекторов, использованных для лечения больных в стационарах города Ургенча Хорезмской области / Исмоилов, С. Р., Бекчанова, Ю. Х., Рузмаматов, Ш. С., Рузмаматов, Б. С. // Вісник проблем біології і медицини, 2014, 1(1), 111-116.

4. Фторхинолоны в лечении острого неосложненного пиелонефрита / Кама-

лов, А. А., Ходырева, Л. А., Дударева, А. А., Карпов, В. К., Охоботов, Д.А., Низов, А.Н. // Эффективная фармакотерапия. Урология и Нефрология, 2015, (1 (4)).

5. Хронический пиелонефрит у взрослых. Клинические рекомендации. 2016 г.

EUA Guidelines on Urological Infections. EAU Clinical Guide-lines, 2023. <http://www.uroweb.org>.

Clinical and pharmacological audit of medications used in patients with liver cirrhosis at several hospitals in Khorezm region. / Bekchanova, Y.K., Ismoilov, S.R., Omonova, G.S., Ahmedova, N.M., Kurbanliyazova, Y.O. // Journal of Critical Reviews, 2020, 7(9), 214-216.

РЕЗЮМЕ

**ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫХ
ПРЕПАРАТОВ У БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ ПИЕЛОНЕФРИТОМ,
ВЫЛЕЧЕННЫХ В МЕДИЦИНСКОМ ОБЪЕДИНЕНИИ
ЯНГИБОЗОРСКОГО РАЙОНА ХОРАЗМСКОЙ ОБЛАСТИ**

Ахмедова Назакат Маримбаевна, Исмоилов Солой Рузмаматович

Урганческий филиал ТМА

nazakatakhmedovamailru@mail.ru

Ключевые слова: Хронический пиелонефрит, фармако-эпидемиология, антибактериальные средства.

Аннотация. Ретроспективно с использованием фармакоэпидемиологических методов (путем сбора данных анкетирования из анамнеза) изучен анамнез 128 больных, лечившихся по поводу хронического пиелонефрита. При проводимой фармакотерапии основное внимание уделялось использованию антибактериальных средств отдельно или в комбинации, их эффективности и безопасности. Все данные были статистически проанализированы.

По данным, полученным в результате исследования, из более чем 20 антибактериальных препаратов применялось 13, а остальные вообще не применялись при лечении пациентов в больнице. Несмотря на это, врачи добились хорошего результата в лечении заболевания.

SUMMARY

**A PHARMACOEPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF THE USE
OF ANTIBACTERIAL DRUGS IN PATIENTS WITH CHRONIC
PYELONEPHRITIS TREATED AT THE MEDICAL ASSOCIATION OF
YANGIBOZOR DISTRICT OF KHORAZM REGION.**

Akhmedova Nazokat Marimbaevna, Ismoilov Soloy Ruzmamatovich

Urgench branch of TMA

nazakatakhmedovamailru@mail.ru

Keywords: Chronic pyelonephritis, pharmacoepidemiology, antibacterial agent.

Annotation: The medical history of 128 patients treated for chronic pyelonephritis was studied retrospectively using pharmacoepidemiological methods (by collecting questionnaire data from the medical history). The main focus was on the use of antibacterial agents alone or in combination, their efficacy and safety. All data were subjected to statistical analysis.

The data obtained from the study revealed that of the 20 or so antibacterial drugs available, 13 were used to treat patients in the hospital. The remaining drugs were not used at all. Despite this, the doctors achieved a good result in treating the disease.

УДК: : 619:616.98:578.821.21: 579.2:314.48-036.22

МАЙМУН ЧЕЧАГИ КАСАЛЛИГИ БЎЙИЧА ДУНЁДАГИ ВАЗИЯТ

Базарова Гулнора Рустамовна, Юсупов Акмал Пулатович

Alfraganus university, Тошкент, Ўзбекистон Республикасиgulnorabazarova599@gmail.com

Калит сўзлар: Маймун чечаги касаллиги, беморлар сони, ўлим кўрсаткичи, касаллик табиий ўчоқлари.

Маймун чечаги касаллиги мамлакатлардаги тарқалиши бўйича касалланиш ва ўлим ҳолатлари ифодаланган. Ушбу касалликни тарқалишини олдини олишдаги бажарилаётган чора-тадбирлар ва эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар келтирилган.

Кириш. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг маълумотларига асосан ҳар йили дунёда 15 миллионга яқин одам ўткир вирусли касалликлардан вафот этади. Ушбу кўрсаткичга яна бир миллион вирусли касаллик асоратлари натижасида марказий асаб тизими фалажи, юрак, жигар, буйрак-сийдик, ошқозон-ичак йўли касаллигидан нобуд бўлган одамларни қўшадиган бўлсак, бошқа ўта ҳавфли инфекциялар каби Маймун чечаги касаллиги бўйича ҳам эпидемиологик вазият ўзгармоқда.


Материал ва усуллар. Асосан Африка давлатларида, шу билан бир қатор Европа давлатларида, шунингдек, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларда маймун чечаги вируси билан касалланган беморлар қайд этилди. ЖССТнинг Африка Иттифоқи тиббий хизмати – Африка Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказларида олиб борилган ишларнинг хабар

беришича дунё бўйича ушбу касаллик билан 2022 йил январдан 2024 йил шу кунгача 120 давлатда 100 000 нафардан ортиқ бемор лаборатория текшируви орқали ташхиси тасдиқланган бўлиб, шундан 220 нафардан ортиқ бемор вафот этган. Маълумотларга кўра сўнгги 7 кун ичида 2167 та бемор аниқланган бўлиб, бу ўтган ҳафтага нисбатан 20,6 фоизга кам.

Маймун чечаги – табиий ўчоқли, ўткир юқумли зооноз касаллик бўлиб, одамлар ва ҳайвонларда камдан кам ҳолатларда учрайдиган, *Orthopoxvirus*, *Poxviridae* - поксвируслар оиласига мансуб вируслар келтириб чиқарадиган касалликдир. Қўзғатувчи морфологияси, антигенлик ва культурал хусусиятлари чин чечак (натурал оспа) вирусига яқин. Унинг манбаи маймунлар бўлиб, касаллик улар билан бевосита яқиндан мулоқотда бўлганда ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Ўткир даврида бемор оила аъзоларига юзма-юз алоқа, тери ёки терининг шикастланиши билан тўғридан тўғри жисмоний алоқа, ифлосланган кийим-кечак, чойшаб ёки идишлар, бошқа материаллар билан алоқа қилиш (контактда бўлиши) орқали юқиши мумкин. Бу касалликни юқтириш-

нинг олдини олиш учун унинг юқиш йўлларида хабардор бўлиш керак. Маймун чечаги одамларга касал одам ёки ҳайвон билан яқин алоқада ёки вирус билан касалланган материал-

лар билан, яъни чиқиндилар, тана су-
юқликлари, нафас олиш томчилари
ва ифлосланган материаллар билан
яқин алоқада ва жинсий алоқа орқа-
ли юқади.



1-расм. Электрон микроскоп остида маймун чечаги вируси диаметри тахминан 250 нанометр бўлган овал шаклида кўринади, оқсил ўсимталари – тиканлар билан қопланган.

Кўпроқ ўн олти ёшгача бўлган болаларда қайд этилади. Бу касаллик иситма ва совуққа ўхшаш аломатлар билан бошланади ва вақт ўтиши билан йирингли ярага айланган қизил тери тошмаларини келтириб чиқаради. Бу тери тошмаларининг тахминан 95 фоиз юзда, 75 фоиз кафт ва оёқ тагида, 30 фоиз жинсий аъзоларда пайдо бўлади. Ушбу асоратлар оғизнинг шиллиқ қаватини ҳам қамраб олиши мумкин.

Шунингдек, ушбу вирус кўзнинг шох пардаси билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши ва оғир ҳолатларда кўрликка олиб келиши мумкин. Тери тошмалари вақт ўтиши билан кучаяди ва бу тери тошмалари аста-секин сарғаяди. Оғир ҳолатларда бу жароҳатлар терининг катта жойларини қаттиқ зарарлайди. Касалликнинг ривожланиши билан вирус

мия ва орқа мияга етиб боради ва бу соҳада яллиғланишни келтириб чиқаради, бу эса мия шикастланишига ва ўлимга олиб келиши мумкин. Ушбу касалликнинг белгилари кўпинча 6 дан 13 кунгача пайдо бўлади ва ҳатто 5 дан 21 кунгача давом этиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бу давр икки-тўрт ҳафта давом этиши мумкин ва оғир ҳолатлар болалар орасида кўпроқ учрайди. Иситма, бош оғриғи, мушак оғриғи, чарчоқ, бел оғриғи, шишган лимфа тугунлари бу касалликнинг бошқа белгиларидир. Маймун чечакнинг чин чечакдан фарқи шундаки, маймун чечакда лимфа тугунларининг шишиши кузатилади. Маймун чечак ва сувчечак ўртасидаги фарқ шундаки, маймун чечакда бурун оқиши ва йўтал каби аломатлар кўринмайди. Маймун чечак ва

ўлат касаллиги ўртасида ўхшашлик ва фарқлар мавжуд. Ўлат ва маймун чечаги ҳам одамлар ва ҳайвонлар ўртасида кенг тарқалган юқумли касалликлар бўлиб, ўлатни бактериялар чақиради, уларни даволаш учун эмлаш ҳам мавжуд. Ушбу икки касаллик ўртасидаги яна бир ўхшашлик - бу нафас олиш ва алоқа орқали одамларга юқишидир. Маймун чечагининг қўзғатувчиси - одамга маймунлар орқали юқадиган вирус. Аммо ўлат касаллиги грам-манфий *Yersinia pestis* бактерияси келтириб чиқарадиган юқумли бактериал касалликдир. Ўлат касаллиги одамларга асосан касалланган кемирувчиларнинг тана бургалари орқали юқади.

Маймун чечаги кўпинча Марказий ва Ғарбий Африка ҳудудида учрайди. Ушбу минтақадан ташқарида унинг ташувчиси ушбу ҳудуддан борган одамлар ва жониворлар ҳисобланади. Маълумотларга кўра касаллик биринчи марта 1958 йил Даниядаги илмий текширув марказида сақланаётган маймунларда топилган. Инсонларнинг биринчи марта касалланиш ҳолати тўққиз ойлик ўғил болада 1970 йилда Конго Демократик Республикасида (аввалги Заир) Басанкусу шаҳрида қайд этилган. ЖССТ томонидан олиб борилган эпидемиологик кузатувда 1981-1986 йилларда ҚДР (Заир)да 338 та ҳолат рўй бериб, 38 нафарида ўлим содир бўлган. Маймун чечагининг чақирувчиси вирус бўлиб, расман 1980 йилда чин чечак вакцинаси натижасида йўқ қилинган. Маймун чечагининг бирламчи аломатлари — иситма, қаттиқ бош оғриғи, лимфа тугунларининг яллиғланиши (90 фоиз лимфаденит), (кўплаб шунга ўхшаш касалликлардан асосий фарқ қиладиган жиҳати),

бел ва мушаклардаги оғриқ, кўнгил айланиши, кучли ҳолсизлик кузатилади. У енгили ва ўртача оғирликда кечади. Асосан чин чечакка қарши эмланмаган фуқароларда кузатилади. Яширин даври 9-19 кун бўлиб, касаллик давомийлиги 2-3 ҳафтага чўзилади. Ҳарорат кўтарилигидан 3-4 кун ўтгач, беморда тошмалар пайдо бўла бошлайди — асосан юз, кафт ва оёқ қисмларида 6-10 мм. катталиқдаги тошмалар (доғлар), папулалар пайдо бўлади. Тошмалар шиллиқ пардалар, жинсий аъзолар ва кўзларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан тошманинг кўриниши ўзгаради ва суюқлик тўлган пуфакчалар (визикүла)га айланади. Бу касалликнинг 7-8 кунларига тўғри келади ва беморда тахикардия, нафас олишнинг тезлашиши, қон босимининг тушиши каби клиник белгилар намоён бўлади. Баъзан ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин. Вақт ўтиб, бемор танасидаги тошмалар (визикүла) пуфакчалар аста йўқолиб, қовузоқ (қалоқ) пайдо бўлади. Тошмалар ўрнида чандиқ пайдо бўлади ва беморнинг умумий ҳолати яхшилана бошлайди.

Олинган натижалар. Ҳозирги кунда маймун чечаги вирусининг икки тури мавжуд. Кузатилаётган ҳолатлар енгилироғи билан боғлиқ. Африка мамлакатларида бу касалликдан ўлим даражаси 3,6 фоизни ташкил қилади. Ҳаммадан кўпроқ болалар ва иммунитетини заиф одамлар хавф остида қолишади. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, Африка мамлакатларидаги барча беморлар ҳам сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Яъни, инфекция Европа ва Америкага келган амалдаги вазиятда ўлим даражаси паст бўлиш эҳтимоли борлиги, ҳозирча май ойи-

да кузатилган маймун чечаги вируси билан касалланганларнинг ҳеч бири вафот этмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Мисол учун, 2003 ва 2021 йилларда бир нечта юқтирган одамлар кузатилганлиги сабабли Нигерияга саёҳат қилиш учун эҳтиёт бўлиш тавсиялари берилган. Белгия 2022-йил май ойи бошида маймун чечегининг тўртта ҳолати ҳақида хабар берганидан кейин дунёдаги биринчи давлат сифатида ушбу касалликка чалинган беморларга 21 кунлик мажбурий карантин жорий қилди. Шу билан бирга, Эрон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Юқумли касалликлар бўлими бошлиғи Маймун чечаги билан касалланганлиги гумон қилинган 6 нафар беморнинг шахси аниқлангани ва улардан 5 нафаридан намуна олингани, 5 нафарининг ҳам таҳлил натижалари салбий бўлганини маълум қилди. Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликларининг Соғлиқни сақлаш муассасасида Ғарбий Африкага саёҳат қилган саёҳатчида битта ҳолат-

ни аниқладилар. 2022 йил 2 июлда Россия истеъмолчиларни ҳимоя қилиш назорат департаменти Россияда маймун чечак билан касалланишга шубҳали биринчи ҳолати ҳақида хабар берди. Португалиядан қайтган Санкт Петербурглик эркак тошмалар тошиши билан боғлиқ касаллиги тўғрисида ўзи яшаётган жойдаги тиббиёт муассасасига мурожаат қилган. маълумки, беморда касаллик енгил шаклда содир бўлган. У касалхонада ётқизиблиб, алоҳидаланган ва у билан алоқада бўлганларнинг барчаси шифокорлар томонидан кузатилган — маймун чечаги ҳеч кимда тасдиқланмаган. Бундан ташқари Гонкондан (Хитой Халқ Республикаси) Санкт Петербургга келган икки сайёҳда маймун чечаги касаллиги аниқланган ва зарур чора-тадбирлар ўтказилган. Ўзбекистон Республикасида ушбу касаллик рўйхатга олинмаган.

Маймун чечаги билан касалланган бемордаги тошмалар кўриниши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Маймун чечаги билан касалланган бемордаги тошмалар

«Сўнгги икки ой ичида касалликнинг қайд этилишлар сони камайди. Бу тенденция умидли, аммо бир қатор мамлакатларда эпидемия ҳали ҳам авжида экани хавотирли ҳолат», [деди](#) ЖССТ раҳбари. Унинг таъкидлашича, ўтган ҳафтада қайд этилган беморларнинг деярли 90 фоизи Шимолий ва Жанубий Африка

ҳиссасига тўғри келади. Ганада ҳам касалланиш ҳолатининг ўсиши кузатилган, у ерда тўртта ўлим қайд этилган. Шунинг учун Маймун чечаги эпидемиясига барҳам берилиши комплекс ёндашувни талаб қилади. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш чоралари кўпроқ хавф остида бўлган жамиятларга қаратилиши зарур,

деди Гебрейесус. Маймун чечаги эпидемияси тўғрисидаги ҳисоботда ёзилишича, 16 октябр ҳолатига кўра, 109 давлатда 73 437 та беморда касаллик тасдиқланган. Улардан 26 нафари ва-

фот этган. Сўнгги 7 кун ичида 2167 та бемор аниқланган, бу ўтган ҳафтага нисбатан 20,6 фоизга кам. Қуйидаги жадвалда чин чечак ва маймун чечагининг асосий фарқлари келтирилган.

1-жадвал

Чин чечак ва маймун чечаги касаллигининг фарқлари

№	Маймун чечаги	Чин чечак
1	Лимфа тугунларининг катталашиши	Лимфа тугунларида ўзгариш бўлмайди.
2	Ўлим ҳолати паст	Ўлим юқори (баъзи эпидемияларда 90% гача)
3	Кўпинча беморларда бу асоратсиз ўтиб кетади	Баъзида қисман ёки тўлиқ кўрликка олиб келади
4	Тери тўлиқ тозаланади	Терида яра излари ва чандиқлар қолади

Ташхислаш. Маймун чечаги билан боғлиқ аломатлар бўлса, юқумли касалликлар бўйича мутахассисга мурожаат қилиш тавсия этилади. Ушбу касалликни аниқ ташхислаш усули - бу тошмалар юзасидан тери пуфакчасидан намунани тайёрлаш ва тиббиёт ходимлари томонидан максимал хавфсизлик талаб этилиб ва лабораторияда Полимераза занжир реакцияси тести орқали амалга оширилади. Виремия (қондаги вирус) туфайли тез ўткинчи, периферик қон намунаси кам диагностик аҳамиятга эга. Ушбу турдаги вирусларда антиген ва антиганага асосланган тестлар ўзига хос диагностик аҳамиятга эга эмас.

Олдини олиш. Ушбу касалликни юқтиришнинг олдини олиш учун ҳайвонлар ёки уларнинг жасадлари билан алоқа қилишдан қочиш керак, эҳтимол бу табиий сув омборлари, шунингдек, объектлар билан алоқа қилишдан сақланиш, айниқса касал одам ёки ҳайвоннинг жойлашуви ва тўшаги билан касалланган одамни изоляция қилиш керак. Қўлларни совун ва сув ёки спирт билан тез-тез ювиш, шунингдек, беморлар билан

алоқада бўлган тиббиёт ходимлари учун ҳимояланиш учун Шахсий ҳимоя кийими ва воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Хулосалар. Бутун дунёда корона вируси эпидемияси авж олганидан сўнг, шунга ўхшаш ҳолатлар юзага келишидан хавотирлар пайдо бўлиши табиий. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда маймун чечак хавфи жиддий ва Африкадан ташқари мамлакатларда ҳам тарқалди. Ушбу ташкилот маълумотларига кўра, қисқа вақт ичида ушбу касалликнинг нисбатан юқори тарқалишига қарамай, бу касаллик Корона вируси каби глобал эпидемияга айланмайди. Шунингдек, ушбу вируснинг юқиши бевосита теридан терига ёки ушбу вирус билан касалланган секрециялар билан алоқа қилиш орқали содир бўлганлиги сабабли, у камроқ юқумли кучга эга ва эпидемия эҳтимоли камроқ бўлади. Бу касаллик вирус ҳам, янги касаллик ҳам эмас, шунинг учун олдини олиш бўйича тавсияларга эътибор бериш яхшироқдир.

Ўзбекистонда ҳам маймун чеча-

гини олдини олиш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

Юқумли касалликлар шифоҳонасида шифо-ўринлари, зарур дори воситалари захираси ташкил этилди;

касалликка чалинган бемор билан мулоқотда бўлганларни 21 кун мобайнида тиббий кузатувини ташкил этиш белгиланди;

касалликни четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш бора-сида халқаро аэропортларда, темир йўл ва автомобиль йўллари орқали чегара кесишган жойларда санитария назорати пунктлари мутахассисларининг хушёрлиги оширилди;

Маймун чечаги касаллигининг этиологияси, клиникаси, эпидемиологияси ва профилактикаси бўйича услубий қўлланма асосида мутахассисларнинг малакаси оширилди;

Касалликни лаборатор аниқлаш учун тест-диагностикум захираси яратилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Боровикова З.В. Оспа и вакцинация: исторический аспект. Вестник общественных и гуманитарных наук. 2021;2(4):19-23.

2. Борисевич С.В., Логинова С.Я., Кротков В.Т., Терентьев А.И. Оспа обезьян. Научный обзор // Журнал для непрерывного медицинского образования врачей. Инфекционные болезни: новости, мнения, обучение. – 2015. – № 1. – С. 59-65.

3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари. www.who.int.

4. Эпидемиологическая ситуация в мире по инфекционным заболеваниям, имеющим международное значение. www.bzcgie.by.

5. Los Angeles County Department of Public Health ph.lacounty.gov/Monkeypox 10/28/22 – Monkeypox Vaccine Frequently Asked Questions (Russian) 1-6 p.

6. [Factsheet for health professionals on mpox \(monkeypox\) \[Электронный ресурс\]](#)

РЕЗЮМЕ

СИТУАЦИЯ В МИРЕ ПО ОСПЕ ОБЕЗЬЯН

Базарова Гулнора Рустамовна, Юсупов Акмал Пулатович

Alfraganus university, Tashkent, Republic of Uzbekistan

gulnorabazarova599@gmail.com

Ключевые слова: болезнь Оспа обезьян, число больных, показатель смертности, естественные очаги заболевания.

По распространенности оспы обезьян в странах выражены случаи заболевания и смерти. Приведены меры по предотвращению распространения этого заболевания и аспекты, на которые следует обратить внимание.

SUMMARY

THE SITUATION IN THE WORLD ON MONKEYPOX

Bazarova Gulnora Rustamovna, Yusupov Akmal Pulatovich

Alfraganus university, Tashkent, Republic of Uzbekistan

gulnorabazarova599@gmail.com

Keywords: Monkeypox disease, number of patients, mortality rate, natural foci of the disease.

According to the prevalence of monkeypox in countries, cases and deaths are pronounced. Measures to prevent the spread of this disease and aspects to pay attention to are given.

УДК: 616.151.5:616.98:578.834.1- 08-036.8

ИЗУЧЕНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ ГЕМОСТАЗИОЛОГИЧЕСКИХ НАРУШЕНИЙ У ПАЦИЕНТОВ С COVID-19

Болтаева Феруза Ганжабоевна, Сатликов Рашид Каримович Рахимова
Малика Холмуратовна, Атабаева Нилуфар Бахтияровна

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

feruzabaltayeva80@gmail.com

Введение. COVID-19 представляет собой весьма сложное и грозное заболевание, имеющее системный характер с вовлечением практически всех органов и систем [1, 5]. Одним из наиболее распространенных осложнений COVID-19 являются нарушения со стороны системы гемостаза, проявляющиеся выраженной гиперкоагуляцией вплоть до развития тромботических явлений [6]. Так, если в ранних публикациях основной акцент в описании проявлений COVID-19 был направлен на тяжелую интоксикацию и респираторному дистресс-синдрому, то в последующих работах все чаще раскрываются более глубокие нарушения, затрагивающие систему гемостаза [2,7], которые во многих случаях представляются основными факторами, определяющие исход COVID-19 [3,4]. В частности, по данным одних авторов, вызываемое системным воспалением повреждение эндотелия сосудов сопровождается активацией прокоагулянтных факторов, и, как неизбежное следствие, формированием множественных тромбов, блокирующие микроциркуляцию, создавая все предпосылки и условия для ишемии органов и тканей [8,10]. Наряду с этим, другие зарубежные исследователи отмечают, что воспалительное

состояние при COVID-19, приводит к тяжелому нарушению гемостаза, вплоть до развития диссеминированного внутрисосудистого свертывания крови (ДВС) и коагулопатии потребления [9, 11].

Научная новизна: Противоречивость научных данных, посвященных особенностям нарушений в системе гемостаза у пациентов с COVID-19 свидетельствуют об необходимости проведения дополнительных исследований в этом направлении.

Цель исследования: изучить особенности гемостазиологических нарушений у пациентов COVID-19, проживающих в Хорезмской области республике Узбекистан.

Материал и методы: Клиническим материалом для исследования послужили 38 пациентов с COVID-19 (20 - мужчин и 18- женщин), заболевшие в период с 2021-2022 г.г. и госпитализированные на лечение в Хорезмский областной многопрофильный медицинский центр (ХОМ-МЦ). На момент обращения пациентов средний возраст составил $41,2 \pm 3,4$ лет. Диагноз COVID-19 установлен на основании положительных результатов, установленных с помощью метода ПЦР. Контрольную группу составили условно-здоровые доноры сопостави-

мого возраста без системных воспалений и патологии системы гемостаза (n= 21).

В методы обследования входили: клиническое (опрос, сбор анамнеза, общий осмотр больных по органам и системам) и гемостазиологическое обследование (время свертывания крови (ВСК) по Фонио (1980); подсчет числа тромбоцитов в камере Горяева с применением фазово-контрастной микроскопии; определение гемолизат – агрегационного теста (ГАТ) по Л.З. Баркагану (1986), активированного частичного тромбопластинового времени плазмы (АЧТВ), протромбинового индекса (ПТИ), тромбинового времени (ТВ), растворимых

фибрин-мономерных комплексов (РФМК), количество фибриногена). Статистическую обработку полученных данных проводили методом вариационной статистики, с помощью программы Microsoft Office Excel-2018 с вычислением среднего квадратичного отклонения и средней арифметической ошибки по способу моментов ($M \pm m$), критерия достоверности различий Стьюдента (t) и степени достоверности (p).

Результаты и их обсуждение. Исследование состояния показателей гемостаза у пациентов с COVID-19 позволило установить наличие изменений по сравнению с контролем (табл.1).

Таблица 1.

Показатели системы гемостаза у пациентов с COVID-19

Показатель	Контрольная группа, n=21	Группа пациентов с COVID-19, n=38
ВСК, сек	247,0±6,8	118,2±7,4***
Количество тромбоцитов, 10 ⁹ /л	242,4±6,0	212,4±8,1
ГАТ 10 ⁻² , сек	17,0±0,3	12,2±0,4 *
ГАТ 10 ⁻⁶ , сек	34,0±0,3	18,1±0,7**
АЧТВ, сек	43,0±1,0	28,0±2,1**
ПТИ, %	90,78±2,14	102,5±3,9
ТВ, сек	8,24±0,12	12,9±0,15*
Фибриноген плазмы, г/л	3,17±0,1	5,62±0,22**
РФМК, г/л	3,85±0,05	6,76±0,2***

Примечание: значения достоверны по отношению к контролю (где * p<0,05; ** – p<0,01; *** - p<0,001).

В частности, изменения со стороны показателей системы гемостаза у больных с COVID-19 свидетельствуют о наличии гиперкоагуляции, что подтверждается статистически достоверным укорочением ВСК более чем в два

раза (до 118,2±7,4 сек против 248,0±6,8 сек в контроле) и АЧТВ, в 1,5 раза (до 28,0±2,1 сек против 43,0±1,0 сек в контроле).

Кроме того, эти изменения сопровождались достоверно значимым

повышением уровня РФМК среди пациентов COVID-19 почти в два раза до $6,76 \pm 0,2$ г/л при уровне равным $3,85 \pm 0,05$ г/л в контрольной группе.

Укорочения ВСК и АЧТВ свидетельствуют о наличии в сосудах местной пристеночной гиперкоагуляции и повышении общей свертывающей активности крови. Более того, увеличение уровня РФМК доказывает о развитии повышенной готовности к тромбообразованию, усугубляющие нарушения в системе микроциркуляции и приводящие к ишемии органов.

Количество тромбоцитов у пациентов COVID-19 оказалось несколько меньшим ($212,4 \pm 8,1 \times 10^9/\text{л}$) чем в контрольной группе ($242,4 \pm 6,0 \times 10^9/\text{л}$), что скорее всего связано их повышенным потреблением в процессах гиперкоагуляции. Вместе с этим, данное состояние сопровождалось повышением активности тромбоцитов, что выражалось укорочением ГАТ 10^{-2} с $17,0 \pm 0,3$ сек до $12,2 \pm 0,4$ сек и ГАТ 10^{-6} с $34,0 \pm 0,3$ сек до $18,1 \pm 0,7$ сек.

Медиана показателя ПТИ в группе больных несмотря на то, что находилась в пределах нормы, все же имела несколько большие значения ($102,5 \pm 3,9\%$) чем в группе условно-здоровых доноров ($90,78 \pm 2,14\%$).

Среднее значение ТВ по отношению к таковым в контрольной группе оказалось длиннее в 1,6 раз ($12,9 \pm 0,15$ сек против $8,24 \pm 0,12$ сек; $p < 0,05$), что возможно ассоциируется с повышением уровня РФМК, приводящего к блокаде фибриногена в условиях системного воспаления при COVID-19. При этом среднее количество фибриногена в группе пациентов превышало его уровень в контроле в 1,8 раз ($5,62 \pm 0,22$ г/л против $3,17 \pm 0,1$ г/л; $p < 0,01$).

Заключение. Таким образом, у пациентов с COVID-19 под воздействием системного воспалительного процесса со стороны показателей системы гемостаза наблюдается ускорение свертываемости крови с готовностью к тромбообразованию. Эти факты подтверждаются статистически достоверным укорочением ВСК почти в два раза, АЧТВ в 1,5 раза, увеличением уровня РФМК в 1,75 раз, повышением активности тромбоцитов и увеличением количества фибриногена в 1,8 раз.

Вывод: Полученные данные свидетельствуют о важности и необходимости проведения исследования показателей системы гемостаза у пациентов с COVID-19 для своевременного предупреждения тяжелых тромботических осложнений, начала и мониторинга антикоагулянтной терапии.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Кузник Б.И., Хавинсон В.Х., Линькова Н.С. Covid-19: влияние на иммунитет, систему гемостаза и возможные пути коррекции // Успехи физиологических наук. - 2020. - Т. 51. № 4. - С. 51-63.
2. Лобастов К.В., Счастливцев И.В., По-рембская О.Я., Дженина О.В., Бар-ганджия А.Б., Цаплин С.Н. COVID-19-ассоциированная коагулопатия: обзор современных рекомендаций по диагностике, лечению и профилактике // Стационарные замещающие технологии: Амбулаторная хирургия. - 2020. - № 3-4. - С. 36-51.
3. Маркелов М.И., Безнощенко О.С., Иванец Т.Ю. Особенности системы плазменного гемостаза у пациентов с новой коронавирусной инфекцией COVID-19 // Акушерство и гинекология. - 2020. - №9. - С.138-144.
4. Colantuoni, A., Martini, R., Caprari P. et al. COVID-19 sepsis and microcirculation dysfunction // Frontiers in physiology. 2020. Vol. 11. P. 747.
5. Cui S., Chen S., Li X., Liu S., Wang F. Prevalence of venous thromboembolism in patients with severe novel coronavirus pneumonia

// J Tromb Haemost. 2020. DOI: 10.1111/jth.14830

6. Dobesh PP, Trujillo TC. Coagulopathy, Venous Thromboembolism, and Anticoagulation in Patients with COVID-19. // Pharmacotherapy. 2020 Nov;40(11):1130-1151.

7. Escher R., Breakey N., Lämmle B. Severe COVID-19 infection associated with endothelial activation // Thrombosis research. 2020. Vol. 190. P. 62.

8. Lodigiani, C., Iapichino, G., Carenzo, L. et al. Venous and arterial thromboembolic complications in COVID-19 patients admitted to an academic hospital in Milan, Italy // Thrombosis

Research. 2020. Vol.191. P.9–14.

9. Turi S, Nardelli P, Landoni G. Anticoagulants and immunosuppressants in COVID-19: Bullets to Defeat MicroCLOTS. // Ann Card Anaesth. 2020 Jul-Sep;23(3):258-259.

10. Wijaya I, Andhika R, Huang I. The Use of Therapeutic-Dose Anticoagulation and Its Effect on Mortality in Patients With COVID-19: A Systematic Review. // Clin Appl Thromb Hemost. 2020 Jan-Dec;26:1076029620960797.

11. Xu P., Zhou Q., Xu J. Mechanism of thrombocytopenia in COVID-19 patients // Annals of Hematology. 2020. Vol.99. P. 1205–1208.

РЕЗЮМЕ

COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗИОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

**Болтаева Феруза Ганжабоевна, Сатликов Рашид Каримович,
Рахимова Малика Холмуратовна, Атабаева Нилуфар Бахтияровна**

Toshkent tibbiyot akademiyasining Urganch filiali

feruzabaltayeva80@gmail.com

Калит сўзлар: COVID-19, гемостатик тизим, гиперкоагуляция, тромб ҳосил бўлиши.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилоятида яшовчи COVID-19 беморларда гемостаз тизимидаги бузилишларни баҳолаш.

Натижалар. COVID-19 билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш жараёнининг таъсири қон ивишининг тезлашиши билан намоён бўладиган гемостаз тизими кўрсаткичларининг бузилишига олиб келади. Олинган маълумотлар оғир тромботик асоратларни ўз вақтида олдини олиш ва этарли миқдордаги антикоагулянт терапияни бошлаш учун COVID-19 билан касалланган беморларда гемостатик тизим кўрсаткичларини ўрганиш муҳимлигини ва зарурлигини кўрсатади.

SUMMARY

STUDY OF THE CHARACTERISTICS OF HEMOSTASIOLOGICAL DISORDERS IN PATIENTS WITH COVID-19

**Boltoeva Feruza Ganjaboevna, Satlikov Rashid Karimovich,
Raximova Malika Xolmurotovna, Atabaeva Nilufar Bahtiyarovna**

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy

feruzabaltayeva80@gmail.com

Key words: COVID-19, hemostatic system, hypercoagulation, thrombus formation.

The aim to study the features of hemostasiological disorders in COVID-19 patients living in the Khorezm region of the Republic of Uzbekistan.

Results. The impact of the systemic inflammatory process in patients with COVID-19 leads to disturbances in the indicators of the hemostasis system, manifested by the acceleration of blood clotting. The data obtained indicate the importance and necessity of conducting a study of the hemostatic system indicators in patients with COVID-19 for the timely prevention of severe thrombotic complications and the initiation of adequate anticoagulant therapy.

OIV BILAN KASALLANGAN AYOL VA ERKAK POPULYATSIYADA AYRIM SURUNKALI KASALLIKLARINING KOMORBIT HOLATLARNI O'RGANISH

Valiyeva Madina Yunusovna¹, Alibekov Sherzodbek Ozodbekovich²

Andijon davlat tibbiyot institute

madina.valiyeva.65@mail.ru

Hozirgi kunga kelib OIV infeksiyasi yangicha ko'rinishga ega bo'lmoqda. Yuqori samarador antiretrovirus terapiya (ARVT) qo'llanilishiga qaramay og'ir va asoratlangan komorbit holatlar ko'p uchramoqda. OIV bilan yashayotgan bemorlarning yoshi o'sib borishi bilan somatik kasalliklarning polimorbid holatlarning uchrashi keskin ortmoqda. Bu o'z navbatida sog'liqni saqlash tizimi oldiga yangi vazifalarni qo'yadi.

Jahonda yetakchi olimlar tomonidan so'ngi yillarda olib borilgan tadqiqotlar terapevtik kontinuum xatar omillarini barcha populyatsiyalarda ayniqsa, kasalliklarga oson chalinuvchan OIV bilan zararlangan populyatsiya orasida o'rganish zarurligini yaqqol namoyon. Bunga birinchidan OIV/OITS pandemiyasida tarqalganligi sabab bo'lsa, ikkinchidan butun dunyo yuqori samarali ARVT xisobiga bemorlarning umr ko'rish davomiyligining ortishi va oportunistik infeksiyalarning o'rniga, OIV-assotsiyalashgan terapevtik kontinuum kasalliklarining ko'proq uchrayotganligidir [1; p.3-11, 2; p. 2-6].

Dunyodagi OIV – infeksiyasi bilan kasallangan odamlarning 70 foizi istiqomat qiluvchi Afrika qit'asi davlatlarida o'tkazilgan epidemiologik tadqiqotlar OIVga qarshi samarali kurashish:

ARVT, OIV bilan kasallanganlarga g'amxo'rlik ko'rsatishning mevasi sifatida bemorlarning umr davomiyligini va OIV fonida ikkilamchi noinfeksion kasalliklarning ko'payib borayotganligini ko'rsatib beradi [4; p.1-8, 6; p. 1-8]. Shuni ta'kidlash lozimki JSST 2022 yil ma'lumotlarida ushbu qit'a davlatlarida yuqumli bo'lmagan kasalliklardan barvaqt olim 85%ni tashkil qiladi [WHO]. Burundi, Keniya, Ruanda, Janubiy Sudan, Tanzaniya va Uganda kabi davlatlarda OIV fonida noinfeksion kasalliklar komorbit va multimorbit holatda judayam ko'p kuzatilganligidan, OIVga qarshi kurash va noinfeksion kasalliklarni oldini olish chora-tadbirlari hamda markazlarini integrallashtirish masalasi ko'tarilmoqda. Bu masalada ayrim davlatlar maxsus dasturlar doirasida ishlar olib borishni boshlagan [3; p.2-7]. Kagaruki G.B, Mayige M.T va hammualliflarning (2014) tadqiqot xulosalarida Tanzaniada ham OIV bilan yashayotgan insonlar orasida noinfeksion kasalliklarning ko'payishiga rivojlangan davlatlardagi kabi gipodinamiya, noto'g'ri ovqatlanish va zararli odatlar sabab ekanligi aytiladi [5; p.1-9, 6 p.1-8].

OIV bilan kasallangan bemorlarni davolash konsepsiyasi ham so'ngi o'tkazilgan klinik va epidemiologik kuzatuv-

larga asoslanadi. Ushbu ma'lumotlar, shuningdek, OIV-infektsiyasining epidemiologiyasi, OIV bilan kasallangan bemorlarda yuqumli bo'lmagan kasalliklar (YBK)/terapevtik kontinuum va boshqa o'ziga xos patologiyalarning oldini olishga harakat qilish zarurligini ko'rsatadi. Ko'p tadqiqotchilar ushbu ilmiy xulosani qo'llab-quvvatlab, YBK va ularning xavf omillarini, OIV bilan kasallangan populyatsiyada asoratlar hamda o'lim xavfini oshiradigan omil deb hisoblaydilar.

Maqsad: Andijon shahar OIV bilan kasallangan ayol va erkak populyatsiyada ayrim surunkali kasalliklarining komorbid holda uchrash chastotalarini aniqlash.

Material va metodlari: material sifatida Andijon shahrining 20 yoshdan 60 yoshgacha bo'lgan OIV-infektsiyasi bilan kasallangan aholisi orasidan reprezentativ tasadduv tanlov asosida 127 nafari tanlab olindi va tekshirildi. Tadqiqot Andijon viloyati "OITS" qarshi kurash markazi bilan hamkorlikda 65 nafar ayol va 62 nafar erkak o'rtasida o'tkazildi. Epidemiologik tekshiruvga jalb qilish poliklinika va uyga tashrif buyurish shaklida shaxsiy aloqa orqali amalga oshirildi. Keng qamrovli epide-

miologik tekshiruv standartlashtirilgan va umumlashtirilgan so'rov, instrumental va biokimyoviy usullardan foydalanilgan holda o'tkazildi. OIV infeksiyasi bilan kasallangan aholini kompleks epidemiologik tekshiruvdan o'tkazish ketma-ket uch bosqichda o'tkazildi. Birinchi bosqich birlamchi skrining bo'lib, uning davomida epidemiologik, klinik va biokimyoviy tadqiqotlar qo'llanilgan. O'rganishda, sifat va son ko'rsatkichli ma'lumotlar guruhlariga ajratildi. Sifat ko'rsatkichli omillar va natija o'rtasida bog'liqlik mavjudligini baholashda, biostatistikaning xavf nisbati, aniqlangan havf nisbatini ekstrapolyatsiya etish uchun 95% ishonch intervali, qabul qilingan ma'lumotlarni statistik ahamiyatini aniqlash maqsadida, Pirson me'zoni bo'yicha χ^2 va r hisoblandi.

Natijalar: Nafas olish tizimi surunkali kasalliklarining komorbid holda uchrash chastotalari keltirilgan 1 – jadvaldan ko'rinib turibdiki, nafas tizimi kasalliklari orasida o'pkaning surunkali obstruktiv kasalligining turli shakllari boshqa kasalliklardan ishonarli statistik farq bilan ko'p uchrab, ayollar orasida 23% (15 nafar) erkaklar orasida esa 27.4% (17 nafar) kuzatildi. Jami populyatsiyaning 25.1%i (32 nafar bemor)da kuzatildi.

1-jadval

Nafas olish tizimi surunkali kasalliklarining komorbid holda uchrash chastotalari

Tadqiqot guruxlari	N	Surunkali bronhit		O'SOK		Bronhial astma		Boshqa kasalliklar		jami	
		N	%	N	%	N	%	N	%	N	%
Ayollar	65	6	9.2	15	23.0*	3	4.9	1	1.5	25	38.4
Erkaklar	62	7	11.2	17	27.4*	1	1.6	1	1.6	26	41.9
Umumiy populyatsiyada	127	13	10.2	32	25.1*	4	3.1	2	1.5	51	40.1

*- $P < 0.05$, ** - $P < 0.01$, ***- $P < 0.001$

Keyingi o'rinda turli darajadagi surunkali bronhit kasalligi uchrab, ayollar orasida (6 nafar) 9.2% va erkaklar orasida (7 nafar) 11.2% ida kuzatildi. Jami populyatsiyada surunkali bronhit tashhisi (13 nafar) 10.2% bemorlarda aniqlandi.

Aholi orasida va boshqa populyatsiyalarda ko'p uchrovchi bronhial astma kasalligi jami populyatsiyada 3.1% (4 nafar) bemorlarda kuzatilib, ayollar va erkaklar orasida mos ravishda (3 nafar) 4.9% va (1 nafar) 1.6% kuzatildi.

Shuni ta'kidlash lozimki o'pkaning surunkali obstruktiv kasalligi (O'SOK) kabi kasalliklarning komorbid holatda ko'p uchrashi, ushbu bemorlardagi OITS indikator kasalliklardan pnevmosistli

pneumoniya, nafas yo'llari kandidozi kabi kasalliklarni qo'shilishi, OIV bilan zararlangan populyatsiyada nafas tizimi kasalliklari katta ahamiyatga ega bo'lgan muammo ekanligini ko'rsatib turibdi. Bu ushbu populyatsiyani nafas olish tizimi kasalliklariga skrining tekshiruvi, ushbu kasalliklarning hatar omillarining keng profilaktikasi va qat'iy davolash dasturlarini ishlab chiqish zarurligini ko'rsatib beradi.

Keyingi o'rinda siydik ajratish tizimi kasalliklarining tarqalishini tahlil qilganimizda (2-jadval) siydik yo'llari surunkali infeksiyasi eng ko'p - 14,9% bemorlarda uchragan.

2 jadval

Siydik ajratish tizimi kasalliklarining OIV bilan kasallangan populyatsiyada tarqalishi

T a d q i q o t guruxlari	N	Siydik yo'llari surunkali infeksiyasi		Surunkali piyelonefrit		Surunkali buyrak kasalligi		Siydik tosh kasalligi		jami	
РОЛЬ 0,15% ГАНЦИКЛОВИРОВОГО ГЛАЗНОГО ГЕЛЯ В ЛЕЧЕНИИ АДЕНОВИРУСНОГО КЕРАТОКОНЬЮНКТИВИТА

Кувондигов Элёр Кучкар угли, Файзиева Дилором Буритошевна

Военно-медицинская академия Вооруженных Сил

Fayziyeva_dil@mail.ru

Ключевые слова: Аденовирусный конъюнктивит, ганцикловир, глазной гель, инфильтраты роговицы, ложные мембраны, рандомизированное клиническое исследование.

Оценить эффективность и токсичность 0,15% геля ганцикловира в лечении аденовирусного конъюнктивита и в предотвращении инфильтратов роговицы и ложных мембран, возникающих после аденовирусного конъюнктивита. Методы исследования: Двойное слепое рандомизированное клиническое исследование. В исследование были включены 33 пациента с клиническим диагнозом аденовирусного конъюнктивита и началом симптомов в течение пяти дней. Пациенты были случайным образом распределены на две группы: 1-я группа (основная) - 19 пациентов, использовавших гель ганцикловира, и 2-я группа (контрольная) - 14 пациентов, использовавших искусственные слезы без консервантов. Пациенты заполнили анкету по признакам и симптомам и прошли офтальмоло-

гическое обследование. На 6-й и 10-й дни лечения анкета была повторно проведена, и пациенты были повторно осмотрены тем же офтальмологом. При сравнении обеих групп не было обнаружено статистически значимых различий в признаках и симптомах конъюнктивита. При сравнении внутри каждой группы до лечения и в процессе лечения статистически значительное улучшение в отношении боли, зуда и светобоязни наблюдалось только в группе лечения. Токсичность ганцикловира не была выявлена, и препарат хорошо переносился пациентами. Не было обнаружено значимых различий в возникновении осложнений, таких как инфильтраты или мембраны, между двумя группами. Исследование показало тенденцию к более быстрому улучшению признаков и симптомов у пациентов,

получавших лечение ганцикловиром, по сравнению с контрольной группой, хотя это не было статистически значимым. Для подтверждения этих ре-

зультатов необходимы дополнительные исследования с большим числом пациентов и более длительным наблюдением.

SUMMARY

THE ROLE OF 0.15% GANCICLOVIR EYE GEL IN THE TREATMENT OF ADENOVIRAL KERATOCONJUNCTIVITIS

Kuvondikov Elyor, Fayzieva Dilorom

Military medical academy of the armed forces

Fayziyeva_dil@mail.ru

Key words: Adenoviral Conjunctivitis, Ganciclovir, Ophthalmic Gel, Corneal Infiltrates, Pseudomembranes, Randomized Clinical Trial

To evaluate the efficacy and toxicity of 0.15% ganciclovir gel in the treatment of adenoviral conjunctivitis and in preventing corneal infiltrates and pseudomembranes that may develop after adenoviral conjunctivitis. **Methods:** A double-blind, randomized clinical trial. Thirty-three patients with a clinical diagnosis of adenoviral conjunctivitis, within five days of the onset of symptoms, were randomly assigned to two groups: Group 1 (treatment) - 19 patients used ganciclovir gel, and Group 2 (control) - 14 patients used preservative-free artificial tear drops. Patients completed a questionnaire about signs and symptoms and underwent an ophthalmological examination. On the 6th and 10th days of treatment, the questionnaire was administered again, and the same ophthalmologist re-examined the patients.

Comparing both groups, no statistical difference was observed in the signs and symptoms of conjunctivitis. When comparing each group separately between pre-treatment and during treatment, statistically significant improvements in pain, itching, and photophobia were observed only in the treatment group. Ganciclovir showed no toxicity and was well tolerated by patients. There was no significant difference in the occurrence of complications such as infiltrates or membranes between the two groups. **Conclusion:** The study showed a trend towards faster improvement of signs and symptoms in patients treated with ganciclovir, although this was not statistically significant. Further studies with a larger number of patients and longer follow-up are necessary to confirm these findings.

УЎК 611-018.54:612.017.1-07

КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИ БЎЙИЧА ЭПИДЕМИК ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАШ

**Қурбонбеков Фарход Бахрамович¹, Неъматов Аминжон Сабдарович²,
Қосимов Одилжон Шодиевич³**

*Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
қўмитаси¹, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш
маркази², Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти³*
farxod474@mail.ru

Калит сўзлар: Куйдирги, касалланиш, эпидемик вазият, юқиш йўллари, ташҳисоти.

Куйдирги эпидемияси ҳар йили Антарктидадан ташқари дунёнинг барча минтақаларида содир бўлади. Касаллик асосан Африка ва Осиё давлатларида қайд этилади. Россияда ҳам деярли ҳар йили бир нечта ҳолатлар аниқланади [2].

Сайёрамиз бўйлаб ҳар йили 2000 дан 20000 гача куйдирги касаллиги қайд этилади. Касаллик Африка, Осиё, Жанубий ва Марказий Америка, Яқин Шарқ ва Кариб денгизининг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра, одамлар ўртасида куйдирги билан касалланганларнинг умумий сонидан 21,9% Европада, 25,1% Африкада, Осиёда 42,8%, Америкада 10,1%ни ташкил этган. Куйдиргининг одамлар ўртасида касалланишнинг энг юқори даражаси шу ҳудудларда куйдирги тупроқ ўчоқларининг кўплиги, нохуш эпизоотик вазият ва кўплаб мамлакатларда куйдиргига қарши эмланишнинг йўқлигига боғлиқдир [1; 6].

Юқумли касалликлар ўртасида куйдиргининг салмоғи унча катта бўлмаса-да, касалликнинг кенг тарқал-

ганлиги, тез юқувчанлиги (контагиозлиги), ўлим даражасининг юқори бўлганлиги, борган сари касалликнинг аҳоли орасида қайд қилинишини фаоллашуви кузатилаётганлиги ушбу касалликка кўпроқ эътибор қаратилишини тақозо этади.

Куйдирги касаллигининг одамлар орасида бир ҳудудда қисқа вақт ичида тарқалиши ўлим кўрсаткичини оширади, айниқса касалликни сепсис, ичак шаклларида бу кўрсаткич 100 фоизга етиши мумкин [5].

Куйдирги касаллиги эпидемиологиясининг асосий хусусияти бўлиб, *Bacillus anthracis* бактериясининг ташқи муҳитга чидамли бўлган эндоспора ҳосил қилиш қобилитидир [4].

Сайёрамизнинг қатор мамлакатларида, эпизоотия ҳақида хабарлар мунтазам равишда пайдо бўлади. Қўзғатувчининг юқиши гўшт ва гўшт маҳсулотлари (95,8%), камдан-кам ҳолларда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг териларини қайта ишлаш (4,2%), чорва молларини мажбурий сўйиш, тана гўштини майдалаш (94,4%) тери шаклининг кенг тарқалишига сабаб бўлади [3].

Юқоридагиларни инобатга олиб, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ҳам куйдирги касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятни барқарорлигини таъминлаш учун ва чет давлатлардан бу касалликни олиб кирилиши хавфи мавжудлигини инобатга олиб, муаллифлар томонидан эпидемиологик таҳлил ўтказилди.

Тадқиқотнинг мақсади республикада Куйдирги касаллиги бўйича эпидемик вазиятга баҳо бериш, куйдиргини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг материали сифатида 2012-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига Куйдирги касаллиги бўйича тақдим этилган маълумотлар аниқланган ҳолатлар бўйича хабарномалар ва уларни эпидемиологик суриштирув карталаридан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усули. 2012-2023 йиллардаги куйдирги касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасидан олинган маълумотлар ретроспектив эпидемиологик таҳлил этилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Сўнги 12 йилда республикада расман қайд этилган Куйдирги касаллиги ҳолатларининг 63,4 %ини эркаклар 36,6 %ини аёллар ташкил этди. Ёшма-ёш таҳлил қилинганда 91,2 %ини 20 ва ундан катта ёшдагиларни ташкил этди. Сўнгги 12 йилда жами Куйдирги ҳолатларининг 74,3 %и Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тўғри келиши аниқланди. Жумладан,

аниқланган беморларнинг 35,0 %и Тошкент вилоятига тўғри келади. Шу даврда куйдирги касаллиги бўйича нохуш ҳудудлар ҳам кенгайиб борган. Агар 2012 йилда республиканинг 4 та ҳудудида касаллик рўйхатга олинган бўлса, 2023 йилга келиб касаллик аниқланмаган 3 та вилоят қолган, ҳолос.

Касалланишнинг кўп йиллик кўрсаткичлар динамикаси ўрганилганда, аниқ кўтарилиш ва пасайиш давлари кузатилмади. Агар охириги ўн икки йилда энг кўп касалланиш 2022-йилда қайд этилган бўлса (интенсив кўрсаткич 0,2), олдинги ва кейинги йилларда кўрсаткич пасайиб (0,03, 0,18, 0,1). Шу билан бирга, охириги икки йилда касалланганлар кўрсаткичи яна ортиб, 2021-йилда 0,1 ни ва 2023-йилда 0,2 ни ташкил этган. 2020 йилда касаллик нисбатан камайиб, ушбу кўрсаткич 0,07 ни ташкил этган. Бироқ, бу ҳолат 2019-йилнинг охири, 2020-йилнинг бошидан коронавирус инфекциясига қарши карантин ва чеклов тадбирлари сабабли аҳоли миграциясининг камайиши, гўшт маҳсулотларини четга чиқариш, олиб кириш ҳамда тиббиёт ва санитария муассасаларининг фаолияти асосан COVID-19 инфекциясига қаратилганлиги натижасида куйдирги касаллигини эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, стационар шароитда ёрдам кўрсатиш ишлари тўлиқ амалга оширилмаганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолосага келишимизга сабаб, касаллик лаборатория усулида тасдиқланган беморларнинг 6,4 фоизда куйдиргининг тери шакли яралар билан кечиши, шу боис уни бошқа касаллик сифатида қабул қилиш каби хатоликларга йўл қўйилиши мумкинлигидир.

Санитария-эпидемиология қўм-

митаси Миллий Референс лабораторияси Ўта хавfli юқумли касалликлар лабораторияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилган лаборатория таҳлилларида 2022 йилда куйдирги ташҳиси бўйича ўтказилган таҳлиларнинг 13.6 % да, 2021 йилда 9.5 %, 2023 йилда 13.4 % да касаллик тасдиқланган. Бундай ҳолат ҳам касалликни ташҳисот ишларини яхши йўлга қўйилмаганлиги, таҳлиларни ўз вақтида ўтказилмаганлиги, намуналарни антибиотик даволаш курсларидан аввал олинмаслиги (диагностикумлар етишмаслиги, кадрлар салоҳияти етарли эмаслиги) гумон қилишга ундайди. Касал бўлганларнинг касбий фаолияти бўйича таҳлилда энг катта кўрсаткич 35,5 % чорва ҳайвонларининг боқиш, парваришlash билан шуғулланувчилар ва 25,0 % чорва ҳайвонларининг маҳсулотлари (сут, гўшт, тери ва кала-поча) олди-сотдиси билан шуғулланувчи қассоблар, 15,0 % уй бекалари эканлиги аниқланди. Беморларнинг 24,5 % чорва ҳайвонларининг сўйишда иштирок этган, қассобларга кўмаклашган ва ҳайвонларнинг хомашёларини ташиш, тарқатиш ҳамда тупроқ орқали юқтирган.

Республикада куйдирги касаллигини якуний тасдиқлашда бактериологик ва биологик усуллардан фойдаланилмоқда. Касалланганларнинг барчасига клиник ташҳис биологик усулда тасдиқлангандан сўнг ташҳис қўйилган.

Касалланиш кўрсаткичларининг ойма-ой таҳлилида энг кўп касалланиш май-сентябрь ойларида қайд этилган ва жами аниқланган ҳолатларнинг 72,5 % шу даврга тўғри келган. Шу билан бирга, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларида касалланиш ҳолатларини қайд этилиши бошқа ҳудудларга нисбатан вақтлроқ

бошланиши (апрель-май ойлари) ва эпид мавсум эртароқ (июнь ойида) тугаши эътиборни тортди.

Касаллик ҳолатларининг 57,5 % да майда шохли ҳайвонлар, 38,5 % да йирик шохли ҳайвонлар касаллик манбаи бўлиб хизмат қилган бўлса, 3,5 % да касаллик тупроқлар орқали юқтириб олинганлигига гумон қилинган. Яна 0,5 % беморларда касалликни юқиш манбаи аниқланмаган.

Хулосалар.

1. Ўзбекистонда 2012-2023 йилларда куйдирги касаллиги Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳудудларда нисбатан қайд қилинганлиги аниқланди.

2. Беморларнинг касбий фаолияти бўйича таҳлилда энг катта кўрсаткич 35,5 % чорва ҳайвонларининг боқиш, парваришlash билан шуғулланувчилар ва 25,0 % чорва ҳайвонларининг маҳсулотлари чорва ҳайвонларининг маҳсулотлари (сут, гўшт, тери ва кала-поча) олди-сотдиси билан шуғулланувчи қассоблар, 15,0 % и уй бекалари эканлиги аниқланди. Беморларнинг 24,5 % и чорва ҳайвонларининг сўйишда иштирок этган,

3. Республикада куйдирги касаллигини якуний тасдиқлашда бактериологик ва биологик усуллардан фойдаланилмоқда. Касалланганларнинг барчасига клиник ташҳис биологик усулда тасдиқлангандан сўнг ташҳис қўйилган.

4. Касалланиш кўрсаткичларининг ойма-ой таҳлилида энг кўп касалланиш май-сентябрь ойларида қайд этилган ва жами аниқланган ҳолатларнинг 72,5 % шу даврга тўғри келган.

5. Касаллик ҳолатларининг 57,5 % да майда шохли ҳайвонлар, 38,5 % да йирик шохли ҳайвонлар касаллик манбаи бўлиб хизмат қилган бўлса, 3,5 % да касаллик тупроқлар орқали юқтириб олинганлигига гумон қилинган, 0,5 % ҳолатларда касал-

ликни юқиш манбаи аниқланмаган.

6. Сўнгги йилларда, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Хоразм вилоятларида Қорақалпоғистон Республикаси ва

Тошкент шаҳрида куйдирги касаллигини қайд этилиши Ўзбекистонда куйдирги тупроқ ўчоқларининг ареали кенгаётганлиги кузатилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Дугаржапова З.Ф., Чеснокова М.В., Косилко С.А., Балахонов С.В. Актуальные проблемы особо опасных и природно-очаговых болезней // Мат: Федеральная служба по надзору в сфере защиты прав потребителей и благополучия человека. - Москва, 2017. - С.429.

2. Лухнова Л.Ю., Дерябин П.Н., Атшар Б.Б., Мека- Меченко Т.В., Некрасова Л.Е., Суших В.Ю., Избанова У.А. История создания и основные направления совершенствования специфической профилактики сибирской язвы. Medicine (Almaty). 2016; - С.34-45.

3. Салимов Х.С., Сайиткулов Б. Куйдирги ўчоқларини картограммага киритишда уларни кадастр қилиш аҳамияти // Зооветеринария – Ташкент, 2012. - № 7-8. – Б. 31-32.

4. Симонова Е.Г., Картавая С.А., Раичич С.Р., Локтионова М.Н., Шабейкин А.А.

Сибирская язва в Российской Федерации: совершенствование эпизоотолого-эпидемиологического надзора на современном этапе // Эпидемиология и вакцинопрофилактика. - М., 2018. - Т. 17. - № 2. - С.57-62.

5. Elvander M, Persson B, Sternberg Lewerin S. Historical cases of anthrax in Sweden 1916-1961. Transboundary Emerging Dis (2017) 64(3): - P.892-8.

6. Seto C. Ogunleye., Mercy M. Olorunshola., Kolapo A. Fasina., Abdullahi T. Aborode., Olalekan C. Akinsulie., Abimbola Amoo., Boluwatife J. Olatoye., Akeem Bakare., Mariam A. Lawa., Oluwabori Adekanye., Ezemba C. Chinyere., / Anthrax outbreak: exploring its biological agents and public health implications // Front. Trop. Dis, Sec. Emerging Tropical Diseases 18 January 2024.

РЕЗЮМЕ

ОЦЕНКА ЭПИДЕМИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ ПО СИБИРСКОЙ ЯЗВЕ

Курбанбеков Фарход Бахрамович¹, Нematov Aminjon Sabdarovich²,
Косимов Одилжон Шодиёвич³

¹Комитет Санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан, ²Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников, ³Ташкентский научно-исследовательский институт вакцин и сывороток, Узбекистан.

farxod474@mail.ru

В статье на основе данных о случаях заболевания сибирской язвой, зарегистрированных в Республике Узбекистан в 2012-2023 годах, указаны регионы регистрации заболевания, сезонность заболевания, широкое распространение среди людей профессий, связанных с животноводством и оцениваются эпидемическая ситуация.

SUMMARY

ASSESSMENT OF ANTHRAX EPIDEMIC SITUATION

Kurbanbekov Farhod Bahromovich¹, Nematov Aminjon Sabdarovich²,
Kasimov Odiljon Shodiyevich³

Committee of Sanitary-Epidemiological Welfare and Public Health under the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan¹, Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers², Tashkent Research Institute of Vaccines and Serums, Uzbekistan³.

farxod474@mail.ru

The article, based on data on cases of anthrax registered in the Republic of Uzbekistan in 2012-2023, indicates the regions of registration of the disease, the seasonality of the disease, the widespread prevalence among people in professions related to livestock farming, and assesses the epidemic situation.

УДК: 577.2: 615.1: 612.1

СYP2C19 ВА MDR1 ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМЛАРИНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

Мавлянов Искандар Рахимович¹, Курганов Сардарходжа Каримович¹⁻³,
Пулатов Олим Рахимович^{1,4}, Ибраимхўжаева Дилноза Баходировна²

¹Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги

Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркази, Тошкент.

²Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги

Биофизика ва биокимё институти, Тошкент.

³Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази, Тошкент.

⁴Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази,
Тошкент

sardorbioinformatik@mail.ru

Калит сўзлар. CYP2C19, MDR1, аллел, мутация, генетик полиморфизм.

Аннотация. Ушбу илмий мақолада CYP2C19 ва MDR1 генларининг генетик полиморфизмининг инсон саломатлигига таъсири тадқиқ этилган. Генларнинг турли полиморфизмлари турли инсонлардаги дори-дармонларга нисбатан реакцияларини ўзгартириш имконини беради. Тадқиқотда мазкур генлар мутацияларининг фармакокинетика ва фармакодинамикага таъсири ҳамда ушбу таъсирларнинг клиник аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, CYP2C19 ва MDR1 полиморфизмларининг ўзаро боғлиқлиги ва унинг даволаш жараёнидаги аҳамияти кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари мазкур генларнинг инсон организмдаги дори-дармонлар ишлатилишининг индивидуализациясига таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, касалликлар фармакотерапияси самарадорлигини ошириш ва ҳавфсизлигини таъминлаш ҳозирги замон тиббиётини ўта долзарб ва муҳим муаммоларидан биридир

[1, 14, 15]. Ушбу муаммо нафақат тиббий ва ижтимоий муаммо бўлмасдан жамият учун иқтисодий аҳамият ҳам касб этади. Чунки фармакотерапия самарадорлигини пасайиши ёки етарли эмаслиги туфайли касалликларни бартараф этиш кечикади, иш қобилиятини вақтинчалик ёки буткул йўқотилиши туфайли сарф-ҳаражатлар ошади, фармакотерпия давомийлигини узайиши қўшимча маблағларни талаб этади. Шунингдек касалликларни оғирлашиши, асоратлар келиб чиқиши туфайли ҳам қўшимча сарф-ҳаражатларга эҳтиёж ортади. Дори воситалар туфайли келиб чиқадиган ножуя таъсиротлар ҳам соғлиқни сақлаш тизимида сезиларли даражада моддий юкламаларни вужудга келтиради [16].

Тиббиёт амалиёти ушбу муаммоларни ечими сифатида касалликлар давоси учун даво стандартлари ва даво протоколлари дастурларини яратган [19]. Ушбу ёндашув, албатта, врачлар томонидан самарали ва ҳавф-

сиз фармакотерапия ўтказиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Аммо, касалликлар давоси учун стандарт даво ёндашувлари мавжуд бўлсада, “стандар” беморлар мавжуд эмас. Бу эса касалликлар стандарт давосини ушбу касаллик (назологик форма) мавжуд беморларга мослаштиришни, яъни персоналлаштиришни тақозо этади. Бу ўринда айтиб ўтиш лозимки, “персоналлаштирилган тиббиёт” ҳозирги замон янги тиббиёт доктринасининг 4 та йўналишидан бири бўлиб ҳисобланади [18].

Маълумки, бемор организмнинг фармакологик таъсирга жавоб реакцияси 50% ҳолларда унинг ижтимоий ва атроф муҳит ҳисобига шаклландиган фенотип хусусиятларига боғлиқ бўлса, 50% ҳолларда эса унинг ирсияти билан боғлиқдир [17]. Бемор фенотип хусусиятларига унинг ёши, жинси, овқатланиш хусусиятлари, зарарли одатлари (чекиш, спиртли ичимликлар истъемол қилиши кабилар), ёндош хасталиклар ва бошқалар кирса, ирсий хусусиятларига эса дори воситалари фармакокинетика ва фармакодинамикаси жараёнлари ирсий назоратида иштирок этувчи генлар полиморфизмлари киради. Дори воситалари фармакокинетикаси босқичма-босқич кечувчи мураккаб жараён бўлиб, унинг ҳар бир босқичини таъминловчи механизмлар генлар назоратида амалга оширилади [17, 18]. Масалан, дори воситалари метаболизми биринчи ва иккинчи фазалари унинг кимёвий табиатидан келиб чиққан ҳолда турли ферментлар иштирокида рўй беради. Жумладан, бу жараёнда асосан жигар ҳўжайраларида жойлашган монооксигеназ тизим ферментлари (цитохром P-450 ферментлари) катта роль ўйнади. Ўз

навбатида ушбу ферментлар фаоллиги дори воситалари кимёвий табиатидан келиб чиққан ҳолда турли генлар назорати остида бўлади. Ушбу генлар ва уларнинг полиморфизмини тадқиқ этиш орқали дори воситалари метаболизмининг индивидуал хусусиятларини аниқлаш мумкин. Бу эса даво жараёнини персоналлаштириш, яъни стандарт давони конкрет беморга мослаштириш имконини яратади [19, 20, 21].

Беморнинг генетик профилига асосланиб, маълум бир дори воситасига жавоб реакцияси хусусиятларини олдиндан башорат қилиш мумкин. Бу эса бемор учун энг самарали ва ҳавфсиз дори воситасини танлаш имконини беради. Шунингдек, генетик тестлаш (фармакогенотиплаш) асосида конкрет бемор учун танлаб олинган дори воситаси индивидуал миқдорини ҳам аниқлаш мумкин. Дори воситасини ва дозасини танлаш орқали беморларнинг даво давомийлиги қисқаради, нозуя таъсир ҳавфи бартараф этилади асоратлар келиб чиқиш эҳтимоллиги камайади. Бу эса, сўзсиз, даво учун сарф-ҳаражатларни иқтисод қилиш учун реал имкониятлар яратади. камайади. Бу эса, сўзсиз, даво учун сарф-ҳаражатларни иқтисод қилиш учун реал имкониятлар яратади.

Фармакотерапия самарадорлиги ва ҳавфсизлигини ошириш мақсадида қатор генлар полиморфизмлари тадқиқ этилган. Уларга дори воситалари метаболизми, ташилиши (эфлюкс) жараёнлари ва улар фармакодинамикаси механизмларини бошқаришда иштирок этадиган генлар киради. Илмий адабиётларда фармакогенетикада муҳимлиги жиҳатидан энг кўп ўрганилган CYP2C19 ва MDR1 генлари по-

лиморфизмларини популяцияда клиник жиҳатдан аҳамиятини баҳолашга қаратилган кўплаб илмий мақолаларни кузатиш мумкин [26].

CYP2C19 ва MDR1 генлари полиморфизмлари нафақат дори воситаларининг метаболизми ва ташилишига, балки инсон организмидаги турли физиологик жараёнларга ҳам таъсир қилади. Бу генлар полиморфизмлар турли популяцияларда ҳар хил яшаш шароити, иқлим, ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ҳам турлича таъсир кўрсатишини баҳолаш зарурдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда дори воситаларини ҳўжайра даражасида ташилиши ("эфлюкс")ни ва қатор дори воситалари метаболизми ферменлари фаоллигини бошқарувчи MDR1: 3435 C>T, CYP2C19: 618 G>A, CYP2C19: 636 G>A ва CYP2C19: -806 C>T генлари полиморфизмларини юрак қон томири тизими, ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ бўлган ва иммун тизими касалликлари ҳамда шартли соғлом шахслар гуруҳлари вакилларида текшириш орқали даво жараёнини персоналлаштиришга тақлифлар ишлаб чиқиш ушбу **тадқиқотнинг мақсади** бўлди.


Материаллар ва усуллар. Тадқиқотлар учун юрак қон томир касалликлари (100 та), ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ касалликлари (100 та), иммун (аллергик) тизими касалликлари (100 та) мавжуд бўлган 300 нафар беморлар ҳамда 100 та шартли соғлом шахслар гуруҳлари вакилларида қон намуналар олинган. Намуналар қон гемостази изланишлари учун мўлжалланган 3% ЭДТА (этилендиаминтетрауксусли кислота)ли вакуум пробиркаларга венадан қон намунаси сифатида олиниб, ДНК экстракцияси учун ишлатилди.

Барча биологик қон намуналар қон гемостази изланишлари учун мўлжалланган 3% ЭДТА (этилендиаминтетрауксусли кислота)ли вакуум пробиркаларга венадан қон намунаси сифатида олиниб, ДНК экстракцияси учун ишлатилди. ДНК экстракцияси ДНК экстракцияси [ПРОБА-ГС-ГЕНЕТИКА](#) (DNA-TECHNOLOGY, Россия) ва QIAamp DNA Blood Kits 250 (QIAGEN Inc., Valencia, CA,, АҚШ) тўпламлари ёрдамида амалга оширилди. Ажратилган ДНК концентрацияси Qubit 2.0 Fluorometer (Thermo Fisher Scientific, АҚШ) жихози ёрдамида λ фаги ДНКси флуоресцент чизигига қиёсий аниқланди. ДНК аралашмаси намуналари 20-40 нг/мл ишчи концентрациягача суюлтирилди ва -20°C ҳароратда музлатилган ҳолда сақланди. Таҳлил тадқиқотларида барча ДНК препаратларидаги геном ДНК молекулалари миқдори 1 нг/мкл миқдордан кўплиги аниқланди ва шу сабабли ДНК намуналар кейинги тадқиқотлар учун етарли даражада суюлтирилди.

ДНК намуналаридан MDR1: 3435 C>T, CYP2C19: 618 G>A *2 (P227P), CYP2C19: 636 G>A *3 (Trp212X) ва CYP2C19: -806 C>T *17 ген аллелларидан иборат бўлган генотип полиморфизмни аниқлаш учун ишлаб чиқарувчининг ФармакоГенетика Клопидогрел(dna-technology, Россия) тўплами танланди. ДНК намуналари Dtlite4 Real-Time PCR с 48-ячейкали автоматлаштирилган амплификаторларнинг қуйидаги дастури ёрдамида амалга оширилди: дастлабки денатурация 120 сек 80°C ва 300 сек 94°C да бир маротаба, 50 маротаба асосий ҳаргалги денатурация 30 сек 94°C ҳамда праймерлар жойлашуви ва полимераза занжир реакцияси учун 15 сек 67°C босқичларидан сўнг 30 сек 25°C

да сузиш егри чизиғи 25°C дан 75°C гача 1°C дан давомида 15 сек давомида 50 маротаба (флоресанс ўлчови ҳар қадамда амалга оширилиши керак)

ўтказилди. Аллел специфик махсус FAM ва HEX детекторлар мос равишда ДНК намуналаридаги геннинг 1 ҳамда 2 аллелларига тўғри келади (1-расм).



1-расм. Генлардаги аллел ва генотипларнинг реал вақтдаги полимераза занжир реакцияси (*Real Time PCR*) тадқиқот натижалари.

Тадқиқотларда текширилган юрак қон томир касалликлари(100), ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ касалликлар(100), Иммун(аллергик) тизими касалликлари(100) та ҳамда шартли соғлом шахслар(100) гуруҳлари молекуляр генетик таҳлил натижалари асосида генотипларнинг абсолют миқдори ва уларнинг учраш частотаси жадвали тузилди(1-жадвал).

Статистик таҳлилларни ўтказиш ҳар бир полиморфизм бўйича генотиплар тарқалишининг ҳар хил касаллик гуруҳларида ва шартли соғлом шахсларда ўзаро фарқларини текшириб мақсадда биоинформатик(онлайн дастурлар) ва Python махсус электрон дастурларида хи-квадрат (*chi-square*)

ҳамда Фишернинг аниқ тестидан ўтказилди. Кутилган фреквенциялар жадвалида 0 элемент мавжудлиги сабабли Python махсус электрон дастурларида *chi2_contingency* функцияси ишламади. Шу билан бирга, CYP2C19: 636 G>A полиморфизми учун мавжуд бўлган маълумотлар орасида AA генотипининг йўқлиги сабабли AA генотипини чиқариб ташлаб, тестни фақат GG ва GA генотиплари учун амалга оширамиз. Шу билан бирга, CYP2C19: 806 C>T учун ҳам шу муаммо юзага келиши мумкин, чунки маълумотлар бўйича TT генотипи фақат ЮҚТ гуруҳида мавжуд. Аини вазият учун фреквенциялар жадвалидаги 0 элемент ўрнига 1 элементга ўтказилди.

Генотипларнинг абсолют миқдори ва уларнинг учраш частотаси

Текширувдаги гуруҳ (вакиллари сон -п)	MDR1: 3435 C>T rs1045642			CYP2C19 618 G>A rs4244285		
	CC	CT	TT	GG	GA	AA
ЮҚТ (100)	25(25%)	37(37%)	38(38%)	67(67%)	24(24%)	9(9%)
ХТКБ (100)	50(50%)	39(39%)	11(11%)	70(70%)	30(31%)	0(0%)
ИТ (100)	48(48%)	40(40%)	12(12%)	78(78%)	22(22%)	0(0%)
Контрол гуруҳи (100)	52(59%)	38(38%)	10(3%)	58(58%)	33(33%)	9(9%)
Текширувдаги гуруҳ (вакиллари сон -п)	CYP2C19 636 G>A rs4986893			CYP2C19 806 C>T rs12248560		
	GG	GA	AA	CC	CT	TT
ЮҚТ (100)	91(91%)	9(9%)	0(0%)	53(53%)	40(40%)	7(7%)
ХТКБ (100)	94(94%)	6(6%)	0(0%)	78(78%)	22(22%)	0(0%)
ИТ (100)	98(98%)	2(2%)	0(0%)	82(82%)	18(18%)	0(0%)
Контрол гуруҳи (100)	100(100%)	0(0%)	0(0%)	97(97%)	3(3%)	0(0%)

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили: Олинган, ҳар бир генотип натижалари гуруҳлар ўртасидаги статистик аҳамиятли фарқларни аниқлаш учун хи-квадрат тести Python махсус электрон дастурлари таҳлил натижалари асосида ўтказилди. Барча текширувдаги гуруҳларни жамлаб тарқалиши бўйича ўтказилган χ^2 -квадрат тестида MDR1: 3435 C>T rs1045642 (Генотиплари CC: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, CT: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, TT: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$), CYP2C19: 618 G>A rs4244285 (Генотиплари GG: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, GA: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, AA: $\chi^2 = 4.0$, $p = 0.261$), CYP2C19: 636 G>A rs4986893 (Генотиплари GG: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, GA: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, AA: $\chi^2 = 0.0$, $p = 1.0$) ва CYP2C19: 806 C>T rs12248560 (Генотиплари CC: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, CT: $\chi^2 = 12.0$, $p = 0.213$, TT: $\chi^2 = 4.0$, $p = 0.261$) **р-қиймати 0.05 дан катта эканлиги** гуруҳлари ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар мавжуд эмаслигини кўрсатди. **CYP2C19: 636 G>A rs4986893 (AA)** генотиби учун, $p = 1.0$, эканлиги ушбу генотипнинг барча гуруҳларда бир хил тарқалганлигини

кўрсатади. **MDR1: 3435 C>T, CYP2C19: 618 G>A**, ва **CYP2C19: 806 C>T** генотиплари учун барча генотипларда (CC, CT, TT, GG, GA, AA) p -қийматлар 0.05 дан катта, яъни гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга эмас. Мавжуд вазиятда қўшимча тадқиқотлар ўтказиб, генотиплар ва касалликлар ўртасидаги боғлиқликни янада чуқурроқ ўрганиш ва ҳар бир генотип ва касаллик бўйича алоҳида таҳлиллار ўтказиш ва уларнинг клиник аҳамиятини баҳолаш керак.

Ва аксинча гуруҳ-гуруҳ ўртасида таҳлил натижаларидаги MDR1: 3435 C>T генотиби учун: χ^2 қиймати-12.94, p -қиймати 1.89×10^{-7} , CYP2C19: 618 G>A генотиби учун: χ^2 қиймати-11.68, p -қиймати: 0.0047, CYP2C19: 636 G>A генотиби учун - χ^2 қиймати 9.61, p -қиймати: 0.0222, CYP2C19: 806 C>T генотиби учун- χ^2 қиймати: 17.09, p -қиймати 3.32×10^{-10} қийматларнинг мавжудлиги текширилган ҳар бир генотип тарқалиши бўйича гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар мавжудлиги кўрсатди.

Турли этник гуруҳлар ва попу-

ляциялар орасидаги генетик мувофиқликни таҳлил қилиш учун, аввал турли популяциялардан ўтказилган тадқиқотлар натижаларини кўриб чиқишимиз ва уларни ўзимиздаги натижалар билан таққослашимиз керак. Қуйидаги текширилаётган полиморфизмлар бўйича турли популяциялардаги тарқалиш маълумотлари келтирилган. MDR1 генининг 3435 C>T полиморфизми дунёдаги турли популяцияларда турлича тарқалган [22]. Европа популяциялари: CC генотиби юқори тарқалишга эга (40-50%), CT ва TT генотиплари мос равишда 40-50% ва 10-20% учрайди. Осиё популяциялари: CT ва TT генотиплари кўпроқ тарқалган. Масалан, японларда CT ва TT генотиплари 50-60% ва 20-30% даражасида учрайди.

CYP2C19: 618 G>A rs4244285 *2 полиморфизми Европаликлар ва Осиё популяциялари ўртасида фарқ қилади: Европаликлар: GG генотиби камроқ учрайди (60-70%), GA ва AA генотиплари кўпроқ учрайди (10-20%). Осиё популяциялари: GA ва AA генотиплари юқори тарқалишга эга (40-50%) [23].

CYP2C19: 636 G>A rs4986893 *3 полиморфизми асосан Осиё популяциялари ўртасида кенг тарқалган: Европаликлар: GG генотиби юқори (90-95%), GA ва AA генотиплари кам учрайди. Осиё популяциялари: GA ва AA генотиплари кўпроқ учрайди (10-20%) [24].

CYP2C19: 806 C>T rs12248560 *17 полиморфизми ҳам турли популяцияларда турлича тарқалган: Европаликлар: CC генотиби кўпроқ учрайди (60-70%), CT ва TT генотиплари 20-30% ва 5-10%. Осиё популяциялари: CC генотиби кўпроқ учрайди, лекин CT ва TT генотиплари ҳам муайян даражада учрайди [25].

Тадқиқотларда текширилган юрак қон томир касалликлари, ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ касалликлар, Иммун(аллергик) тизими касалликлари ҳамда шартли соғлом шахслар гуруҳлари молекуляр генетик таҳлил натижалари асосида MDR1: 3435 C>T (полиморфизмидаги CC генотиби 25-52%, CT генотиби 37-40% ва TT генотиби 10-38%), CYP2C19: 618 G>A (CYP2C19*2) (полиморфизмидаги GG генотиби 58-78%, GA генотиби 22-33% ва AA генотиби 0-9%), CYP2C19: 636 G>A (CYP2C19*3) (полиморфизмидаги GG генотиби 91-100%, GA генотиби 0-9% ва AA генотиби учрамади) ва CYP2C19: -806 C>T (полиморфизмидаги CC генотиби 53-97%, CT генотиби 3-40% ва TT генотиби 0-7%) полиморфизмлари текширилганда MDR1: 3435 C>T полиморфизми бўйича, турли гуруҳларда CC генотиби 25-52%, CT генотиби 37-40%, ва TT генотиби 10-38% учрайди. Бу кўрсаткичлар Европаликлар ва Осиё популяциялари ўртасидаги тарқалишни акс эттиради. CYP2C19: 618 G>A полиморфизми бўйича GG генотиби 58-78%, GA генотиби 22-33%, ва AA генотиби 0-9% учрайди. Бу эса Европаликларга нисбатан камроқ, лекин Осиё популяциялари билан яқин мувофиқлигига кўрсатади. CYP2C19: 636 G>A полиморфизми бўйича GG генотиби 91-100%, GA генотиби 0-9%, ва AA генотиби 0%. Бу кўрсаткичлар Европаликлар билан яқинроқ эканлигидан далолат беради. Шунингдек, CYP2C19: 806 C>T полиморфизми бўйича CC генотиби 53-97%, CT генотиби 3-40%, ва TT генотиби 0-7% учрайди. Бу кўрсаткичлар ҳам Европаликлар ва Осиё популяциялари ўртасидаги тарқалишни акс эттиради. Тадқиқот натижалари турли популяциялар би-

лан яқин мувофиқликда эканлигини кўрсатади. Генетик полиморфизмлар бўйича тарқалиш маълумотлари Европаликлар ва Осиё популяциялари ўртасидаги фарқларни акс эттирди. Бу эса генетик мувозанат ва гетерогенликнинг кенг қўламда тарқалганлигини кўрсатади.

Олинган маълумотлардан кўрииб турибдики, ўрганилаётган генлар ва уларнинг аллель, ҳамда генотипларини учраши биз ўрганган беморлар ва соғлом шахсларда дунё турли популяцияларига нисбатан ўзига хос ўхшашлик ва тафовутларга эга экан.

Маълумки, MDR1 гени ва унинг полиморфизм вариантлари Р-гликопротеинни экспрессиясини бошқаради [29]. Р-гликопротеин эса эндоген ва экзоген ксенобиотиклар, шу жумладан дори воситаларини ҳўжайрада ташилишини бошқаради, яъни ушбу моддаларнинг “эфлюкс” жараёнини таъминлайди ва ксенобиотикларнинг ҳўжайра ичидаги миқдорига узвий таъсир этади [27]. Шу туфайли Р-гликопротеин жигар, буйрак ичак девори гемато-энцефалитик барьер ҳўжайралари мембранасида жойлашиб, ксенобиотикларни ҳўжайрадаги миқдорини назорат этади [28]. MDR1 гени Р-гликопротеинни кодлаб турли хил ксенобиотикларни (дориларни, токсинларни, ва метаболитларни) ҳўжайра ичида сақлаб туриш ёки ҳўжайрадан ташқарига чиқариш вазифаларини амалга оширади. Эндоген субстратлар, жумладан, стероидлар, билирубин ва метаболитларни ташийди [30]. Ҳўжайра ичидаги токсик моддаларни чиқариб ташлаш, орқали ҳўжайраларни ҳимоя қилади.

Ушбу геннинг “мутант” аллель ёки генотипи мавжуд шахсларда эфлюкс жараёни ўзгарган бўлиб, дори воситаларига нисбатан жавоб характери ўз-

гача бўлади. Бу эса, ушбу ген ва унинг полиморфизмларини фармакотерапия жараёни сифатига таъсирини акс эттириб, муаъян клиник аҳамият касб этади.

MDR1 (ABCB1) генининг асосий полиморфизмлари 3435C>T, 2677G>T/A ва 1236C>T ҳисобланади [28]. Бу полиморфизмлар ҳам турли популяциялар орасида турлича тарқалган: 3435C>T: Европаликлар ва Осиёликлар орасида кенг тарқалган. Аммо, аллель частоталари турли популяциялар орасида фарқ қилиши мумкин. Масалан, Осиёликлар орасида Т аллели юқори даражада учраса, Европаликлар ва Африкаликлар орасида С аллели кенг тарқалган. 2677G>T/A ва 1236C>T полиморфизмлар ҳам турли популяциялар орасида турлича тарқалган. Осиёликлар орасида 2677G>T/A полиморфизми юқори даражада учраши мумкин [22].

Ўрганилаётган генлар ва улар полиморфизм вариантларининг клиник жиҳатдан аҳамияти ўрганиш таҳлили 2 жадвалда келтирилган.

Маълумки, CYP2C19 гени турли гуруҳ дори воситалари, жумладан антикоагулянтлар, протон канали ингибиторлари ва бошқа фармакологик гуруҳ препаратлари биотрансформация жараёни ферментлари фаоллигини назорат этади [26]. Ушбу ген турли полиморфизмларини учрашига қараб гуруҳ препаратлар метаболизми ферментлари фаоллиги ортиши ёки пасайиши мумкин ва дори воситаларининг организмдаги миқдорида муаъян ўзгаришлар кузатилади [18]. Бу эса бемор организмнинг дори воситасига нисбатан жавоб реакцияси характерини таъминлайди. Масалан, протон помпаси ингибиторлари гуруҳи препаратлари “секин метабо-

лизм”ни акс эттирувчи генотиплари мавжуд беморда қўлланса, ушбу препаратлари метаболизмини амалга оширувчи ферментлар фаоллиги ирсий жиҳатдан паст эканлиги туфайли уларнинг қондаги миқдори одатийга нисбатан юқори бўлиши кузатилади, ҳамда мувофиқ равишда фармакологик жавоб юзага келади, ҳатто нозу таъсирлар ҳам келиб чиқиш ҳавфи ҳам юқори бўлади. Аксинча, ушбу препаратлар “тезкор метаболизм”ни акс эттирувчи генотиплари мавжуд беморда қўлланса, препаратлар метаболизмини кучайиши туфайли қўлланган препаратлар даво мақса-

дига эришиш имконини бермайди, яъни препаратлардан етарли самарага эришилмайди. Демак, ўрганилаётган генлар генотип вариантларини беморда учрашини аниқлаш орқали қўлланаётган препаратлар самарадорлиги ва ҳавфсизлигини олдиндан баҳолаш ва индивидуал фармакотерапия схемаларини шакллантириш, ҳамда танланган дори воситаларини дозалаш тартибини ҳам амалга ошириш мумкин бўлади. Бу эса ўтказилаётган генетик текширувларимизни амалий аҳамиятини кўрсатиб, клиник генетиканинг моҳиятини очиб беради.

2-жадвал

CYP2C19 генининг турли генотипларининг абсолют миқдори

Гуруҳлар (вакиллари сон -n)	CYP2C19*1/*1 (Нормал метаболик фаоллик)	CYP2C19*1/2 ёки CYP2C19*1/*3 (Мўътадил паст метаболик фаоллик)	CYP2C19*2/2 ёки CYP2C19*3/*3 (Жуда паст метаболик фаоллик ёки функциясиз)	CYP2C19*1/*17 (Мўътадил юқори метаболик фаоллик)	CYP2C19*17/2 ёки CYP2C19*17/*3 (Одатда нормал ёки мўътадил юқори фаоллик)
ЮҚТ (100)	66	18	8	0	8
ХТКБ (100)	56	22	1	14	7
ИТ (100)	67	24	0	9	0
Контрол гуруҳи (100)	55	33	9	3	0

Бу ўринда 2-жадвалда келтирилган маълумотлар ҳам биз ўрганган гуруҳ беморларида соғлом шахсларга нисбатан ушбу генларнинг метаболизм жараёнига таъсирига биноан ўзига хос тафовутлар мавжудлигини кўрсатади. Бунда нормал метаболизм тезлигига эга беморлар улуши назорат гуруҳидаги каби беморларни кўпчилигида учраганлиги ўз аксини топган. Аммо, олинган маълумотлар

юрак ишемик касаллиги ва аллергия хасталиги мавжуд беморларда ушбу метаболизм хоссаси эга беморлар улуши назорат гуруҳидан бироз юқорироқ бўлган бўлса, меъда ва 12 бармоқли ичакнинг кислотага боғлиқ касалликлари мавжуд беморларда назорат гуруҳидан деярли фарқланмаган (2-жадвал). Шу билан бир қаторда юқори метаболизм фаоллигига эга бўлган беморлар улуши ушбу хаста-

ликларда назорат гуруҳига нисбатан 3-4 баробор юқори бўлган. Бу эса, ушбу генлар генотипларига мос равишда фаоллиги шаклланадиган ферментлар таъсирида дори воситаларининг қондаги миқдори ўзгариши кузатилиши ва даво олдига қўйилган мақсадга эриша олмаслигимиздан далолат беради.

Агар CYP2C19 генининг асосий полиморфизмлари CYP2C19*1, CYP2C19*2, CYP2C19*3 ва CYP2C19*17 ҳисобланса, CYP2C19*1 нормал метаболизм жараёнини таъминлайди (нормал метаболизаторлар), CYP2C19*17 ўз навбатида тезкор метаболизмга олиб келади (гиперактив аллель), CYP2C19*2 ва CYP2C19*3 эса функциясиз аллельлардан иборат [26]. CYP2C19 генининг ушбу полиморфизмлари турли популяциялар орасида қандай тарқалган ва улардан бизнинг ўрганаган гуруҳмиз орасида фарқ мавжудми?

Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида биз ушбу полиморфизм вариантларини, яъни метаболизм тезлиги турларига қараб дунё бўйлаб тарқалганлигини таҳлил қилдик. Европаликлар ва Африкаликлар орасида CYP2C19*1 аллели кенг тарқалган, ва уларда метаболизмнинг нормал даражаси кўп учрайди [23, 24]. CYP2C19*2 ва CYP2C19*3 (функциясиз аллельлар): Осиёликлар орасида юқори даражада учрайди. Масалан, Японияликлар ва Хитойликларда CYP2C19*2 ва CYP2C19*3 аллеллари анча кенг тарқалган [24].

CYP2C19*17 (гиперактив аллель) Европаликлар ва Африкаликлар орасида юқори даражада учрайди [25]. Бу аллель CYP2C19 ферментининг гиперактивлигига сабаб бўлади.

CYP2C19 гени ёрдамида клопи-

догрел, омепразол, диазепам, ва бошқа кўплаб дори воситалари метаболизмга учрайди [31].

CYP2C19*2 ва CYP2C19*3 аллеллари Осиёликлар орасида юқори даражада учрайди. Бу аллеллар ферментнинг фаоллигини пасайтиради, шунинг учун клопидогрел ва бошқа дориларнинг метаболизми паст бўлиши мумкин. CYP2C19*1 ва CYP2C19*17 аллеллари Европаликлар орасида юқори даражада тарқалган. Бу аллеллар ферментнинг нормал ва гиперактив фаоллигини таъминлайди. Европаликлар клопидогрел ва бошқа дориларни яхши метаболизм қилишлари мумкин. Лекин, фермент гиперактивлиги билан боғлиқ бўлган баъзи таъсирлар, жумладан дори воситасининг самарасини кучайиб кетиши ва ножўя таъсирларини келтириб чиқариши мумкин [26].

CYP2C19 генининг турли генотиплари билан боғлиқ тиббий классификацияси амалиётга жорий этилиши сўнгги 20 йил ичида босқичма-босқич амалга ошмоқда. Жумладан, CYP2C19 генининг *2 ва *3 аллелларининг Клопидогрел ва Омепразол метаболизмига таъсири мавжудлигини **2000-йил бошида** аниқланган [3, 5, 7]. Бу даврда фармакогенетик тадқиқотлар орқали турли генотипларнинг дорилар метаболизмига таъсирига оид маълумотлар тўпланган. **2005-2010-йиллар** *2/*2 ва *3/*3 генотипларнинг Клопидогрел билан боғлиқ юрак-қон томир хавфларига таъсирига оид кўпроқ тадқиқотлар ўтказилган ва клиник йўриқномаларда CYP2C19 генотипларини инобатга олиш муҳимлиги кўрсатилган [8, 11, 12, 13]. **2010-йиллар** фармакогенетик тестлар ва CYP2C19 генотипларининг тиббий амалиётда кенг қўлланилиши ва генетик тест-

лаш (генотиплаш) асосида дориларнинг дозасини индивидуаллаштириш амалиёти жорий этилган [1, 2, 6, 10]. Айнан **2017-2020-йиллар** оралигида АҚШ Фармацевтика ва Хирургия академияси (СРІС) томонидан ишлаб чиқарилган клиник тавсиялар орқали CYP2C19 генотипларини аниқлаш ва уларга мос равишда даволаш схемаларини мослаштириш амалиётит тавсия этилган [9]. Бугунги кунда, CYP2C19 генотипларига асосланган фармакогенетик тестлар бир қатор касалликлар учун стандарт амалиётга айланган. Бу, айниқса, юрак-қон томир касалликлари ва кислотага боғлиқ касалликлар билан боғлиқ дориларни қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, тадқиқотларимизда текширилган гуруҳ вакиллари CYP2C19 ген ферменти фаоллигини генотип текширувлар асосида умумий $\chi^2 = 44.55$, $p=0.0000123$ (бу жуда кичик қиймат бўлиб, натижаларнинг аҳамият юқори эканлигини кўрсатади) қиймати аниқланди. Гуруҳ-гуруҳ ўртасидаги таққослашларда юрак қон томир касалликлари ва ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ касалликларида $\chi^2 = 17.99$ ҳамда $p=0.0012$, Юрак қон томир касалликлари ва Иммуно (аллергик) тизими касалликларида: $\chi^2 = 18.15$ $p=0.0012$, Юрак қон томир касалликлари ва Шартли соғлом шахслар: $\chi^2 = 11.92$ ҳамда $p=0.018$, Ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ касалликлари ва Иммуно (аллергик) тизими касалликлари $\chi^2 = 6.64$ ҳамда $p=0.156$, Ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ касалликлари ва Шартли соғлом шахслар $\chi^2 = 20.22$ ҳамда $p=0.00045$ ва Иммуно (аллергик) тизими касалликлари ва Шартли соғлом шахслар $\chi^2 = 12.00$ ҳамда $p=0.017$ қийматларининг

аниқланганлиги юрак-қон томир касалликлари учун CYP2C19/2 ва CYP2C19/3 генотипи (Юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ шахсларда, бу генотиплар фермент фаоллигининг етарли эмаслиги сабабли Клопидогрел препаратини самардорлигини пасайтиради) тромбоз хавфи юқори бўлиши мумкинлиги, ҳазм тизимининг кислотага боғлиқ касалликлари учун CYP2C19/17 генотипи (бу генотипга эга шахсларда Омепразол каби кислотани камайтирувчи дориларнинг гиперактив метаболизми кузатилиши мумкин, бу эса дорининг таъсирини камайтиради) касалликнинг белгилари тўлиқ бартараф этилмаслиги мумкинлиги, ҳамда аллергия касалликлар учун CYP2C19/2 ва CYP2C19/3 генотипи (аллергик касалликлар билан боғлиқ шахсларда, бу генотиплар дориларнинг нотўғри метаболизмини келтириб чиқаради, бу эса аллергия реакциялар хавфини ошириши мумкин) аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

Хулосалар:

1. MDR1 ва CYP2C19 генлари полиморфизмлари аллель ва генотипларини тарқанганлиги бўйича Осиё ва Европа популяциялари орасида муаъян ўхшашлик ва тафовутлар мавжуд бўлиб, тафовут мавжуд бўлган аллель вариантлар бўйича кенг қамровли ва мақсадли тадқиқотлар ўтказилишини тақозо этади.

2. MDR1 ва CYP2C19 генлари полиморфизмлари аллель ва генотиплари юрак ишемик касаллиги, меъда-ичак кислотага боғлиқ касалликлари ва аллергия хасталиклари мавжуд беморларда касал бўлмаган шахсларга нисбатан маълум фарқларга эгадир.

3. CYP2C19 генлари боғлиқ метаболизм жараёни тезлиги бўйича (тезкор

ва секин мпетаболизаторлар) беморлар орасидаги турли туманликни мавжудлиги қўлланиладиган дори воситалари самарадорлиги ва ҳавфсизлигига таъсир этувчи омил сифатида муҳим клиник аҳамият касб этади.

4. Ўрганилган касаллик турларида

беморларни метаболизатор турлари бўйича табақалаштириш учун MDR1 ва CYP2C19 генлари бўйича генотиплаш ўтказиш ва фармакотерапия учун танланган дори воситаларини индивидуалаш дозалаш тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Clarke, W, et al. (2019). Integration of Pharmacogenetics into Routine Clinical Practice: The Clinical Pharmacogenetics Implementation Consortium (CPIC) and the National Institutes of Health (NIH) Initiatives. *Clinical Pharmacology & Therapeutics*, 105(4), 758-761.
2. Johnson, JA, et al. (2017). Clinical Pharmacogenetics Implementation Consortium (CPIC) Guideline for CYP2C19 and Clopidogrel Therapy. *Clinical Pharmacology & Therapeutics*, 102(1), 45-51.
3. Relling, MV, et al. (2020). Clinical Pharmacogenetics Implementation Consortium (CPIC) Guideline for CYP2C19 and Proton Pump Inhibitors. *Clinical Pharmacology & Therapeutics*, 108(4), 835-844.
4. Scott, SA, et al. (2018). An Update on CPIC Guidelines for CYP2C19 Genotype and Clopidogrel Therapy: 2018 Update. *Clinical Pharmacology & Therapeutics*, 104(3), 509-510.
5. И.Р.Мавлянов, Аширметов А.Х., Касимов А.Ш., Мавлянов З.И. Персонализированная фармакотерапия: цитохром Р-450 и его излформы/ Ташкент, 2016, 300 с.
6. И.Р.Мавлянов, Кац П.С., Касымов А.Ш., Нурметов Х.Т., Абдуллаев А.К., Якубов А.К., Мавлянов З.И. Персонализированная медицина: от стандартной до индивидуализированной фармакотерапии (Под редакции проф. И.Р.Мавлянова). "Yangi nashr", Ташкент, 2017, 280 стр.
7. И.Р.Мавлянов, Л.Т.Даминова, А.Ш.Касымов/ К вопросу о побочных действиях лекарственных препаратов/ «Медицинский журнал Узбекистана» №3 2007 С. 97-102
8. Д.А.Сычев, Г.Н.Шуев, Е.С.Торбенков, М.А.Адриянова. Персонализированная медицина: взгляд клинического фармаколога. *CONSILIUM MEDICUM* 2017 | ТОМ 19 | №1. С.61-68.
9. Пальцев М.А. «Медицина будущего. Персонализированная медицина: опыт прошлого, реалии завтрашнего дня» / М.: Российская академия наук, 2020. – 152 с.
10. Основы фармакогенетики: учеб. пособие: / Р.Н. Мустафин, И.Р. Гилязова, Я.Р. Тимашева, Э.К. Хуснутдинова. — Уфа: ФГБОУ ВО БГМУ Минздрава России, 2020. — 116 с.
11. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/snp/rs1045642>
12. https://asia.ensembl.org/Homo_sapiens/Variation/Population?db=core;r=10:94781359-94782359;v=rs4244285;vdb=variation;vf=654481111
13. https://asia.ensembl.org/Homo_sapiens/Variation/Population?db=core;r=10:94780153-94781153;v=rs4986893;vdb=variation;vf=654508591
14. https://asia.ensembl.org/Homo_sapiens/Variation/Population?db=core;r=10:94761400-94762400;v=rs12248560;vdb=variation;vf=654737491#population_freq_SAS
15. <https://www.pharmvar.org/htdocs/archive/cyp2c19.htm>
16. <https://www.genecards.org/cgi-bin/carddisp.pl?gene=ABCB1&keywords=MDR1>
17. <https://www.omim.org/entry/171050?search=MDR1&highlight=mdr1>

РЕЗЮМЕ ВЛИЯНИЕ ПОЛИМОРФИЗМОВ ГЕНОВ CYP2C19 И MDR1 НА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА.

**Мавлянов Искандар Рахимович¹, Курганов Сардарходжа Каримович¹⁻³,
Пулатов Олим Рахимович^{1,4}, Ибраимхўжаева Дилноза Баходировна²**

¹Научно-практический центр спортивной медицины при
Национальном олимпийском комитете Узбекистана, Ташкент.

²Институт биофизики и биохимии при Узбекском национальном
университете имени Мирзо Улугбека, Ташкент.

³Республиканский специализированный аллергологический центр, Ташкент.

⁴Республиканский специализированный кардиологический научно-практический
медицинский центр, Ташкент.

sardorbioinformatik@mail.ru

Ключевые слова: CYP2C19, MDR1, аллел, мутация, генетический полиморфизм.

Аннотация. В данной научной статье исследуется влияние генетического полиморфизма генов CYP2C19 и MDR1 на здоровье человека. Различные полиморфизмы этих генов могут изменять реакцию организма на лекарственные препараты у разных людей. В исследовании изучено влияние мутаций данных генов на фармакокинетику и фармакодинамику, а также их клиническое значение. Кроме того, рассматривается взаимосвязь между полиморфизмами CYP2C19 и MDR1 и их роль в процессе лечения. Результаты исследования важны для повышения значимости индивидуализации применения лекарственных препаратов на основе данных о полиморфизмах этих генов.

SUMMARY THE IMPACT OF CYP2C19 AND MDR1 GENE POLYMORPHISMS ON HUMAN HEALTH

**Mavlyanov Iskandar Rakhimovich¹, Kurganov Sardarhoja Karimovich¹⁻³,
Pulatov Olim Rakhimovich^{1,4}, Ibraimxodjaeva Dilnoza Bahodirovna²**

¹Scientific and Practical Center for Sports Medicine under the National Olympic
Committee of Uzbekistan, Tashkent.

²Institute of Biophysics and Biochemistry at Mirzo Ulughbek
National University of Uzbekistan, Tashkent.

³Republican Specialized Allergology Center, Tashkent.

⁴Republican Specialized Cardiology Scientific and Practical Medical Center, Tashkent.

sardorbioinformatik@mail.ru

Keywords: CYP2C19, MDR1, allele, mutation, genetic polymorphism.

Abstract. This scientific article investigates the impact of genetic polymorphisms in the CYP2C19 and MDR1 genes on human health. Different polymorphisms of these genes can alter drug responses in different individuals. The study explores the effects of these gene mutations on pharmacokinetics and pharmacodynamics, as well as their clinical significance. Additionally, the relationship between CYP2C19 and MDR1 polymorphisms and their role in the treatment process is examined. The findings of this study are crucial for enhancing the relevance of personalized drug therapy based on genetic polymorphisms.

UDK:616.34-022:616.98:578.834-07

COVID-19 REKONVALESSENTLARIDA DIAREYANING DAVOMIYLIGI VA ANKETA SO'ROVNOMASINING NATIJALARI

¹Mamatmusayeva Fotima Shaydullayevna,

¹Gulmurotova Dilafuz Shoymardonovna, ²Raxmonova Shaxnoza Erkinovna,

²Shagulyamova Kamola Lutfullayevna

¹Toshkent tibbiyot akademiyasi,

²Toshkent Davlat Stomatologiya Instituti

mkomfo@mail.ru

Kalit so'zlar: COVID-19, diareya, ichak mikroflorasi, bakteriya, anketa.

SARS-CoV-2 virusi tufayli yuzaga keladigan og'ir yuqumli kasallik Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) tomonidan 2020 yil fevral oyida COVID-19 infeksiyasi sifatida ro'yxatga olindi. JSST ma'lumotlariga ko'ra, SARS-CoV-2 odamdan odamga, asosan aerosol bilan nafas olish yo'li orqali yuqadi. JSST ning 2020 yil 10 noyabrdagi ma'lumotlariga ko'ra, COVID-19 bilan dunyo bo'yicha 49,7 milliondan ortiq odam kasallangan bo'lib, shulardan 1,2 milliondan (2,4%) ortiq odam vafot etgan.

Dolzarbliqi. COVID-19 bilan dunyo bo'yicha 49,7 milliondan ortiq odam kasallangan bo'lib, shulardan 1,2 milliondan (2,4%) ortiq odam vafot etgan [2, 3]. Koronavirus 2019 (COVID-19) kasalligi koronavirus 2 (SARS-CoV-2) virusi tufayli yuzaga keladigan og'ir yuqumli kasallikdir. Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) tomonidan 2020 yil fevral oyida 2019 yildagi koronavirus SARS-CoV-2, MERS kasalligini COVID-19 deb qisqacha nomlandi. JSST ma'lumotlariga ko'ra, SARS-CoV-2 odamdan odamga, asosan aerosol bilan nafas olish yo'li orqali yuqadi. Biz bilamizki, bu infeksiya butun dunyoga tez sur'atlarda tarqal-

moqda va inson salomatligiga katta xavf tug'dirmoqda [1, 2].

JSST ning 2020 yil 10 noyabrdagi ma'lumotlariga ko'ra, COVID-19 pandemiyasining dastlabki bosqichlarida COVID-19-infeksiyasiga bog'liq diareya nisbatan kam edi. 2020 yil 31 yanvargacha diareya bilan og'rikan va og'rimagan bemorlarning o'zaro nisbati kichik bo'lib, 2% dan 10% gachani tashkil etgan. Doktor Zhong (Xitoy 2020) jamoasi tomonidan 1099 nafar xitoylik bemorlar 2020 yil 31-yanvargacha o'rganilgandan so'ng, diareya bilan kasallangan bemorlar 3,8% ni tashkil etganligi aniqlandi (W.J. Guan 2020) [3, 4].

Tadqiqotimiz maqsadi: COVID-19 rekonvalessentlarida diareyaning davomiyligi monitoringi va anketa so'rovnomasining natijalarini o'rganish

Materiallar va tadqiqot usullari: Tadqiqotimizga Toshkent tibbiyot akademiyasi ko'p tarmoqli klinikasi va Chilonzor tumani sanitariya epidemiologiya osoyishtalik markaziga qorindagi og'riqqa, najasining yashil rangda ekanligiga, najasining suyuqligiga murojaat qilib kelgan va Toshkent shahar Olmazor tumani 16-oilaviy poliklin-


ikasida "COVID-19 infeksiyasi rekonvalessenti" tashhisi asosida dispanser nazoratida bo'lgan 70 nafar bemorlar tanlab olindi va ularning najasi TTA ko'p tarmoqli klinikasi va Chilonzor tumani sanitariya epidemiologiya osoyishtalik markazining bakteriologik laboratoriyalarida tekshirildi. Rekonvalessentlarga disbakteriozni Qozog'iston olimlari taklif qilgan usul bo'yicha tashhislandi. Laboratoriyaga olib kelingan najasning chuqur qismidan 1 g tortib olindi va 9 ml bufer eritmasida aralashtirildi. Bu ham aerob, ham anaerob bakteriyalarning bir tekis tarqalishi va ularning tirik saqlanishi uchun sharoit yaratadi. Bu eritmalarni 10^1 - 10^{10} darajasigacha suyultiriladi va ularning har biridan tegishli oziqa muhitlariga turli aerob hamda anaerob mikroorganizmlarni ajratib olish uchun ekildi. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2021yil qabul qilingan «Koronavirus infeksiyasi

bilan kasallangan bemorlarni davolash bo'yicha vaqtinchalik tavsiyalar» nomli 8-tahriri asosida qo'yildi.

Kuzatuvimizda bo'lgan barcha bemorlar laborator-instrumental tekshiruvlar, jumladan serologik (IFA), molekular-genetik (PZR) va bakteriologik tekshiruv usullari yordamida tekshirildi.

Natijalar va muhokama: COVID-19 infeksiyasi rekonvalessentlari yosh bo'yicha quyidagi 3 ta ya'ni 18-39, 40-59, 60 yoshdan katta guruhlarga ajratilib o'rganildi. Kuzatuv ostidagi bemorlarning umumiy soni 100 ta bo'lib, shulardan 27 nafari (27%) ni 18-39 yoshgacha, 41 nafari (41%) ni 40-59 yoshgacha, 32 nafari (32%) ni 60< yoshdan katta bemorlar tashkil etdi.


Kuzatuvimizdagi asosiy guruh rekonvalessentlarida diareyaning necha kun davom etganligi so'rov anketa orqali aniqlandi va natijalar 1-diagrammada keltirilgan.



1-diagramma. Asosiy guruh rekonvalessentlarda diareyaning kechish davomiyligi


1-diagrammadan ko'rinib turibdiki, 40-59 yoshli rekonvalessentlarda diareyaning davomiyligi 4-5 kun davom etganligi kuzatildi (18%). Diareyaning 2-3 kun davom etishi 18-39 yoshlilarda 10%ni tashkil etdi. 40-59 yoshlar o'rtasida esa

diareyaning 2-3 kun davom etishi 13% rekonvalessentlarda kuzatilgan bo'lsa, 60 yoshdan kattalarda 4%ni tashkil etdi. Diareyaning 6-7 kun davom etishi 60<n yoshlilarda eng ko'p kuzatildi va ko'rsatkich 6% ekanligi ma'lum bo'ldi.




2-diagramma. So'rov anketa yordamida asosiy guruh rekonvalessentlarida aniqlangan diareyaning 1 kunda necha mahal uchrash darajasi

2-diagrammadan ko'rinib turibdiki, diareyaning 1 kunda 2-3 mahal uchrashi eng ko'p 40-59 yoshlilarda kuzatildi, biroq bu ko'rsatkich 60 yoshdan katta rekonvalessentlarda eng past ko'rsatkichni tashkil etdi va ko'rsatkichlar orasidagi farq 3 barobar bo'lib, ishonchli bo'ldi (27% va 9% mos ravishda, $P < 0,05$). Diareyaning 4-5 mahal uchrashi ham eng ko'p 40-59 yoshlilar o'rtasida kuzatildi. 60 yoshdan kattalarda va 18-39 yoshlilarda bu ko'rsatkich 5% va 3%ni mos ravishda tashkil etdi, biroq ko'rsatkichlar orasidagi farq ishonchsiz bo'ldi ($P > 0,05$).



3-diagramma. *Lactobacillus*larning kuzatuvimizdagi rekonvalessentlarda uchrash darajasi ($P < 0,05$)


3-diagrammadan ko'rinib turibdiki, laktobakteriyalar 18-39 yosh 67,1% rekonvalessentlarda 10^5-10^6 mikroflora korsatkichga kamaygan. 60<n katta yoshli rekonvalessentlarda mikroflora ko'rsatkichi 87,5% da 10^5-10^6 ga kamaygan. Mikroflora ko'rsatkichi 10^6-10^7 gacha kamayib ketgan eng kam yosh nisbati 60<n kattalarda uchradi.



4-diagramma. Bifidobakteriyalarning rekonvalessentlarda uchrash darajasi ($P<0,05$)

4-diagrammadan ko'rinib turibdiki bifidobakteriyalar 18-39 yoshlarda 77,4% rekonvalessentlarda 10^4-10^5 mikroflora ko'rsatkichga kamaygan. 60<n katta yoshli rekonvaless-


entlarda mikroflora ko'rsatkichi 89,6% da 10^5-10^6 ga kamaygan. Mikroflora ko'rsatkichi 10^5-10^6 gacha kamayib ketgan eng kam yosh nisbati 60<n kattalarda uchradi.



5-diagramma. Enterokokklarning kuzatuvimizdagi rekonvalessentlarda uchrash darajasi

5-diagrammadan ko'rinib turibdiki, 18-39 yosh va 40-59 yoshlilarda *Enterokokklarning* 10^4-10^5 darajada uchrashi 10^6-10^7 darajaga nisbatan 1,2 va 2,2 barobarga ko'p ekanligi kuzatildi (11%/7% mos ravishda, $P>0,05$; 24%/11% mos ravishda, $P<0,05$). 60<n katta yoshli-

larda *Enterokokklarning* 10^4-10^5 darajada uchrashi 10^6-10^7 darajaga nisbatan 4,7 barobarga ko'p rekonvalessentlarda uchrashi aniqlandi va ko'rsatkichlar orasidagi farq ishonchli bo'ldi (14% va 3% mos ravishda, $P<0,05$).



6-diagramma. *Esherixiya* larning asosiy guruh rekonvalessentlarda yoshga bog'liq ravishda uchrash darajasi ($P<0,05$)

6-diagrammadan ko'rinib turibdiki, 18-39 yoshgacha bo'lgan rekonvalessentlarning 51,6 % da normal mikroflora 10^4-10^5 va 48,4% da 10^5-10^6 darajada ekanligi ma'lum bo'ldi. Ushbu ko'rsatkichlar orasidagi farq ishonchsiz bo'ldi ($P>0,05$). 40-59 yoshgacha bo'lgan rekonvalessentlarda 10^4-10^5 va 10^5-10^6 darajada *Esherixiyaning* uchrashi bo'yicha orasidagi farq 1,9 barobarni tashkil etdi, biroq ko'rsatkichlar orasidagi farq ishonchsiz bo'ldi (65% va 35% mos ravishda, $P>0,05$). 60<n katta yoshlilarda esa 72% rekonvalessentlarda *Esherixiya-*

ning 10^4-10^5 bo'lish kuzatilgan bo'lsa, 10^5-10^6 darajada uchrashi 28% rekonvalessentlarda aniqlandi va ko'rsatkichlar orasidagi farq ishonchli bo'ldi (72% va 28% mos ravishda, $P<0,05$).

Xulosa:

1. COVID-19 infeksiyasi rekonvalessentlarida *Kl.pneumoniae*, *Pr.vulgaris* va *Escherichia coli* lak(-)lar *St.aureus* va *Pseudomonas aeruginosaga* nisbatan 1,7 barobar ko'p uchrashi kuzatildi.

2. Rekonvalessentlarda disbakteriozning. I darajasi 20%, II darajasi 44,3%, III darajasi 35,7% uchrashi isbotlandi.

ADABIYOTLAR RO'YHATI

1. Ивашкин В.Т., Шептулин А.А., Зольникова О.Ю., Охлобыстин А.В., Полуэктова Е.А., Трухманов А.С., и др. Новая коронавирусная инфекция (COVID-19) и система органов пищеварения. Рос журн гастроэнтеролгепатол колопроктол. 2020; 30 (3):7–13.

2. Guan W.J. et al. Clinical characteristics of coronavirus disease 2019 in China. N Engl J Med. 2020;382(18):1708–20.

3. Z.R.Fayzullayeva, N.T.Yodgorova, F.Sh.Mamatmusaeva// CANDIDA

turi zamburug'larining antifungal preparatlarga sezgirligi va umumiy tavsifi/ Инфекция, иммунитет и фармакология, 2022-09-28T14:00:28Z, <http://repository.tma.uz/xmlui/handle/1/2307>

4. Mo'minova Madinaxon Abdulxaq qizi, Mamatmusayeva Fotima Shaydullayevna// COVID-19 rekonvalessentlarida ichak mikroflorasidagi disbiotik holatlarni korreksiya qilish samaradorligi/ Инфекция, иммунитет и фармакология., 2023., 5-son, 87-92 betlar

РЕЗЮМЕ РЕЗУЛЬТАТЫ АНКЕТЫ И РЕЗУЛЬТАТЫ ПЕРСИСТИРУЮЩЕЙ ДИАРЕИ У РЕКОНВАЛЕСЦЕНТОВ COVID-19

¹Маматмусаева Фотима Шайдуллаевна,
¹Гулмуротова Дилафруз Шоймардоновна,
²Рахмонова Шахноза Эркиновна ²Шагулямова Камола Лутфуллаевна
¹Ташкентская медицинская академия,
²Ташкентский Государственный Стоматологический институт
mkomfo@mail.ru

Ключевые слова: COVID-19, диарея, микрофлора кишечника, бактерии, анкета

Тяжелое инфекционное заболевание, вызываемое вирусом SARS-CoV-2, было зарегистрировано Всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ) как инфекция COVID-19 в феврале 2020 года. По данным ВОЗ, SARS-CoV-2 передается от человека к чело-

веку преимущественно воздушно-капельным путем. По данным ВОЗ на 10 ноября 2020 года, во всем мире более 49,7 млн человек инфицированы COVID-19, из них более 1,2 млн (2,4%) умерли.

SUMMARY RESULTS OF THE QUESTIONNAIRE AND RESULTS OF PERSISTENT DIARRHEA IN COVID-19 RECONVALESCENTS

¹Mamatmusayeva Fotima Shaydullayevna, ¹Gulmurotova Dilafruz
Shoymardonovna, ²Raxmonova Shaxnoza Erkinovna,
²Shagulyamova Kamola Lutfullayevna
¹Tashkent Medical Academy
²Tashkent State Dental Institute
mkomfo@mail.ru

Keywords: COVID-19, diarrhea, intestinal microflora, bacteria, questionnaire.

The severe infectious disease caused by the SARS-CoV-2 virus was registered by the World Health Organization (WHO) as COVID-19 infection in February 2020. According to WHO, SARS-CoV-2 is transmitted from person

to person primarily through airborne droplets. According to WHO, as of November 10, 2020, more than 49.7 million people worldwide are infected with COVID-19, of whom more than 1.2 million (2.4%) have died.

UDK:616.34-022:616.98:578.834-07

COVID-19 INFEKSIYASI REKONVALESSENTLARIDA ICHAK MIKROFLORASIDAGI O'ZGARISHLAR TAHLILI

¹-Mamatmusayeva Fotima Shaydullayevna,

²-Raimkulova Dilnoza Farxatdinovna, ³-Ermatov Botir Sobirovich

¹Toshkent tibbiyot akademiyasi

²Toshkent davlat stomatologiya instituti

³Alfraganus universiteti

mkomfo@mail.ru

Kalit so'zlar: COVID-19, diareya, ichak mikroflorasi, bakteriya.

Koronavirus 2019 (COVID-19) kasalligi koronavirus 2 (SARS-CoV-2) virusi tufayli yuzaga keladigan og'ir yuqumli kasallikdir. Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) tomonidan 2020 yil fevral oyida 2019 yildagi koronavirus SARS-CoV-2, MERS kasalligini COVID-19 deb qisqacha nomlandi. JSST ma'lumotlariga ko'ra, SARS-CoV-2 odamdand odamga, asosan aerosol bilan nafas olish yo'li orqali yuqadi. Biz bilamizki, bu infeksiya butun dunyoga tez sur'atlarda tarqalmoqda va inson salomatligiga katta xavf tug'dirmoqda. JSST ning 2020 yil 10 noyabrdagi ma'lumotlariga ko'ra, COVID-19 bilan dunyo bo'yicha 49,7 milliondan ortiq odam kasallangan bo'lib, shulardan 1,2 milliondan (2,4%) ortiq odam vafot etgan.

Dolzarbligi. Koronavirus 2019 (COVID-19) kasalligi koronavirus 2 (SARS-CoV-2) virusi tufayli yuzaga keladigan og'ir yuqumli kasallikdir. Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) tomonidan 2020 yil fevral oyida 2019 yildagi koronavirus SARS-CoV-2, MERS kasalligini COVID-19 deb qisqacha nomlandi. JSST ma'lumotlariga ko'ra, SARS-CoV-2 odamdand odamga, asosan aerosol bilan

nafas olish yo'li orqali yuqadi. Biz bilamizki, bu infeksiya butun dunyoga tez sur'atlarda tarqalmoqda va inson salomatligiga katta xavf tug'dirmoqda [1]. JSST ning 2020 yil 10 noyabrdagi ma'lumotlariga ko'ra, COVID-19 bilan dunyo bo'yicha 49,7 milliondan ortiq odam kasallangan bo'lib, shulardan 1,2 milliondan (2,4%) ortiq odam vafot etgan [2, 3]. COVID-19 infeksiyasi bemorlarida umumiy nafas olish yetishmovchiligi klinik belgilaridan tashqari, me'da ichak trakti (MIT) zararlanishi, ya'ni diareya, ko'ngil aynishi, qayt qilish va ishtahani yo'qolishi kabi simptomlar kuzatiladi. SARS-CoV-2 virusi fekal-oral yuqish mexanizmi orqali MITga tushib, virus retseptori orqali ichak hujayrasidagi angiotenzinni aktivligini o'zgartiruvchi fermentni (ASE 2) zararlaydi. COVID-19 pandemiyasining dastlabki bosqichlarida COVID-19-infeksiyasiga bog'liq diareya nisbatan kam edi. 2020 yil 31 yanvargacha diareya bilan og'rig'an va og'rimagan bemorlarning o'zaro nisbati kichik bo'lib, 2% dan 10% gachani tashkil etgan. Doktor Zhong (Xitoy 2020) jamoasi tomonidan 1099 nafar xitoylik bemorlar 2020 yil 31-yanvarga

cha o'rganilgandan so'ng, diareya bilan kasallangan bemorlar 3,8% ni tashkil etganligi aniqlandi (W.J. Guan 2020) [4, 5, 6].

Tadqiqotimiz maqsadi: COVID-19 infeksiyasi rekonvalessentlarida ichak mikroflorasidagi o'zgarishlar tahlilini olib borish

Materiallar va tadqiqot usullari: Tadqiqotimizga Toshkent tibbiyot akademiyasi ko'p tarmoqli klinikasi va Chilonzor tumani sanitariya epidemiologiya osoyishtalik markaziga qorindagi og'riqqa, najasining yashil rangda ekanligiga, najasining suyuqligiga murojaat qilib kelgan va Toshkent shahar Olmazor tumani 16-oilaviy poliklinikasida "COVID-19 infeksiyasi rekonvalessenti" tashhisi asosida dispanser nazoratida bo'lgan 70 nafar bemorlar tanlab olindi va ularning najasi TTA ko'p tarmoqli klinikasi va Chilonzor tumani sanitariya epidemiologiya osoyishtalik markazining bakteriologik laboratoriyalarida tekshirildi. Rekonvalessentlarga disbakteriozni Qozog'iston olimlari taklif qilgan usul bo'yicha tashhislandi. Laboratoriyaga olib kelingan najasning chuqur qismidan 1 g tortib olindi va 9 ml bufer eritmasida aralashtirildi. Bu ham aerob, ham anaerob bakteriyalarning bir tekis tarqalishi va ularning tirik saqlanishi uchun sharoit yaratadi. Bu eritmalarni 10^1 - 10^{10} darajasigacha suyultiriladi va ularning har biridan tegishli oziqa muhitlariga turli aerob hamda anaerob mikroorganizmlarni ajratib olish uchun ekildi. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2021yil qabul qilingan «Koronavirus infeksiyasi bilan kasallangan bemorlarni davolash bo'yicha vaqtinchalik tavsiyalar» nomli 8-tahriri asosida qo'yildi.

Kuzatuvimizda bo'lgan barcha bemorlar laborator-instrumental tekshiru-

vlar, jumladan serologik (IFA), molekular-genetik (PZR) va bakteriologik tekshiruv usullari yordamida tekshirildi.

Natijalar va muhokama: COVID-19 infeksiyasi rekonvalessentlari yosh bo'yicha quyidagi 3 ta ya'ni 18-39, 40-59, 60 yoshdan katta guruhlarga ajratilib o'rganildi. Kuzatuv ostidagi bemorlarning umumiy soni 100 ta bo'lib, shulardan 27 nafari (27%) ni 18-39 yoshgacha, 41 nafarini (41%) ni 40-59 yoshgacha, 32 nafari (32%) ni 60< yoshdan katta bemorlar tashkil etdi.

Kuzatuvimizdagi 100 nafar rekonvalessentlarning 30 nafari (30%) COVID-19 infeksiyasi bilan kasallangan, diareya kuzatilmagan rekonvalessentlar nazorat guruhini va 70 nafari (70%) COVID-19 infeksiyasi bilan kasallanib sog'aygan diareya kuzatilgan rekonvalessentlar asosiy guruhni tashkil qildi.

Kuzatuvimizdagi rekonvalessentlarning 100 nafaridan 57 nafari (57%) ni erkaklar, 43 nafari (43%) ni ayollar tashkil etdi. Bu bemorlar kasallikning o'tkir davridan keyin o'rtacha $2,6 \pm 0,6$ oyda diareya belgilari bilan murojaat qilgan. Kuzatuvimizdagi bemorlardan olingan material (najas) Endo, qonli agar, Saburo, tuxum sarig'i qo'shilgan tuzli agar, Vismut-sulfidli agar, Vilson-Bler, bifido va eskulin ozuqa muhitlariga ekildi.

Bemor shifoxonaga murojaat qilishi va virusli "diareya" simptomlari kuzatilganda, davo muolajalarini boshlashdan oldin najas namunalari steril shisha idishlarga solinib, og'zi mahkamlangan holda TTA bakteriologik laboratoriyasiga va Toshkent shahar Chilonzor tumani SEO va JSX bakteriologik laboratoriyasiga yetkazildi. U joyda ichak infeksiyalariga bakteriologik tekshiruv o'tkazildi. COVID-19 rekonvalessentlarida diareya aniqlangan taqdirda, ularning ichak mikroflorasining miqdor va sifat ko'rsatkichlari o'rganildi.

Bemorlardagi kasallikning rekonvalesensiya davriga o'tganligini tasdiqlash uchun COVID-19 ga qarshi IgM va IgG ning qondagi antitelalari aniqlandi.

Bizga ma'lumki, SARS-Cov2 virusi turli yo'llar bilan organizmga tushadi. Kuzatuvimizdagi bemorlarda yuqish yo'llarining taqqoslama tahlili o'tkazildi va natijalar 2-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Kuzatuvimizdagi bemorlarda kasallikning yuqish yo'llari


Yuqish yoʻllari	COVID-19 (n=100)				P
	Asosiy guruh (n=70)		Nazorat guruh (n=30)		
	soni	M±m	soni	M±m	
Nafas yoʻli	18	25,7±0,9	21	70±0,3	<0,05
Alimentar usul	52	74,3±0,92	9	30±3,4	<0,05

1-jadvaldan ko'rinib turibdiki, kuzatuvimizdagi bemorlar COVID-19 infeksiyasi turli yo'llar bilan yuqtirib olgan. Jumladan, nafas yo'li bilan yuqishi asosiy guruh rekonvalesentlarga nisbatan nazorat guruh rekonvalesentlarida 2,7 barobar ishonarli yuqori bo'lishi aniqlandi (25,7% va 70% mos ravishda, $P<0,05$). Aksincha, bemorlar orasida alimentar usulda yuqish yo'llari asosiy guruh rekonvalesentlarda nazorat guruh rekonvalesentlarga nisbatan 2,47 barobar ishonarli yuqori bo'lishi aniqlandi (74,3% va 30% mos ravishda, $P<0,05$).


Nazorat guruhiga 30 nafar COVID-19-infeksiya diareya kuzatilmagan rekonvalesentlar olindi. Ular ham yosh va jins bo'yicha ajratib o'rganildi.

Yuqoridagi keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, asosiy va nazorat guruhidagi 40-59 yoshgacha bo'lgan rekonvalesentlarda kasallanish ko'p uchrashi ma'lum bo'ldi. Biroq, kasallanish asosiy guruhdagi rekonvalesentlarda erkaklar orasida, nazorat guruhidagi rekonvalesentlarda ayollar orasida ko'p uchrashi ma'lum bo'ldi.

Asosiy guruh




Nazorat guruh



1-diagramma. Kuzatuvimizdagi rekonvalesentlarda mono va miks infeksiyalarning uchrash darajasi (*- $P<0,05$)

1-diagrammadan ko'rinib turibdiki asosiy guruhda miks infeksiya 74,2 foizni monoinfeksiya 25,8 foizni tashkil etdi. Bunda miks infeksiya monoinfeksiyadan 3 barobar ko'p ekanligi aniqlandi


($P<0,05$). Nazorat guruhda esa miks infeksiya 88,6 foizni monoinfeksiya 11,4 foizni tashkil etdi. Bunda monoinfeksiyalar miks infeksiyalardan qariyb 8 barobar ko'p ekanligi aniqlandi ($P<0,05$).



2-diagramma. Asosiy guruhdagi monoinfeksiyalarning uchrash darajasi

Asosiy guruhdagi rekonvalessentlarda *St.epidermidis* va *Pseudomonas aeruginosa* eng kam uchrashi aniqlandi (5% va 9% mos ravishda, ($P<0,05$)). Eng ko'p


Klebsiella spp, *Escherichia coli lak(-)*, *Enterobacter spp* va *Proteus spp* bakteriyalari ko'p kuzatilganligi ma'lum bo'ldi (28%, 26%, 22%, 17% mos ravishda, ($P<0,05$)).



3-diagramma. Asosiy guruhdagi miks infeksiyalarning uchrash darajasi

3-diagrammadan ko'rinib turibdiki, asosiy guruhda miks holatda eng ko'p mikroorganizmlar *Kl.pneumoniae* + *Pr.vulgaris* 25% ni va *Kl.spp+E.coli lak(-)+Proteus* 19% ni tashkil etdi. Bu ko'rsatkichlar orasidagi farq 1,3 barobarni tashkil etdi. *Candida+St.aureus* mikro-

organizmlar miks holatda eng kam kuzatildi va 11% ni tashkil etdi. Yuqoridagi ko'rsatkichlar orasidagi farq o'rtacha 1,7 barobarni tashkil etdi va ishonchlilik $P<0,05$ bo'ldi (19% va 11%; 18% va 11%, mos ravishda).



4-diagramma. Asosiy va nazorat guruhdagi miks infeksiyalar nisbati

4-diagrammadan ko'rinib turibdiki, *kl.spp+proteus* va *Candida+st.aureus* miks infeksiyalari nazorat guruhda umuman kuzatilmadi (25% va 11% mos ravishda). *Kl.spp+E.coli.lak(-)* va *Kl.spp+E.coli.lak(-)+proteus* mikroorganizmlari nazorat guruhiga nisbatan asosiy guruhdagi rekonvalessentlarda 3,3 va 4,5 barobar ko'p uchrashi aniqlandi (18%/5,5% va 19%/4,2% mos ravishda). *Enterobakter spp+kl.spp* va *Pr vulgaris+ E.coli.lak(-)+Enterobakter* miks infeksiyalari ham asosiy guruhda nazorat guruhga nisbatan 2,1 va 3,0 barobar ko'p kuzatildi (18%/8,6% va 13%/4,3% mos ravishda). Yuqoridagi ko'rsatkichlar orasidagi farq ishonchli bo'ldi ($P<0,05$).

Xulosa: 1. COVID-19 infeksiyasi bilan kasallanish eng ko'p 40-59 yoshga-

cha bo'lgan erkaklarda miks infeksiya, nazorat guruhiga nisbatan 6,5 barobar ko'p ekanligi isbotlandi. Nazorat guruhda esa mono infeksiya asosiy guruhga nisbatan 3 barobar ko'p kuzatilishi aniqlandi.

2. Asosiy guruhdagi rekonvalessentlarda *Kl.pneumoniae*, *Pr.vulgaris* va *Escherichia coli lak(-)*lar *St.aureus* va *Pseudomonas aeruginosa* ga nisbatan 1,7 barobar ko'p uchrashi kuzatildi.

3. Asosiy guruhda eng ko'p miks holatdagi mikroorganizmlardan *Kl.pneumoniae +St.aureus+Pr.mirabilis* 19% ni va *Pr.vulgaris + E.coli lak(-)* 18% ni tashkil etdi.

4. Rekonvalessentlarda disbakteriozning. I darajasi 20%, II darajasi 44,3%, III darajasi 35,7% uchrashi isbotlandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI

1. Ивашкин В.Т., Шептулин А.А., Зольникова О.Ю., Охлобыстин А.В., Полуэктова Е.А., Трухманов А.С., и др. Новая коронавирусная инфекция (COVID-19) и система органов пищеварения. Рос журн гастроэнтеролгепатол колопроктол. 2020;30 (3):7–13.

2. D'Amico F., Baumgart D.C., Danese S., Peyrin-Biroulet L. Diarrhea during COVID-

19 infection: pathogenesis, epidemiology, prevention, and management. Clin GastroenterolHepatol. 2020;18(8):1663–72.

3. Guan W.J., Ni Z.Y., Hu Y., Liang W.H., Ou C.Q., He J.X., et al. Clinical characteristics of coronavirus disease 2019 in China. N Engl J Med. 2020;382(18):1708–20.

4. Xu X.W., Wu X.X., Jiang X.G., Xu K.J., Ying L.J., Ma C.L., et al. Clinical findings in a

group of patients infected with the 2019 novel coronavirus (SARS-CoV-2) outside of Wuhan, China: retrospective case series. *BMJ*. 2020;368:m606. 5. Liu K., Fang Y.Y., Deng Y., Liu W., Eang M.F., Ma J.P., et al. Clinical characteristics of novel coronavirus cases in tertiary hospitals in Hubei province. *Chin Med J (Engl)*. 2020;133(9):1025–31.

5. Z.R.Fayzullayeva, N.T.Yodgorova, F.Sh.Mamatmusaeva// CANDIDA turi zamburug'larining antifungal prepa-

ratlarga sezgirligi va umumiy tavsifi/ Инфекция, иммунитет и фармакология, 2022-09-28T14:00:28Z, <http://repository.tma.uz/xmlui/handle/1/2307>

6. Mo'minova Madinaxon Abdulxaq qizi, Mamatmusayeva Fotima Shaydullaevna// COVID-19 rekonvalessentlarida ichak mikroflorasidagi disbiotik holatlarni korreksiya qilish samaradorligi/ Инфекция, иммунитет и фармакология., 2023., 5-son, 87-92 betlar

РЕЗЮМЕ АНАЛИЗ ИЗМЕНЕНИЙ КИШЕЧНОЙ МИКРОФЛОРЫ У РЕКОНВАЛЕСЦЕНТОВ ИНФЕКЦИИ COVID-19

¹-Маматмусаева Фотима Шайдуллаевна, ²-Раимкулова Дилноза Фархатдиновна,
³-Эрматов Ботир Собирович

¹Ташкентская медицинская академия

²Ташкентский государственный стоматологический институт,

³Университета Альфраганус

mkomfo@mail.ru

Ключевые слова: COVID-19, диарея, микрофлора кишечника, бактерии.

Коронавирусная болезнь 2019 (COVID-19) — тяжелое инфекционное заболевание, вызываемое вирусом коронавируса 2 (SARS-CoV-2). В феврале 2020 года Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) переименовала коронавирус 2019 года SARS-CoV-2 (болезнь MERS) в COVID-19. По данным ВОЗ, SARS-CoV-2 передается от человека к человеку преимущественно воздушно-капельным путем. Мы знаем, что эта инфекция стремительно распространяется по всему миру и представляет большую угрозу для здоровья человека. По данным ВОЗ на 10 ноября 2020 года, во всем мире более 49,7 млн человек инфицированы COVID-19, из них более 1,2 млн (2,4%) умерли.

SUMMARY ANALYSIS OF CHANGES IN INTESTINAL MICROFLORA IN RECONVALUENTS OF COVID-19 INFECTION

¹-Mamatmusaeva Fotima Shaydullaevna, ²-Raimkulova Dilnoza Farkhaddinovna,
³-Ermatov Botir Sobirovich

¹Tashkent Medical Academ

²Tashkent State Dental Institute

³Alphaganus University

mkomfo@mail.ru

Keywords: COVID-19, diarrhea, intestinal microflora, bacteria.

Coronavirus disease 2019 (COVID-19) is a severe infectious disease caused by the coronavirus 2 virus (SARS-CoV-2). In February 2020, the World Health Organization (WHO) renamed the 2019 coronavirus SARS-CoV-2 (MERS disease) to COVID-19. According to WHO, SARS-CoV-2 is transmitted from person to person mainly by airborne droplets. We know that this infection is spreading rapidly around the world and poses a great threat to human health. According to WHO data, as of November 10, 2020, more than 49.7 million people worldwide are infected with COVID-19, of which more than 1.2 million (2.4%) have died.

**PLANTAGO MAJOR L. ЎСИМЛИГИДАН ПОЛИФЕНОЛЛАРИНИ
АЖРАТИБ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИКЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

**Махмудов Рустам Расулжонович, Сулейманова Гулчехра Гайбуллаевна,
Рахмонова Гулнора Гуломовна**

*Ташкентский педиатрический медицинский институт
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академик А. С. Содиқов номидаги
Биоорганик кимё институти*
suleymanova.gulchekhra1971@gmail.com

Калит сўзлар: *P. major L.*, экстракция, этилацетатли фракция, полифеноллар, хроматография, плантагин

Plantago major L. ўсимлигининг этилацетатли фракциясидан ажратиб олинган полифеноллар йиғиндиси шартли равишда Пантагин деб номланди. Пантагиннинг фармако-токсикологик хоссалари ва яллиғланишга қарши фаоллиги ўрганилди. ўтказилган тажрибалар Пантагин таъсир этиш самарадорлигига кўра Глицирам дори воситасидан кам эмаслигидан далолат берди.

Ҳайвонларда олиб борилган тажрибалар полифенолларнинг (кверцетин, рутин, гесперетин) ўткир сурункали яллиғланиш моделида яллиғланишга қарши фаоллик намоён қилганлигидан далолат беради. Рутин фақат сурункали яллиғланишда (артрит), кверцетин каррагинин ёрдамида чақирилган яллиғланиш моделида, флаванонлар эса ксилен билан ҳосил қилинган невроген яллиғланишда самара берган. Полифеноллар яллиғланиш жараёнининг ферментатив ва сигнал системаларига (масалан, тирозин ва серотонин киназага) таъсир кўрсатиб, бу ферментлар *T*-хужайралар пролиферацияси, β -лимфоцитлар фаоллашуви ҳамда цитокинлар

синтезида иштирок этади [1]. Лютеолин, апигенин ва кверцетин мембраналар томонидан арахидон кислотаси ажратилишига ингибиторлик қилади [2-3].

Оксидланиш натижасида турли касалликларга сабаб бўлувчи яллиғланиш медиаторларининг фаоллиги ортиши мумкин. Яллиғланишга қарши таъсир механизми асосида полифенолларнинг эркин радикалларни сўндириш, хужайра фаоллигини тартибга солиш ҳамда арахидон кислотаси ва аргинин метаболизмида қатнашувчи ферментлар фаоллигини бошқариш каби таъсирлар ётади [4]. Полифеноллар синфига кирувчи лютеолин антиоксидант сифатида кислороднинг фаол шакллари томонидан чақирилган патологик ҳолатларнинг пайдо бўлишига ингибиторлик қилиб, турли механизмга эга бўлган биологик фаолликни намоён қилади [5]. Биринчидан, лютеолин ўзи оксидланиши ҳисобига кислороднинг фаол шакллари сўндиради. Антиоксидант фаолликни намоён қилиш учун лютеолин таркибида барча структуравий элементлар мавжуд: 3'-, 4'-ҳолатларда

гидроксил гуруҳлар, 2- ва 3- углерод атомлари орасида қўшбоғ ва 4-холатда карбонил гуруҳ [6].

Иккинчидан, лютеолин кислороднинг эркин шакллари ҳосил қилувчи оксидаза ферментини ингибирлайди. Масалан, у ксантиноксидаза фаоллигини ингибирлаб, супероксиданион-кислород ҳосил бўлишининг олдини олади [7. Лютеолин паразитар хужайралар митохондриял электрон-транспорт занжирида кислороднинг фаол шаклларига нисбатан антиоксидант таъсир кўрсатса-да, унинг сут эмизувчилар митохондриял хужайраларида ана шундай фаолликни намоён қилиш сабаби ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда [8].

Учинчидан, лютеолин эндоген антиоксидантлар - глутатион-S-трансфераза, глутатионредуктаза, супероксиддисмутаза ва каталаза ферментларини ҳимоя қилиш ёки уларни кучайтириш йўли орқали антиоксидант фаоллигини намоён қилиши мумкин [9]. Шунингдек, лютеолин дозага боғлиқ равишда азот оксиди (NO) ҳосил бўлишини етарли даражада пасайтиради [10].

Тўртинчидан, лютеолин хужайра компонентларининг оксидланишига катализаторлик қилувчи ферментларни бевосита ингибирлаш хоссига эга. Масалан, лютеолин жигар липидларида липоксигеназа, циклооксигеназа ва аскорбин кислотаси томонидан рағбатлантирилувчи малон диальдегиди ҳосил бўлишини тўхтатади. Ниҳоят, лютеолин кислороднинг фаол шакллари ҳосил бўлишида иштирок этувчи ўзгарувчан валентликка эга металл ионлари билан хелат бирикмалар ҳосил қилиш орқали оксидланиш реакцияларини ингибирлаши мумкин [11].

Тадқиқот материаллари ва усуллари. *P. major* L. ўсимлигининг ер устки қисмларини июнь ойининг ўрталарида йиғиб олинди ва салқин, қуёш нури тушмайдиган жойда қуритилди. Қуритилган ўсимлик хомашёсидан 1000 г олиб майдалаб, ранг берувчи ва липофил табиатта эга бўлган бирикмалардан тозалаш мақсадида хлороформ билан экстракция қилинди (50-55 °C да 2 соатдан 3 марта, 5 л дан). Сўнг хом ашёни хона ҳароратида 24 соат давомида (яъни хлороформ ҳиди йўқолгунича) қуритиб, 70 % ли сувли ацетон билан 3 марта 50-60 °C да (5 л дан) экстракция қилинди. Сувли ацетонли экстрактларни бирлаштириб, ацетон вакуумда ҳайдаб олинди. Сўнг ажратиб олинган 4,2 л сувли қолдиқни этилацетат билан бир неча марта қайта ишлаб, 6 л этилацетатли фракция олинди. Этилацетатли фракцияни 500 г сувсиз Na_2SO_4 солиб сувсизлантирилди ва этилацетатли фракция таркибидаги Na_2SO_4 филтёр қоғоз ёрдамида ажратиб олинди, сўнг фракцияни вакуумда роторли буғлатгич ёрдамида концентрациясини ошириб, 1 л этилацетатли концентрат ажратиб олинди. Этилацетатли концентратни 4 л гексан билан чўктирилди. Ҳосил бўлган чўкмани филтёрлаб, бир неча марта тоза гексан билан ювилди. Ажратиб олинган чўкмани хона ҳароратида, вакуум-қуритиш шкафида қуритиб 46 г (4.6 %) полифенол бирикмалар йиғиндиси ажратиб олинди.

Ажратиб олинган полифеноллар йиғиндисини алоҳида бирикмаларга бўлиш учун *P. major* L. ўсимлигидан ажратиб олинган полифеноллар йиғиндисидан 5 г тортиб олиб, 40°C ҳароратда 100 мл дистиланган сувда эритилди, сўнг эритма хажмини 300 мл га етказилди.

40 г теридан махсус тайёрланган гол кукуни олиб, устига 450 мл дис-тиланган сув қуйилди ва аралашма-ни 45 мин. чайқатилди. Сўнг гол ку-куни сиқиб олинди, 300 мл юқорида олинган экстрактдан қўшилди ва яна 45 мин. чайқатилди. Кейин ўзига мод-даларни адсорбциялаган гол куку-нини 4.5x100 см ўлчамдаги колонка-га солиб, колонкани 1) диэтил эфир, 2) сув ва 3) 60% сувли ацетон билан ювиб, учта фракцияга бўлиб олинди. Колонкадаги моддаларнинг ажрали-шини ҚХ усулида 1 ва 2-системаларда кузатиб борилди.

Диэтил эфирли фракция (1,2 л) таркибида битта модда борлиги аниқланди. Бу модда 1-очилтирувчи-да кўк, 2-очилтирувчида эса тўқ кўк ранг ҳосил қилди. Ушбу фракцияни вакуум остида буғлатиб, қуруқ қол-диқни 15 мл иссиқ сувда эритиб, хона ҳароратида 2-3 соат совитилди. Нати-жада идишда оқ кристалл модда ҳо-сил бўлганлиги кузатилди. Чўкмани Шотт №4 воронкасида филтраб, чўкмани P_2O_5 иштирокида вакуумли эксикаторда қуритилди ва 123 мг мод-да ажратиб олинди. Суюқ.х. 239°C, гувоҳ моддалар иштирокида қоғозли хроматография усулида текшириб, R_f 0,51; 0,72 (1,2-системаларда) бўл-ган модда галл кислотаси эканлиги аниқланди.

Қоғозли хроматография усули ёрдамида сувли фракция таркиби текширилганда R_f 0,45; 0,58; 0,53; 0,35; 0,64 (3-система) бўлган 5 та бирикма-лар борлиги маълум бўлди. Хромато-граммаларни 4, 5, 6-очилтирувчилар билан очилтирилганда моддаларнинг ҳаммаси сариқ ранг, 1-очилтирувчида эса зангори ранг ҳосил қилди.

Ажратиб олинган 3,2 л сувли фракцияни вакуумда буғлатиб, 560 мл

сувли концентрат ажратиб олинди ва уни этилацетат билан ишлов бериб, 1,2 л этилацетатли экстракт олинди. Экстрактни роторли буғлатгич ёрда-мида ҳайдаб, концентрат хажмини 350 мл га етказилди. Концентратни 1,3 л гексан билан чўктириб 1,07 г чўкма олинди.

Тадқиқот натижалари: *Plantago major* L. ўсимлигининг этилацетат-ли фракциясидан ажратиб олинган полифеноллар йиғиндиси шартли равишда Пантагин деб номланди. Пантагиннинг фармако-токсиколо-гик хоссалари ва яллиғланишга қарши фаоллиги ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида Пантагин V синф заҳар-сиз моддалар қаторига кириши маъ-лум бўлиб, унинг LD_{50} қиймати оғиз орқали қабул қилинганда сичқонлар учун 8900 мг/кг га тенг бўлди. Сурун-кали заҳарлилигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижасига кўра, Пантагин ўрганилган дозаларда бир неча марта оғиз орқали қабул қилинганда периферик қон миқдорий таркиби ва морфологиясига токсик таъсир кўр-сатмади. Пантагин препаратининг мутаген хоссалари соғлом донор пе-риферик қони лимфоцитларида *in vitro* шароитида ўрганилди. Препар-ат таъсирида хромосомалардаги ми-кроскопик кузатилган аберрациялар сони назоратдаги даражада бўлди ва хромосомаларга ҳеч қандай мутаген таъсир кўрсатмади. Шунингдек, пре-парат эмбриотоксик, тератоген хосса-ларга ҳамда маҳаллий қўзғатувчи ва аллергия таъсирларга эга эмаслиги аниқланди.

Специфик фармакология бўйича олиб борилган тадқиқотларда Пантагиннинг яллиғланишга қарши фа-оллиги экссудатив яллиғланиш мо-делида, Глицирам препарати билан

таққослаб ўрганилди. Препаратларнинг антиэкссудатив фаолликлари каррагенин, серотонин, гистамин, альбумин ва формалин каби турли флоген агентларни субплантар киришиш орқали чақирилган яллиғланиш моделида, 16020г. оғирликдаги каламушларда олиб борилди. Текширилувчи препаратлар оғиз орқали катетер ёрдамида флоген агент киритилишидан 1 соат аввал юборилди. Тажрибалар Пантагин ва Глицирам препаратлари каррагенин ва гиста-

мин ёрдамида чақирилган яллиғланиш моделида юқори антиэкссудатив фаолликни намоён қилишини кўрсатди.

Каррагенинли яллиғланиш моделида максимал экссудатив самара 3 соатдан сўнг кузатилиб, Пантагиннинг антиэкссудатив фаоллиги 25 мг/кг да назоратга нисбатан 56% ни, 50 мг/кг да 44% ни ташкил этди (1-жадвал). 50 мг/кг дозада Глицирам 50 % антиэкссудатив фаолликни намоён қилди.

1-жадвал

Каррагенинли яллиғланиш моделида препаратларнинг антиэкссудатив фаолликлари ($M \pm m$; $n=10$)

Препарат	Доза мг/кг	Индукциядан 3 соат ўтгач хайвонлар панжасининг хажми, %	Антиэкссудатив фаоллик, %	* Р
Назорат	-	86±	0	
Пантагин	25	37 ±	56±	<
Пантагин	50	42 ±	44±	<
Глицирам	50	39±	50±	<

*Р - назоратга нисбатан ишончлилилик

Гистаминли яллиғланиш моделида флогеннинг максимал экссудатив самараси 0,5 соатдан сўнг кузатилди. Гистаминли яллиғланиш моделида Пантагиннинг яллиғланишни сўндириш фаоллиги 25 ва 50 мг/кг дозаларда назоратга нисбатан мос равишда 73% ва 92% ни ташкил этди (2-жадвал). Глицирам эса 50 мг/кг дозада 65% антиэкссудатив фаолликни намоён қилди.

2-жадвал

Гистаминли яллиғланиш моделида препаратларнинг антиэкссудатив фаолликлари ($M \pm m$; $n=10$)

Препарат	Доза мг/кг	Индукциядан 0.5 соат ўтгач хайвонлар панжасининг хажми, %	Антиэкссудатив фаоллик, %	Р
Назорат		34±	0	
Пантагин	25	9±	73±	<
Пантагин	50	2±	92±	<
Глицирам	50	11±	65±	<

Хулоса. 2-жадвалдан кўриш мумкинки, Пантагин учун энг самарали доза 50 мг/кг бўлиб, препарат 0.5 соат ўтгач панжадаги шиш хажмини назоратга нисбатан 17 марта, 25 мг/кг да

3.8 марта камайтирган. Демак, ўтказилган тажрибалар Пантагин таъсир этиш самарадорлигига кўра Глицирам дори воситасидан кам эмаслигидан далолат берди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. M. A. Campbell and C. M. Sefton, "Protein tyrosine phosphorylation is induced in murine B lymphocytes in response to stimulation with anti-immunoglobulin" European Molecular Biology Organization, Journal. 1999. -V.9. -P. 2125-2131,
2. T. Akiyama, J. Ishida, S. Nakagawa et al., "Genistein, a specific inhibitor of tyrosine-specific protein kinases" The Journal of Biological Chemistry. 1987. -V. 262.12. -P. 5592-5595.
3. M. Tordera, M. L. Ferrandiz, and M. J. Alcaraz, "Influence of anti-inflammatory flavonoids on degranulation and arachidonic acid release in rat neutrophils" Zeitschrift fur Natur-forschung Section C. 1994. -V.49, no.3-4, -P. 235-240.
4. C. Santangelo, R. Var`a, B. Scanzocchio, R. Di Benedetto, C. Filesi, and R. Masella. "Polyphenols, intracellular signalling and inflammation" Annali dell'Istituto Superiore di Sanita. 2007. -V.43. -P. 394-405.
5. Lien E.J., Ren S., Bui H.H., Wang R. Quantitative structure-activity relationship analysis of phenolic antioxidants. Free Radic. Biol.Med., 1999. -V.26. -P. 285-294.
6. Nimnual A.S., Taylor L.J., Bar-Sagi D. Redox-dependent down regulation of Rho by Rac. Nat. Cell. Biol., 2003. -V. 5. -P. 236-241.
7. А.М. Попов, О.Н. Кривошапко, А.А. Климович, А.А. Артюков. Биологическая активность и механизмы лечебного действия розмариновой кислоты, лютеолина и его сульфатированных производных. Биомедицинская химия. 2016. -Т. 1, -С. 22-30.
8. Nagao A., Seki M., Kobayashi H. Inhibition of xanthine oxidase by flavonoids. Biosci. Biotechnol. Biochem. 1999. -V.63. -P. 1787-1790.
9. Sen N., Das B.B., Ganguly A., Banerjee B., Sen T., Majumder H.K. Camptothecin-induced imbalance in intracellular cation homeostasis regulates programmed cell death in unicellular hemoflagellate Leishmania donovani. Exp. Parasitol. 2009. -V.114.-P. 204-214.
10. Manju V., Nalini N. // Chemopreventive potential of luteolin during colon carcinogenesis induced by 1,2-dimethylhydrazin. Ital. J. Biochem., 2005. -V. 54. -P. 268-275.
11. Robak J., Shridi F., Wolbis M., Krolukowska M. Screening of the influence of flavonoids on lipoxygenase and cyclooxygenase activity, as well as on nonenzymic lipid oxidation. Pol. J. Pharmacol. Pharm., 1998. -V.40. -P. 451-458.

РЕЗЮМЕ

ВЫДЕЛЕНИЕ ПОЛИФЕНОЛОВ ИЗ PLANTAGO MAJOR L. И ИЗУЧЕНИЕ
ИХ БИОЛОГИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ

**Махмудов Рустамжон Расулжонович, Сулейманова Гульчехра
Гайбуллаевна, Рахмонова Гулнора Гуломовна**

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АН РУз

suleymanova.gulchekhra1971@gmail.com

Ключевые слова: P. major L., экстракция, этилацетатная фракция, полифенолы, хроматография, подорожник, биологическая активность

Полифенолы, выделенные из этилацетатной фракции растения Plantago major L., была условно названы Пантагином. Изучены фармако-токсикологические свойства и противовоспалительная активность плантагина. Проведенные эксперименты показали, что Пантагин по эффективности не уступает препарату Глицирам.

SUMMARY

ISOLATION OF POLYPHENOLS FROM PLANTAGO MAJOR L. AND
STUDY OF THEIR BIOLOGICAL ACTIVITY

**Makhmudov Rustamjon Rasuljonovich, Suleymanova Gulchekhra
Gaybullayevna, Rakhmonova, Gulnora Gulomovna**

Tashkent Pediatric Medical Institute

*Institute of Bioorganic Chemistry named after Academician A.S. Sadykova of the
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*

suleymanova.gulchekhra1971@gmail.com

Key words: P. major L., extraction, ethyl acetate fraction, polyphenols, chromatography, plantain, biological activity

The amount of polyphenols isolated from the ethyl acetate fraction of Plantago major L. was conventionally named Plantagin. The pharmacotoxicological properties and anti-inflammatory activity of plantagin have been studied. Experiments have shown that Plantagin is not inferior in effectiveness to the drug Glyciram.

ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА САЛЬМОНЕЛЛЁЗНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ: ЖОРИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ ТАХЛИЛИ

Мирзажоновна Донохон Бахадировна¹,
Бахриева Зебунисо Джалолидиновна²

¹Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлари илмий –амалий тиббиёт маркази,

²Самарқанд Давлат тиббиёт университети
zebobaxrieva@gmail.com

Калит сўзлар: сальмонеллёз, шигелла, кампилобактерия, аденовирус, ротавирус, астровирус, норовирус, диарея, болалар, ПЗР.

Долзарблиги. ЖССТ маълумотларига кўра, сальмонелла ҳайвонлар ва одамлар учун иқтисодий аҳамиятга эга бўлган асосий зооноз сифатида тан олинган; баҳолашларга кўра, ҳар йили дунё бўйлаб тахминан 90 миллион гастроэнтерит ҳолати ва тахминан 155,000 ўлим ҳолатлари рўйхатга олинади. Сальмонелла дунё бўйича диарея билан кечувчи касалликларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади [1; 2]. Ўзбекистон Республикасида Алматов Б.И. ва ҳаммуалифлар томонидан (2018) нотифоид сальмонеллёларнинг учраш даражаси 2008-2017 йиллар оралиғида таҳлил қилинганда маълум бўлдики, Республикада сальмонеллёз билан касалланишнинг ўртача кўрсаткичи 2012 йилдан бошлаб *S. enteritidis* улуши аста-секин ўсиб борди ва ўрганилаётган йилларнинг якунига келиб, у аввалги етакчи серовар *S. typhimurium* (42,0% ва 39,5%) билан деярли тенг бўлиб қолди. Тошкент шаҳрида сероварларнинг ўзгариши жадалроқ содир бўлди: 2012-йилда *S. enteritidis* ўсиб чиқиш дараси 18% дан 39% гача ўсиши қайд этилди. 2017 йилга келиб, ушбу серовар доминант

бўлиб, ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморлардан *S. Typhimurium*га (мос равишда 60,5% ва 19,2%) кўра уч мартаба кўпроқ ажратила бошлади.

Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш хизматидан олинган рақамли маълумотларнинг таҳлилига кўра, Тошкент шаҳрида кузатилган сальмонеллёларнинг асосий қисми (95,8%) озиқ-овқат маҳсулотлари, (1,32%) маиший алоқа, (0,4%) сув ва (2,42%) бошқа йўллар орқали юқаётгани аниқланди. Озиқ-овқат сальмонеллёларининг 29% товук гўшти, 26,7% парранда тухуми, 17,3% сут ва сут маҳсулотлари, 2,6% салат, 12,3% мева-сабзавот, 2,5% гўшт маҳсулотлари, 0,5% - балиқ маҳсулотлари, 1,6% - қандолат маҳсулотлари, 0,1% - музқаймоқ ва 7% - бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилинганидан келиб чиққан [3; 4; 5].

Сўнгги вақтда сальмонеллезнинг умумий улуши орасида 1-2 ёшгача бўлган болалар сонининг солиштирма оғирлиги (2017 йилда ушбу ёш гуруҳдаги 100 минг болага нисбатан

касалланиш сони 119,6 ҳолатни ташкил қилган) ҳамда касалликнинг ўртача оғир ва оғир кечиш шакллари учраш даражаси кўтарилди [6; 7; 8; 9]. Шунга кўра, замонавий босқичда болаларда сальмонеллезни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Замонавий босқичда болаларда сальмонеллезнинг клиник кечиш хусусиятларини этиологик омилга мувофиқ равишда ўрганиш бўлди.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятида ўткир диарея билан юқумли касалликлар шифохонасига мурожаат қилган 394 нафар болаларда (28 кундан 18 ёшгача) ҳолат-назорат тадқиқоти ўтказилди. Тадқиқот тизimini ишлаб чиқишда биз тадқиқотнинг мақсадидан ва тадқиқот давомида ҳал қилинадиган аниқ вазифалардан келиб чиқдик. Тадқиқотнинг асосий қисми Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасида олиб борилди.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасида 2021-2023 йиллар мобайнида ўткир диарея ташхиси билан даволанган 394 нафар болалар; ПЗР усулида нажасни текширишда олинган натижалар ($n=394$) олинди. Тадқиқотнинг предмети сифатида ўткир диарея ташхиси қўйилган болаларнинг нажаси олинди. Тадқиқотни амалга ошириш учун молекуляр-биологик (ПЗР), клиник ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотга киритиш мезонлари ўткир диарея белгиларини кузатилиши, ПЗР да *Salmonella spp.* ижобий бўлиши, 28 кундан 18 ёшгача бўлган болалар, тадқиқотда иштирок этишга

розилик бериш. Тадқиқотга киритмаслик мезонлари: 18 ёшдан катталар ва 28 кундан кичик болалар, алиментар ёки ноинфекцион диарея тасдиқланган беморлар, ПЗР *Salmonella spp.* манфий бўлган беморлар, тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиш, анамнезида онкологик, гематологик касалликлари бўлган, сурункали буйрак ва юрак касалликларининг декомпенсация даври, ОИВ-инфекцияли болалар. Касалхонага келиб тушган ҳамда юқоридаги мезонларга тўғри келган беморлар тадқиқот гуруҳига олинди, яъни тасодиқий танланма йўли билан беморлар йиғилди ҳамда ушбу беморлар 394 нафарни ташкил қилди. Беморлар касалхонага ётқизилган куни нажас олинди ҳамда ПЗР ўтказилди. ПЗР да *Salmonella spp.* аниқланган 88 нафар болалар ажратиб олинди.

Олинган натижалар ва муҳокама. Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги ўткир диареяга чалишган 130 нафар беморларнинг нажаси намуналари ПЗР усули билан текшириш амалиёти амалга оширилганида, 123 (94,6%) нафар беморларда касалликнинг этиологияси аниқланди, бу текширув амалиётида негатив натижа 394 (59,2%) та ҳолатда аниқланди.

ЎД бўйича 130 нафар намуна ПЗР усули текширувида 123 намуна ижобий топилди, бу 94,6%ни ташкил қилади, уларнинг 18 (13,8%) тасида моноинфекция, 2та патоген ассоциациялари – 48 (36,9%), 3та патоген ассоциациялари – 43 (33,1%), 4та патоген ассоциациялари – 12 (9,2%), 5та патоген ассоциациялари – 2 (1,5%) нафар беморларда аниқланди. Умуман, ЎД ташхиси қўйилган беморларнинг нажасида топилган муҳим патогенлар ассоциациялари 80,8% ни ташкил қилади.

Турли хил микроорганизмларнинг ассоциацияси

Микроорганизмлар ассоциацияси	абс	%
Моно патогенлар	18	13,8%
2 та патоген ассоциацияси	48	36,9%
3 та патоген ассоциацияси	43	33,1%
4 та патоген ассоциацияси	12	9,2%
5 та патоген ассоциацияси	2	1,5%
Манфий натижалар	7	5,4%
Жами текширилганлар	130	100,0%

Тадқиқот вазифаси болаларда сальмонеллёзнинг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш бўлганлиги туфайли, биз 130 нафар беморлар орасидан *Salmonella spp.* ижобий бўлган 88 нафар беморларни ажратиб олдик. Беморларнинг ўртача ёши $1,65 \pm 0,19$ (медиана – 1,1 ёш ва мода – 1 ёш). бўлди. Беморлар орасида гендер фарқ кузатилмади, яъни болаларнинг 39,7% (35) – қиз болалар ва 60,2% (53) – ўғил болалар ташкил қилди.

Бемор болалар касалхонага асосан диарея (100,0%), кўнгил айланиши (100,0%), қайт қилиш (81,8% - 72), иситма (88,6%-78), йўтал (64,8%-57), қоринда оғриқ (92,0%) тажанглик (100,0%), уйқу бузилиши (92,0%-81), иштаҳасизлик (100,0%) шикоятлари билан мурожаат қилишган.

Тадқиқот гуруҳидаги 13 нафар болалар нажасидан ПЗР усулида фақат *Salmonella spp.* ажралиб чиқди, яъни монопатоген аниқланди. Ушбу 7 нафар беморларнинг ўртача ёши $3,3 \pm 0,7$ (медиана – 3,4 ёш ва мода – 2,8 ёш). Касалликнинг асосий клиник белгиларини учраш даражаси таҳлил қилинганида, 13 нафар беморларнинг

барчасида ўткир диарея гастроэнтеритик шаклда кечди, беморларнинг барчасида кўнгил айланиши ва бир ёки бир неча маротаба қайт қилиш (ўртача $3,5 \pm 0,76$ маротаба), нажасни суюқ яшил ёки сариқ рангда, шиллиқ ва ҳазм бўлмаган бўлақлар аралаш ҳолда келиши, нажас сони ўртача $9,2 \pm 1,2$ маротаба келиши кузатилди. Беморларнинг 84,6% қориннинг киндик атрофи соҳасида ҳуружсимон оғриқ бўлиши. Бундан ташқари беморларнинг барчасида тана ҳароратини меъёрдан кўтарилиши кузатилиб, болаларнинг катта қисмида (69,2%-9) иситма фебрил даражагача кўтарилди (ўртача $38,6 \pm 0,97^{\circ}\text{C}$), 1 нафар беморда (7,7%) – гектик (ўртача $39,4 \pm 0,76^{\circ}\text{C}$) ҳамда 3 (23,1%) нафарида субфебрил (ўртача $37,9 \pm 0,81^{\circ}\text{C}$) даражада бўлди. Сальмонеллёз гастроэнтеритик шаклининг енгил кечиши ташхиси беморларнинг 23,1% (3) га; ўртача оғир кечиши – 53,8% ҳамда яна 23,1% га қўйилди. Беморларнинг 53,8% (7) да сальмонеллёз 1 даражали сувсизланиш (ЖССТ таснифи бўйича), 15,4% (2) - 2 даражали сувсизланиш билан асоратланди, 30,8% (4) да эса касаллик асорат-

сиз кечди. Беморларнинг 30,8% (4) да сальмонеллэз 1 даражали анемия билан кечди.

Skarlatina, streptokokkli infeksiyaning asosiy kasalligi sifatida hali ham jiddiy epidemiologik va klinik muammo boʻlib qolmoqda. Soʻnggi yillarda qizilkoʻylak bilan kasallanish darajasi baland emas, lekin koʻpincha bolalar guruhlarida guruhli kasallanish bilan namoyon boʻladi. Antibakterial preparatlarning keng qoʻllanilishi hozirgi vaqtda kasallikning engil va oʻrtacha shakllari ustunlik qilishiga olib keldi. Biroq, burun halqumning surunkali kasalliklarini shakllantirishda streptokokk infeksiyasining ahamiyati shubhasizdir. Streptokokklar tomonidan allergiya, yurak va buyrak kasalliklarini chaqirish xavfi katta [1, 2]. Ayrim hollarda ogʻir septik asoratlar va hattoki oʻlim ham kuzatilishi mumkin [3].

Tadqiqot maqsadi: oxirgi yillarda skarlatina kasalligining kliniko laborator kechish xususiyatlarini tahlil etish.

Tadqiqot materiallari va usullari.

Tadqiqot 2023-2024 yillarda Samarqand viloyat YUqumli kasalliklar klinik shifoxonasida "Skarlatina» tashxisi bilan kasallangan 102 nafar bemorni klinik va laboratoriya kuzatuv oʻtkazildi. Klinik kuzatuv bemorlarni kasalxonaga yotqizilgandan soʻng statsionar davolanishi davomida obʻektiv tekshirishni oʻz ichiga oladi. Laboratoriya tekshiruvini umumiy qon, umumiy siydik tekshiruvini, gemolitik streptokokk uchun burunhalqumdan shilliq ekma namunasi, koʻrsatma boʻyicha ichak guruhi florasi uchun najas ekmasi, S reaktiv oqsilni va ASLO ni aniqlash, EKG qilish.

Tadqiqot muhokamasi: Yuqumli kasalliklar klinikasida 12 oylikdan 18 yoshga boʻlgan skarlatina bilan kasallangan 102 nafar bemor kuzatuvda olindi. 4-6 yoshli bolalar (50 kishi – 49,1%), 19,6% 1-3 yoshgacha boʻlgan bolalar, 31,3% 7 yoshdan oshgan bemorlar tashkil qildi.

Kasalxonaga yotqizilgan bemorlar soni (2023 – 2024) oldingi yillarga nisbatan sezilarli darajada kamaydi – mos ravishda 102 va 278 kishi. Bu, bir tomondan, Samarqand viloyatida qizil koʻylak bilan kasallanishning sezilarli darajada kamayishi, boshqa tomondan, sogʻliqni saqlash tizimidagi oʻzgarishlar tufayli ambulatoriya bilan solishtirgan-

da kasalxonaga yotqizilgan bemorlar ulushining kamayishi bilan bog'liq.

Tahlil natijalariga ko'ra, bemorlarning asosiy qismini bolalar tashkil etgan. Kasallikning 1-2-kunida 19 bemor (18,6%), kasallikning 3-5 kunida – 76 kishi (74,5%). 7 nafar bolaning (6,9%) kasallikning 6-kunidan keyin kasalxonaga yotqizilishi kech deb baholandi. Buning sababi ko'pchilik hollarda, kasallik asoratlarning paydo bo'lishi yoki boshqa yuqumli kasalliklar, xususan, O'RVI qo'shilishi tufayli bemor umumiy ahvolidan yomonlashishi bilan bog'liq edi.

Bolalarning aksariyati (90 kishi – 88,2%) kasalxonaga o'zlari murojaat qilishgan va skarlatina tashxisi bilan davolash uchun yotqizilgan. Faqatgina kasallangan 12 bemor (11,8%) skarlatina tashxisi bilan klinikaga yuborilgan.

Barcha bolalarda kasallik o'tkir boshlangan va skarlatinaga xos bo'lgan davrlar bilan tavsiflangan. Toshmali bemor bilan muloqotlar mavjudligi haqidagi ma'lumotlar kasallik yashirin davri davomiyligini o'rtacha $2,7 \pm 0,4$ kun bo'lganligini taxmin qilish imkonini berdi.

Bemorlarning 62,7 % da kasallikning dastlabki davrini anamnez asosida aniqlanishi mumkin edi. Uning davomiyligi o'rtacha 1 dan 3 kungacha, o'rtacha $1,5 \pm 0,6$ kunni tashkil etdi. Ko'pchilik bolalarda tana harorati ko'tarildi (68 kishi – 66,6%) va $37,1^{\circ}\text{S}$ dan 39°S gacha; 34 bemorga (33,3%) isitma $39,1-400^{\circ}\text{S}$ oshgan. Bemorlarning 80,4% kasallikning boshlanishidan tomoq og'rig'idan va yutinishni qiyinligiga shikoyat qilganlar, ular kamroq doimiy shikoyatlar bo'lgan bosh og'rig'i, bezovtalik, umumiy darmonsizlik, ishtahaning yo'qolishi, ko'ngil aynishi va qayt qilish;

O'tkir tonzillit sindromi barcha bemorlarda bodomsimon bezlarning

gipertrofiyasi, turli xil intensivlikdagi orofaringeal shilliq qavatning giperemiyasi ko'rinishida aniqlandi. Periferik limfa tugunlarining kattalashishi kuzatildi.

Shunday qilib, dastlabki davrning asosiy ko'rinishlari: tana haroratining ko'tarilishi, intoksikatsiya sindromi va o'tkir tonzillit.

Toshma davri terida toshmalar paydo bo'lishi bilan boshlanib, 3 kundan 6 kungacha, o'rtacha $4,8 \pm 0,1$ kun davom etdi. Barcha bolalarda intoksikatsiyaning doimiy belgilari va periferik limfadenit bilan o'tkir tonzillit qayd etildi. Bu davrda ham tomoq, bodomcha bezchalarning giperemiyasi va gipertrofiyasi, yoylarning, uvula va yumshoq tanglayning turlicha giperemiyasi, aniqlanildi. Ko'pgina bolalarda (62 kishi) bodomcha bezlardagi o'zgarishlar kataral xarakterga ega, 30 kishida (29,4%) –follikulyar, 10 kishida (9,9%) lakunar angina kuzatildi.

Bo'yin limfa tugunlarining kattalashishi 79% hollarda biroz (1-2 sm gacha) kattalashishi bilan tavsiflangan va bemorlarning faqat 21% sezilarli darajada (2 sm dan ortiq) bo'lgan.

Bemorlarning taxminan 1/3 qismida (32,6%) toshma kasallikning birinchi alomati hisoblandi. Toshma 1-2 kunlarda 78 bemorda paydo bo'ldi (76,6%), uchinchi kunda – 22 bemorda (23,4%) toshdi. Barcha bolalarda toshma mayda nuqtali bo'lib, bir necha soat ichida toshgan. Uning fonida kichik papulalar va petexiyalar kamdan-kam hollarda kuzatilgan. Toshmaning lokalizatsiyasi barcha bemorlarga o'zining xususiyatlarini saqlab qoldi: asosan tananing va oyoq-qo'llarining bukuvchi yuzasida, tabiiy burmalarda kuzatildi. Toshmaning intensivligi turlicha bo'lgan: 66,3% bolalarda u yaqqol, soni ko'p, teri foni giperemiyalangan, bemorlarning 13,7% da o'zgarmagan teri fonida toshma och pushti rangda,

bo'lgan. 97 nafar bola (95%) yuzning o'ziga xos ko'rinishiga aniqlanildi: burunlab uchburchagi oqargan. Ko'pgina bemorlarda tilda tipik o'zgarishlar kuzatildi: kasallikning birinchi kunida til karash bilan qoplangan, 3-4 kunida asta-sekin tozalandi va qizargan yuzasida, til surg'ichlari yaqqol ekanligi ko'rindi. Bemorlarning 73 % tana harorati kasallikning 4-kuniga kelib normal holatga qaytdi, isitmaning o'rtacha davomiyligi $3,4 \pm 0,2$ kunni tashkil etdi. Xuddi shu davrda intoksikatsiya belgilari yo'qoldi, toshma o'rtacha $3,9 \pm 0,1$ kun saqlandi. Tomoqdagi o'zgarishlar asta-sekin yo'qoldi: birinchi navbatda karashlar yo'qoldi (o'rtacha $2,3 \pm 0,1$ kun ichida), keyin giperemiya kamaydi.

Rekonvalesensiya davrida (kasallikning 8-10 kunidan boshlab) bolalarning 16% qo'l va oyoqlarning terminal sohalari, kaftlar, tovonlar terisida yengil, katta plastinkasimon va tanasida mayda plastinkali qipiqatlanish paydo bo'ldi.

Skarlatina asosan (101 kishi – 99%) tipik klinik ko'rinishga ega edi. Odatdagidan farqli o'laroq, infeksiya uchun boshqa kirish yo'liga ega bo'lgan atipik shakli (ekstrabukkal skarlatina) 1 bolada (1%) kuzatildi. 1 nafar bola kuyishdan keyingi skarlatina bilan kasallangan.

Kasallikning og'irligi intoksikatsiya belgilari va mahalliy o'zgarishlarning ifodalanganligi asosida baholandi. O'tkir davrda skarlatina og'irlik mezonlari – bemorning umumiy ahvoli, tana haroratining balandligi, intoksikatsiya belgilarining ifodalanish darag'asi, toshma tabiatiga asoslanib qo'yildi.

Skarlatinaning yengil shakli 25 nafar bemorda (24,5%) kuzatilgan: umumiy ahvoli qoniqarli, tana harorati $38,5^{\circ}$ dan oshmagan yoki normal bo'lgan, qusish kuzatilmagan, tomoqda kam yoki o'rtacha giperemiya, toshma yaqqol

emas, tez qaytish xususiyatiga ega.

67 bemorda (65,7%) o'rtacha shakli tana haroratining $39,5^{\circ}\text{C}$ gacha ko'tarilishi, darmonsizlik, bosh og'rig'i, ishtahaning yo'qolishi yoki pasayishi, takroriy qusish, yaqqol tomoq og'rig'i va giperemiyasi, o'tkir follikulyar va lakunar angina bilan namoyon bo'ldi.

Kasallikning og'ir formasi 10 bemorda kuzatildi (9,8%): tana harorati 40°C va undan yuqori, bosh og'rig'i, qo'zg'alish, hushning buzilishi, tirishishlar, takroriy qusish, bodomsimon bezlarda yaqqol karashlar bilan tomoqda yaqqol giperemiya, keskin giperemiya fonida ko'p mayda nuqtali toshma, ayrim hollarda gemorragik elementlar bilan qayd etildi.

86 bolada (84,3%) kasallikning kechishi silliq deb baholandi, ularda tana harorati normallashtirishdan va o'tkir davr belgilari yuqolganidan keyin patologik o'zgarishlar kuzatilmadi. Shu bilan birga, 16 bemorda (15,6%) skarlatinaning notekis kechishi kuzatilgan, uning sababi 7,7% hollarda birga keladigan kasalliklar, 10 ta bemorda asoratlar bo'lgan (toksik buyrak 7,8%, kataral stomatit 2%). Yo'ldosh kasalliklar orasida lyamblioz (7,8%), o'tkir respirator virusli infeksiyalar (4,9%), zotiljam (2%) kuzatildi.

Skarlatinaning hozirgi va oldingi o'n yillikdagi (2013-2014) og'irligini taqqoslash kasalxonaga yotqizilgan bemorlarda kasallikning o'rtacha og'ir shakllari sonining sezilarli darajada ko'payishini (65,7% ga nisbatan 50,2%) va yengil shakllarining mos ravishda 45 dan 24,5% kamayganini ko'rsatdi [4].

Skarlatinaning laboratoriya diagnostikasi klinikaga yotqizilgan barcha bemorlarda gemolitik streptokokk mavjudligini tekshirishni o'z ichiga oladi. Skarlatina tashxisi tekshirilganlarning atigi 20,2 % bakteriologik tasdiqlangan.

Bakteriologik tahlilning past foizi ambulatoriya sharoitida boshlangan antibakterial terapiya va bemorlarning kasalxonaga kech yotqizilishi bilan bog'liq.

Kasallikning o'tkir davridagi qon tekshiruvlarida leykositoz (37,3%), nisbiy neytrofiloz (15,1%), nisbiy neytrofiloz tayoqchayadroli chapga siljish bilan (28,4%), eozinofiliya (11,7%), 19,6% bemorlarda ECHT 10 mm /s gacha, 56,9% da 10 dan 15 mm /s, 23,5% hollarda esa 15 mm /s dan oshdi.

Kasalxonada bemorlarning 74,5% penitsillinn mushak ichiga yuborildi. Kursning davomiyligi o'rtacha $7,6 \pm 0,1$ kun. O'tmishda penitsillinga sezuvchanlik yoki boshqa sabablar bo'lgan 25,5% hollarda boshqa antibakterial preparatlar (sefazolin, seftriakson, ultrasidim) buyurilgan. Ayrim hollarda antibakterial davodan terapevtik samaradorlik kuzatilmaganligi bois, ikkinchi antibakterial terapiyani talab qildi. Ushbu terapiya asosan asoratlari yoki birga keladigan bakterial patologiyasi bo'lgan bemorlarga o'tkazildi. Hamma bemorlarga desensibilovchi va ko'rsatma bo'yicha dezintoksikasion terapiya buyurildi.

Bolalarning kupchilik qismi (59,5%) kasalxonadan kasallikning 8-11-kunlarida tuzalish bilan javob berildi va mahalliy pediatr nazorati tavsiya qilindi. Bemorlarning 9,8% erta asorat kuzatilmaganligi va yondosh kasalliklar qo'shilganligi sababli, kasallikning 13-15-kuniga uyiga javob berildi.

Xulosa:

1. Zamonaviy sharoitlarda ham qizilko'ylak tipik kechadi va bu kasallikka xos bo'lgan barcha klinik belgilar saqlangan. 2. Tahlil qilinayotgan davrda kuzatuvdagi bemorlarda kasallikning o'rtacha og'ir shakllari soni sezilarli darajada oshdi (65,7 ga nisbatan 50,2%). 3. Hozirgi vaqtda skarlatina asoratlari

t uchraydi, buning sababi asosan antibakterial terapiyaning kechikib qabul qilish bilan bog'liq. 4. Gemolitik streptokokkni bakteriologik aniqlashning past foizi (20,2%) va kasallikning tipik klinik ko'rinishi tufayli zamonaviy sharoitda qizilko'laknini tashxislashning asosiy usuli klinik diagnostika bo'lib qolmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Zhuraev Sh. A., Rustamova Sh. A., Orzikulov A. O. Clinical and epidemiological features of the course of mumps infection in adults (on the example of the Samarkand region) // Issues of science and education. – 2020. – No. 22 (106). – pp. 54-64. (in Russ).
2. Sorinson S.N., Orzikulov A.O. Unbalanced protein nutrition as a factor aggravating the course and outcomes of viral hepatitis B // Sb. tr. "Human health and environmental problems." – Kirov NPK. – 1991. – P. 122-123. (in Russ).
3. Orzikulov A. O., Rustamova Sh. A., Karamatullaeva Z. E. Analysis of the clinical course of viral hepatitis A in recent years-Problems of Biology and Medicine, 2018, 3, 1 (103) 127-128. b. 6. CDC DVH-Viral Hepatitis-Resource Center-MMWR Publications // Problems in biology and medicine. - 2018. - T. 3. – no. 1. – S. 103. (in Uzb)
4. Orzikulov A. O., Rustamova Sh. A., Zhuraev Sh. A. Clinical and laboratory features of the course of erysipelas at the present stage // Achievements of science and education. – 2020. – No. 9 (63). – pp. 72-76. (in Russ).
5. N Yarmukhammedova, Sh Rustamova, Z Karamatullaeva Features of the clinical course of chronic viral hepatitis B against the background of HIV infection // Journal of Problems of Biology and Medicine. - 2017-No. 2 (94)-P. 159-164. (in Russ).
6. NA Yarmukhamedova, NI Khodzhaev, SHA Rustamova Clinical and laboratory diagnosis of CHBV in HIV-infected people // Journal of Problems of Bi-

ology and Medicine. - 2015-No. 4 -P. 85. (in Russ).

7. Sh. Rustamova, A. Ernazarov Clinical manifestations of chronic viral hepatitis B in patients with HIV infection // Journal of problems of biology and medicine. - 2014-No. 3 (79) -P. 148-149. (in Russ).

8. Zhuraev Sh.A., Anvarovna Y.N., Rustamova S.A., Mukhtarovich U.S., Buribaevna I.S. [Some clinical features of the chickenpox in adults and children in modern conditions](#). European Journal of Molecular and Clinical Medicine. 2020; 7(03): 2716-2721.

9. Vafokulov S. Kh., Rustamova Sh. A.

Features of intestinal microflora in newborns. Economy and society. 2024; 5(120), 1-8. (in Russ).

10. Yarmuxamedova N. i dr. Osobennosti techeniya xronicheskogo gepatita S na fone tuberkuleza //Jurnal vestnik vracha. – 2019. – T. 1. – №. 1. – S. 129-132.1

11. Anvarovna, Y. N., Egamovna, M. F., Tashtemirovna, R. N., Buribayevna, M. G., & Saidovich, T. O. (2021). Clinical and Epidemiological Characteristics of Shigellosis in Adults at the Contemporary Stage. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 2(3), 311-318. <https://doi.org/10.47494/cajmns.v2i3.221>

РЕЗЮМЕ СОВРЕМЕННАЯ КЛИНИКА СКАРЛАТИНЫ И ОСОБЕННОСТИ ЛЕЧЕНИЯ

Orzikulov Azamkul Orzikulovich

Самаркандский Государственный медицинский университет

Orzikulov-49@gmail.ru

Ключевые слова: стрептококковая инфекция, скарлатина, тяжелая форма.

В статье представлены результаты клинико-лабораторного наблюдения за 102 пациентами, находившимися на лечении с диагнозом «Скарлатина» в Самаркандской областной инфекционной клинической больнице в 2023-2024 годах. Анализ полученных данных показал рост числа среднетяжелых форм и осложнений заболевания по сравнению с предыдущими годами.

SUMMARY MODERN SCARLATINA CLINIC AND FEATURES OF TREATMENT

Orzikulov Azamkul Orzikulovich

Samarkand State Medical University

Orzikulov-49@gmail.ru

Key words: streptococcal infection, scarlet fever, severe form.

The article presents the results of clinical and laboratory observation of 102 patients treated with the diagnosis of "Scarlatina" in the Samarkand Regional Infectious Diseases Clinical Hospital in 2023-2024. The analysis of the received data showed an increase in the number of moderately severe forms and complications of the disease compared to previous years.

УДК 616-036.22: 616.9

ОИВ – ИНФЕКЦИЯ ЭПИДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ НАТИЖАСИ

Ражабов Ғулом Хурсанович, Адилов Бехзод Шухратович

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти

Тошкент вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази

gulomr@mail.ru

Кириш. ОИВ инфекциясидан бутунлай холис қилаоладиган самарали этиотроп даво ва специфик профилактика воситалари яратилмагани сабабли инфекцияни аҳоли орасида тарқалиши давом этиб, соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга биринчилардан бўлиб эпидемия билан юз-юз келган давлатларда бугунги кунда бу инфекцияга қарши кураш бўйича тажриба ва самарали диагностика, даволаш ва профилактика усуллари нинг кенг жорий қилиниши натижасида эпидемия жиловланиб, унга бутунлай барҳам беришга томон жиддий дастурлар амалга оширилмоқда.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, мақолада дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси бўйича юзага келган эпидемик вазият, уни ҳаракатлантирувчи кучлар ва таъсир қилаётган омилларни ўрганиш ҳамда шу асосида кейинги йиллардаги ривожланиш истиқболини ёритиш **мақсад қилиб олинди.**

Бунинг учун Бирлашган миллатлар ташкилотининг ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС) нинг Ахборот бюллетенлари, Глобал статистика маълумотлари, хорижий давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика ва худудий ОИТСга қарши курашиш марказлари ва маҳаллий статистика ташкилотларининг маълумотлари ўрганиб **чиқилди ва таҳлил қилинди.**

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили:

ОИВ билан яшаётганлар (ОБЯ) : Республика ОИТСга қарши курашиш

маркази томонидан SPECTUM - электрон дастури асосида ишлаб чиқилган ва эълон қилинган маълумотларга кўра Ўзбекистонда ОИВ билан яшаётганлар сони 2023 йил 1 январ ҳолатига 70 минг нафарни ташкил этган. Бу ОБЯ сони ҳар йил 10 минг нафарга ошиб бормоқда дегани. Ҳар йилги скрининг текширувлари (3 млн. тест) натижасида 3300-3500 нафар ОБЯ аниқланиб, диспансер кузатувига олинмоқда. Расмий маълумотда 2024 йилнинг 1 январ ҳолатига Республикада **ОИВ билан яшаётганлар 49, 1 минг нафардан иборат.** Бу ҳолат, яна деярли 20 минг нафардан ортиқ ОИВ билан касалланган шахслар ОИВ юктириб олганини билмаган ҳолда атрофдагиларга инфекцияни тарқатиб келаётганлигини билдиради.

ОБЯ нинг 54,7 %ни эркаклар, 45,3 аёллар ташкил этган. Шундан 18 ёшгача бўлган болалар улуши -14,2 %.

ОИВ га текширувлар сонининг

касалликни аниқланиш кўрсаткичларига таъсири: Эпидемияни ривожланишини олдини олишда касалликни эрта аниқлаш жуда муҳим омил ҳисобланади. Шу йилларда ОИВ га текширувлар сонини 4-4,5 мартага оширилиши ҳар йили 4 минг нафарча беморларни аниқланишини таъминлади. Улар ўртасида эпидемияга қарши ишларни ўтказилиши мамлакатда эпидемик вазиятни барқарорлашувини бошлаб берди. Текширувлар сони ошиб, касалланиш кўрсаткичлари кўтарилиб борган бўлсада, текширилганлар орасида ОИВ ни аниқланиш кўрсаткичи 0,4 дан 0,1 га **(4 мартага) камайган**.

Эпидемик вазиятни тўлиқ барқарорлаштириш ва ЮНЭЙДС томонидан таклиф этилган 95/95/95 стратегияси 1-мақсади бўйича белгиланган вазифаларни таъминлаш учун бир йилда **3 млн. нафар** аҳоли скрининг текширувларидан ўтказилиб, **3500 нафар** ОБЯ аниқланаётгани инobatга олинса, 2025-2030 йиллар давомида ҳар йиллик текширувлар сонини ҳозиргига нисбатан **3 бараварга ошириш**, агар имкониятлар кескин чекланган бўлса хавфли гуруҳларга кирувчиларни скринингини кескин ошириш зарур (ҳозирги кўрсаткич-15-17%). Шу орқали СПЕКТУМ дастури бўйича прогноз қилинган ОБЯ ларни эрта аниқлаш ҳамда улар ўртасида эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлади. Бунга эришиш учун Республика ва ҳудудлар кесимида скрининг текширувлари билан қамраб олинувчилар гуруҳлари ва уларни қамров режаси (6 йиллик) нинг тасдиқланиши кутилган самарани беради. Бунда қамровнинг бошланғич (ҳозирги) кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда аҳамиятли.

ОИВ-инфекциясининг юқиш йўллари.

Охирги 10 йилликда ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда касалликнинг юқиш йўллари ўрганилганда инфекцияни парентерал йўл билан юқиши (46,0%) камайиб, жинсий йўл орқали юқиши устунлик қилган (72,2%). Шунингдек, вертикал йўл орқали юқиши улushi касалликни юктириб олиш ҳолатлари 12 мартага камайган (3,6% дан 0,3% гача). Касалликни парентерал йўл билан юқиши улushi 2 бараварга (46,0% дан 21,2% га) камайган. Бу даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини янгилаш, бир марталик тиббий жиҳозлар билан таъминотни яхшилаш борасида 2010 йилдан бошлаб амалга оширилган кенг қамровли ишлар билан боғлиқ.

Парентерал йўл билан юқиши улushининг юқорилиги шифохона ичида юқиши, гемотрансфузион муолажалар ва инъекцион гиёҳванд моддаларни вена ичига қабул қилиш ҳолатларининг кўплиги билан боғлиқ. Жинсий йўл орқали юқишнинг 10 йил оралиғида кўтарилишига сабаблардан бири, аҳоли миграциясининг (ички ва ташқи) ошиши, ОИВни кеч аниқланиши, ўзида ОИВ мавжудлигини яшириш орқали инфекцияни турмуш ўртоғига ва жинсий шерикларига юктириши оқибати деб биламиз. Вертикал йўл орқали юқишнинг камайиши, мамлакатда 2009 йилдан бошлаб махсус профилактика - РВҚ профилактика дастурини жорий қилиб ҳомиладорлар ўртасида касалликни эрта ташхисланиши ва касалликнинг онадан болага ўтишини олдини олиш чора-тадбирларининг такомиллашиши билан боғлиқдир.

ОИВ-инфекциясидан ўлим кўр-

саткичлари. Касаллик аниқланган вақтдан 2024 йилнинг 1 январ ҳолатига жами ОБЯ ўртасидаги ўлим 26538 ҳолатни ташкил қилади. Бу, шу кунгача жами ОИВ аниқланганларнинг 35,3 % ни ташкил этмоқда. Ўлим ҳолатларининг 70 % эркаклар ўртасида қайд этилган.

ОИВ-инфекциясидан ўлим кўрсаткичи 40-49 ёшлиларда энг юқори бўлган ва эркакларда аёлларга нисбатан ўлим ўртача 1,39 марта кўп учраган. Ўлим кўрсаткичлари аёлларда 20-24 ёшдан, эркакларда эса 25-29 ёшдан бошлаб кескин ортиб борган.

Охирги 10 йилликда қайд этилган ОИВ-инфекцияли шахслар орасидаги ўлим ҳолатлари таҳлил қилинганда, вафот этганларнинг 34 фоизи касаллик аниқлангандан кейин 1 йилгача, фақат 4,9 фоизи 10 йилдан ортиқ яшаган.

Таъкидлаш жоизки, республикада 2007 йилдан махсус вирусга қарши терапия - РВҚ препаратларини қўллаш жорий қилиниши натижасида йилдан йилга 10 йилдан ортиқ умр кўрганлар сони ошиб борган. Агар 2010 йилда ОИВ билан 10 йилдан ортиқ яшаётган бир нафар бемор бўлган бўлса, 2022 йилда бу 219 нафарни ташкил этган.

2008 йилга нисбатан ОИВ-инфекциясидан ўлим кўрсаткичларининг юқорилиги бу борадаги статистик маълумотларни нотўғри юритилганлиги, яъни тиббиёт ходимлари томонидан касаллик тарихи, варақалари ва бошқа тиббий ҳужжатларда ОИВ-инфекциясидан ўлим ҳолатларини расмийлаштирилиши - қайд этилиши яхши йўлга қўйилмаганлиги, ўша даврда (2000-2010 йй.) аҳоли томонидан стигма ва дискриминацияга учраш юқорилиги сабаб ОИВ-инфекци-

яси билан касалланган беморлар ва уларнинг яқинлари томонидан ўзида инфекция борлигининг яширилиши ҳолатларининг кўплиги ҳамда 2013 йилгача республикада ОИВ-инфекцияси ўта хавфли юқумли касалликлар қаторига киритилганлиги сабабли, ОИВ-инфекциясидан вафот этганларни махсус патолого-анатомик ва эпидемияга қарши талаблар асосида кўмиш тартиблари бўлганлиги ҳам, ОИВ-инфекциясидан ўлим ҳолатлари рўйхатга тўлиқ киритилмаган бўлиши мумкин деган хулосага олиб келади.

Таҳлиллар, ОИВ-инфекциясидан умумий ўлим кўрсаткичи ошган бўлсада, шу йилларда ўлим эркаклар ўртасида 78,1 фоиздан 70,1 фоизга камайганлигини, яъни ўлим ҳолатлари аёллар ҳисобига ортганлигини кўрсатди (2,6 мартага). Бундай ҳолатга ягона изоҳ шу йилларда мос равишда аёллар ўртасида касалланишни ҳам ортиб борганлиги, бироқ касалликни аёлларда кеч аниқланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Таҳлил натижасида олинган бирламчи хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистонда ЖССТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё ҳудудидаги бошқа давлатлар каби ОИВ эпидемиясининг ривожланиб бораётганлиги кузатилмоқда. Эпидемиянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи инфекция юқиши хавфи юқори бўлган (мойил) гуруҳлар деб қайд этилаётган бўлсада, таҳлиллар ушбу гуруҳлар зиммасига жами аниқланган ҳолатларнинг жуда кам қисми тўғри келишини кўрсатмоқда (3,8 %).

2. ОИВ ни жинсий йўл билан юқинининг ортиб бориши (2008 йилда 31,3 % дан 76,8 %гача 2023 й.да) эпиде-

мия мойил гуруҳлардан чиқиб, аҳоли ўртасида кенг тарқалиши босқичига ўтганлиги кузатилмоқда.

3. Инфекцияни тиббий муолажалар орқали юқиши, кейинги 10 йилда амалга оширилган тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамланиши, стерилизация пунктларининг фаолиятини яхшиланиши ва бир марталик тиббий жиҳозлар билан таъминотнинг тубдан ўзгарганлиги ҳамда тиббиёт муассасаларида мутахассисларнинг жавобгарлик, маъсулияти, хабардорлиги ошиши ҳисобига камайган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ИНФОРМАЦИОННЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ ЮНЭЙДС, 2022 Глобальная статистика по ВИЧ.

2. Ражабов Г.Х., Дж.Дж.умаров., Результаты дозорного эпидемиологического надзора за ВИЧ-инфекцией среди потребителей наркотиков инъекционным путем., Российский научно-практический журнал Бактерио-

логия, 2021, т. 6, №2, с. 43–46.

4. З.И. Бердиева “ОИВ-инфекциясини даволаш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати, Тошкент, 2022й. 50 б.

5. И.Х. Маматкулов, З.И. Бердиева, С.С.Курмангалиев А.Ш.Сарбулатова, А.И. Маматкулов “ Особенности клинко-эпидемиологического течения ВИЧ-инфекции после лечения антиретровирусными и активизирующими неспецифические клетки врожденного иммунитета препаратами в республике Узбекистан., WEST KAZAKHSTAN MEDICAL JOURNAL Ежеквартальный научно-практический журнал. №65 (1), 2023, стр. 35-45. Казакстан, г. Актобе.

6. Pilatz A., Maresch CC., Discher T., Lohmeyer J., Schüttler CG., Wiltink J., Schuppe HC., Wagenlehner F., Diemer T. Sexual Health in HIV-Positive Men Under Stable Antiretroviral Therapy During a 12-Month Period. // J Sex Med - 2021 - Vol18 - N2 - p.284-294; PMID:33419706.

РЕЗЮМЕ

РЕЗУЛЬТАТЫ СОРЕВНОВАНИЙ ПО БОРЬБЕ ПРОТИВ ЭПИДЕМИИ ВИЧ-ИНФЕКЦИИ

Раджабов Гулам Хурсанович, Адилов Бехзод Шухратович

Ташкентский научно-исследовательский институт вакцин и сывороток

Центр по борьбе со СПИДом Ташкентской области

gulomr@mail.ru

Ключевые слова: ВИЧ, ВИЧ-инфекция, эпидемиология, эпидемическая ситуация, пути и факторы передачи ВИЧ, тестирования на ВИЧ.

Из-за отсутствия эффективного этиотропного лечения и специфических средств профилактики, позволяющих полностью ликвидировать ВИЧ-инфекцию, инфекция продол-

жает распространяться среди населения, нанося ущерб общественному здоровью. В то же время в странах, которые одними из первых столкнулись с эпидемией, сегодня в резуль-

тате накопления опыта борьбы с этой инфекцией и широкого внедрения эффективных методов диагностики, лечения и профилактики реализуются программы по сдерживанию эпидемии и полностью ликвидировать ее. Принимая во внимание вышеиз-

ложенное, в статье ставится задача изучить эпидемическую ситуацию по ВИЧ-инфекции в мире, в том числе в Узбекистане, ее движущие силы и влияющие факторы, и на основании этого прогнозировать перспектива развития эпидемии в последующие годы.

SUMMARY

THE RESULTS OF THE COMPETITION AGAINST THE HIV EPIDEMIC

Rajabov Gulam Khursanovich, Adilov Behzod Shukhratovich

Tashkent Scientific Research Institute of Vaccines and Serums

AIDS Control Center of Tashkent region

gulomr@mail.ru

Key words: HIV, HIV infection, epidemiology, epidemic situation, routes and factors of HIV transmission, HIV testing.

Due to the lack of effective etiotropic treatment and specific means of prevention to completely eradicate HIV infection, the infection continues to spread among the population, causing damage to public health. At the same time, in the countries that were among the first to face the epidemic, today, as a result of the accumulation of experience in combating this infection and the widespread introduction of effective methods of diagnosis, treatment and

prevention, serious programs are being implemented to contain the epidemic and completely eliminate it. Taking into account the foregoing, the article aims to study the epidemic situation of HIV infection in the world, including in Uzbekistan, its driving forces and influencing factors, and on the basis of this, to predict the prospects for the development of the epidemic in subsequent years.

АЛЛОКСАН ДИАБЕТ ШАРОИТИДА ЖИГАР МИТОХОНДРИЯСИНИНГ ИОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМИГА АЙРИМ ПОЛИФЕНОЛ БИРИКМАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

¹Сатторова Ирода Янгибоевна, ²Позиллов Маъмуржон Комилжонович,

³Гафуров Махмуджон Бакиевич

iroda8724@gmail.com

¹Қарши давлат университети,

²М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети,

³Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти

Таянч сўзлар. Жигар, митохондрия, юқори ўтказувчан пора, полифенол бирикмалар.

Митохондрияда ички ва ташқи мембраналаридаги [mitochondrial permeability transition pore](#) (mPTP) одам ва ҳайвон ҳужайраларининг фаолиятида, моддалар алмашинувининг бошқарилишида ҳамда турли патологик ҳолатларнинг ривожланишида асосий рол ўйнайди [Brenner C., 2006]. Биринчи марта ЦсА сезгир пора (mPTP) 1970 йилларда R.A.Haworth ва D.R.Hunter томонидан изоляцияланган митохондрияларда ўрганилган [Haworth R.A., 1979].

Ҳозирда mPTPнинг очик конформацион ҳолатига яъни пермеабилзациясига олиб келувчи омилларнинг катта қисми маълум: матрикс рН ўзгариши, $\Delta\psi_m$ нинг камайиши, Ca^{2+} ионларининг юқори концентрацияси, прооксидантлар, липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) индукцияси, mPTP комплексида тиол гуруҳларининг оксидланиши, н-органик фосфатлар, аденин нуклеотид транслоказа (*adenine nucleotide translocase* -ANT), ингибиторлари

атрактиллат ва карбоксиатрактиллат, ацетил-СоА ва эркин ёғ кислоталари, мезо, лизофосфолипидлар, оғир металллар, тиреоид гормонлар ва бошқалар [Baines C.P., 2018]. Бироқ mPTP нинг ҳолатини ёпилишига яъни, ўтказувчанликни камайишига олиб келувчи таъсирлар ва моддалар анча камроқ: адениннуклеотидлар АТФ ва АДФ, Mg^{2+} ионлари, юқори $\Delta\psi_m$, рН кўрсаткичининг пасайиши, антиоксидантлар, бонгкрекик кислота ва ЦсА мавжудлигида mPTP берк ҳолатга ўтади [Peixoto P.M., 2010]. МРТР суст ўтказувчан ҳолатида цитозолдаги Ca^{2+} ионлари гомеостазида, юқори ўтказувчанлик ҳолатида эса ҳужайралар нобуд бўлишида иштирок этади.

МРТР турли хил фармакологик агентлар учун “нишон” сифатида ўрин тутиши мумкин, жумладан, бунда агентлар поранинг таркибий қисмлари билан бевосита боғ ҳосил қилиши ёки ROS, Ca^{2+} ионлари ва рН қиймати каби mPTP индукторларининг таъсирини сусайтириши орқа-

ли таъсир кўрсатиши мумкин [Jezek J., 2010]. МРТР нинг очик ҳолатга ўтганда мембрана протонлар учун ўтказувчан хоссага эга бўлади ва ҳужайра ички қисмида мавжуд бўлган АТФ заҳираси тезда тугаб қолади. Ҳужайрада ион ва моддалар алмашинуви гомеостази издан чиқади, фосфолипаза, нуклеаза ва протеаза каби фермент тизимлари фаоллашиши таъсирида ҳужайраларда некроз билан тугалланувчи қайтмас тавсифга эга механизмлар кучаяди [Halestrap A.P., 2002].

Аллоксан диабет билан боғлиқ митохондриялар дисфункцияларни биологик фаол бирикмалар ёрдамида коррекциялаш мумкин. Мана шундай биологик фаол моддалардан бири полифенол бирикмалар бўлиб, ҳозирда *in vitro* ва *in vivo* тажрибаларда митохондрия мембранаси ўтказувчанлигига таъсири катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Аммо, YaN-2 (6:1 нисбат) ва YaN-2 (4:1 нисбат) полифенолларнинг аллоксан диабет шароитида каламуш жигар митохондрияси дисфункциясига таъсири ўрганилмаган.

Шу нуқтаи назардан ушбу ишимизда аллоксан билан чақирилган диабет шароитида каламуш жигар митохондрияси бўкишига айрим полифенол бирикмаларнинг таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олинди.

Тадқиқот усуллари ва материаллари. Тажрибалар зотсиз вазни 180-200 гр бўлган оқ эркак каламушларда ўтказилди. Лаборатория ҳайвонларини озиклантириш виварий шароитда стандарт рационал шароитда олиб борилди. Тадқиқот ҳайвонларида диабет чақириш учун аллоксандан фойдаланилди. Тажриба учун ажратилган каламушлар гуруҳларга

ажратилди: I гуруҳ – назорат (n=5), II гуруҳ – тажриба (аллоксан диабет, n=5), III гуруҳ - тажриба (аллоксан диабет+YaN-2 6:1 нисбат), n=6) ва IV гуруҳ тажриба (аллоксан диабет+YaN-2 4:1 нисбат), n=6) ҳамда V гуруҳга (аллоксан диабет+кверцетин). Тажрибанинг II, III IV ва V тажриба гуруҳи ҳайвонларида диабет чақириш учун бир кунлик очликдан сўнг бир марта аллоксан 150 мг/кг (5% 0,2 мл дис. сув) эритмаси [Агзамов Х., 1983] қорин бўшлиғи тери ости соҳасига юборилди. Аллоксан диабет чақирилган каламушлардан ҳар 3 кунда қон олиниб, глюкоза миқдори аниқлаб борилди. Каламушларга аллоксан инъекция қилингандан кейин 12 кун ўтиб, қонда глюкоза миқдори 11 ммоль/л дан ошгандан сўнг, суткасига бир марта II гуруҳ ҳайвонларига 0,2 мл 0,9% ли NaCl эритмасидан, тажрибанинг III ва IV гуруҳларга эса тадқиқот моддасидан суткасига бир марта 10 кун мобайнида перорал усулда юборилди. Қонда глюкоза миқдори 11 ммоль/л дан камайгандан кейин тадқиқотлар ўтказилди.

Каламуш жигар митохондрия-сидифференциал центрифугалаш W.C.Schneider [Schneider et al., 1951] усули ёрдамида ажратиб олинди.


Митохондриянинг бўкиш (шишиш) кинетикасини (0,3-0,4 мг/мл) митохондрия суспензиясининг 26°C да доимо аралаштириб турган ҳолда оптик зичлигини 540 нм да очик ячеякада (ҳажми 3 мл) ўзгариши бўйича аниқланди [He L., 2003].

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш ва расмларни чишиш Origin 8.6 (АҚШ) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Тажрибаларда митохондриянинг бўкиш кинетикаси максималга

нисбатан фоиз ҳисобида, 5 та турли тажрибаларнинг ўртача арифметик қийматини ҳисоблаш тарзида амалга оширилди.

Олинга натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибада митохондриянинг бўқиши (ИМ да Ca^{2+} -ЭГТА буфер мавжуд шароитда) mPTP очиқ ҳолатга ўтишини ифодалайди. Олин-

ган натижаларга кўра, соғлом каламуш жигаридан ажратилган митохондриянинг бўқиш тезлиги (I гуруҳ) $0,26\Delta A_{540}/6\text{мин}$ ва аллоксан диабет чақирилган II гуруҳ ҳайвонларнинг жигар митохондрияси бўқиш тезлиги эса $0,42\Delta A_{540}/6\text{мин}$ ташкил этиши аниқланди (1-расм).




1-расм. Аллоксан диабет шароити каламуш жигар митохондрияси mPTP ўтказувчанлигига полифенол бирикмаларни таъсири. Оригинал расм. (АД-аллоксан диабет).

Бу эса аллоксан диабетда жигар митохондрияси бўқиши назоратга нисбатан 63,8% га ортганлигини кўрсатади. Олинган натижалардан кўринадик, аллоксан диабетда каламуш жигар митохондрияси бўқиш тезлигининг ортиши mPTPнинг очиқ ҳолатга ўтишидан далолат беради. Аллоксан диабет чақирилган III гуруҳ ҳайвонларни YaN-2 (4:1 нисбат) полифенол билан суткасига бир марта 40 мг/кг миқдорда 10 кун *per os* усулда юборилди ва қондаги глюкоза миқдори нормага яқинлашди. Полифенол юборилган III гуруҳ каламушларни

жигар митохондрияси ажратилди ва унинг бўқиши $0,37\Delta A_{540}/6\text{мин}$ ташкил этиб, II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 12,4% га ингибирланганлиги аниқланди. Аллоксан диабет чақирилган IV гуруҳ ҳайвонларга YaN-2 (4:1 нисбат) полифенолдан (40 мг/кг) ва V гуруҳга эса мавжуд гипогликемик бирикма кверцетиндан (40 мг/кг) юборилди. IV ва V гуруҳ каламуш жигаридан ажратилган митохондрияларнинг бўқиши мос равишда $0,34\Delta A_{540}/6\text{мин}$ ва $0,28\Delta A_{540}/6$ ташкил этди. Бу эса YaN-2 (4:1 нисбат) юборилган IV гуруҳ ҳамда кверцетин юборилган V гуруҳ

ҳайвонларнинг жигар митохондрияси бўқиши аллоксан диабетга нисба-

тан мос равишда 19.5% ва 34,3% га ингибирлашни кўрсатди (2-расм).



2-расм. Аллоксан диабет шароити каламуш жигар митохондрияси mPTP ўтказувчанлигига полифенол бирикмаларни таъсири. (АД-аллоксан диабет).(*P<0,05; **P<0,01; n=5).

Шундай қилиб, аллоксан диабетда митохондрия дисфункцияси ривожланиши натижасида РТР очик ҳолатга ўтиши кузатилди. Аллоксан диабет ҳайвонларни полифенол бирикмалари билан даволаганимизда, уларнинг mPTP ҳолатига самарали таъсир этиб митохондрия бузилишини корррекция қилиши биринчи бўлиб аниқланди. Аллоксан диабетда жигар митохондриясининг бўқиши унинг РТР конформациясининг очилиши билан изоҳланади.

Аллоксан диабет шароитида mPTP очилишига энг асосий сабаблари стресснинг ривожланиши, прооксидантлар, ЛПО индукцияси, mPTP комплексида тиол гуруҳларини оксидланиши келтирилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки YaN-2 полифенол бирикмалари аллоксан диабет шароитида жигар митохондрияси зарарланишини қайти тиклайди. Аллоксан диабетда ушбу

полифенол бирикмалари жигар mPTP ўтказувчанлиги ортишини ингибирлади ва блокатор сифатида таъсир этди

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. [Brenner C.](#), [Grimm S.](#) The permeability transition pore complex in cancer cell death // [Oncogene](#). – 2006. – V.25(34). – P. 4744-4756.
2. Haworth R.A., Hunter D.R. The Ca²⁺-induced membrane transition in mitochondria. II. Nature of the Ca²⁺ trigger site // [Archives of biochemistry and biophysics](#). – 1979. – V.195(2). – P. 460-467.
3. Baines C.P., Gutierrez-Aguilar M. The still uncertain identity of the channel-forming unit(s) of the mitochondrial permeability transition pore // [Cell Calcium](#) – 2018. – V.73. – P. 121-130.
4. Peixoto P.M., Ryu S.Y., Kinnally K.W. Mitochondrial ion channels as therapeutic targets // [FEBS Letters](#). – 2010. – V.584(10). – P. 2142-2152.
5. [Jezeq J.](#), [Jaburek M.](#), [Zelenka J.](#), [Jezeq P.](#) Mitochondrial phospholipase A2 activate d by reactive oxygen species in heart mitochondria

driainduces mild uncoupling // [PhysiolRes.](#) – 2010. – V. 59(5). – P. 737-747.

6. Halestrap A.P., McStay G.P., Clarke S.J. The permeability transition pore complex: another view // *Biochimie.* – 2002. – V.84(2). – P. 153-166.

7. Агзамов Х., Алматов К.Т., Рахимов М.М., Туракулов Я.Х. Функционирование митохондрий печени при аллоксановом диабете // *Вопросы мед. химии.* – 1983. –

Т.29. – №1. – С. 61-65.

8. Schneider W.C., Hogeboom G.H. Cytochemical studies of mammalian tissues: the isolation of cell components by differential centrifugation // *Cancer. Res.* – 1951. – 11. – P. 1-22.

9. He L., Lemasters J.J. Heat shock suppresses the permeability transition in rat liver mitochondria // *J. Biol. Chem.* – 2003. – V. 278(19). – P. 16755-16760.

РЕЗЮМЕ

ВЛИЯНИЯ НЕКОТОРЫХ ПОЛИФЕНОЛЬНЫХ СОЕДИНЕНИЙ НА ИОН ТРАНСПОРТНУЮ СИСТЕМУ МИТОХОНДРИЙ ПЕЧЕНИ ПРИ АЛЛОКСАНОВОМ ДИАБЕТЕ

¹Сатторова Ирода Янгибоевна, ²Позиллов Маъмуржон Комилжонович,

³Гафуров Махмуджон Бакиевич

¹Каршинский государственный университет

²Национальный университет Узбекистана имени М Улугбека,

³Институт биоорганической химии Академии наук Республики Узбекистан

iroda8724@gmail.com

Ключевые слова: печень, митохондрии, весьма благоприятное воздействие, полифенольные соединения.

Изучены ионно транспортные процессы митохондрий печени и влияние на них полифенольных соединений при аллоксановом диабете. Аллоксан

действует как ингибирующий ингибитор YaN-2 полифенольных соединений на повышение проницаемости мПТП печени при диабете.

SUMMARY

EFFECTS OF SOME POLYPHENOLIC COMPOUNDS ON THE ION TRANSPORT SYSTEM OF LIVER MITOCHONDRIA UNDER ALLOXAN DIABETES

¹Sattarova Iroda Yangiboevna, ²Pozilov Adminjon Komiljonovich,

³Gafurov Mahmudjon Bakievich

¹Karshi state university,

²National university of Uzbekistan named after M.Ulugbek,

³Institute of Bioorganic Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

iroda8724@gmail.com

Key words: liver, mitochondria, highly conductive bribery, polyphenol compounds.

Ion transport processes of liver mitochondria and the effect of polyphenol compounds on them were studied in alloxan diabetes. YaN-2 polyphenolic com-

pounds alloxan acted as an inhibitor of the increase of hepatic mPTP-permeability in diabetes.

УДК 616.157/ 616-002.2

РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ ТУБЕРКУЛЕЗА С ШИРОКОЙ ЛЕКАРСТВЕННОЙ УСТОЙЧИВОСТЬЮ ВОЗБУДИТЕЛЯ

Тошева Дилноза Рахматовна

Бухарский Государственный Медицинский Институт

tosheva.dilnoza@bsmi.uz

Ключевые слова: туберкулез, распространенность, множественная лекарственная устойчивость, широкая лекарственная устойчивость

Возникновению МЛУ-ТБ влияют многие факторы, это неудовлетворительные схемы лечения, перебои в лекарственном обеспечении, несоблюдение со стороны больных предписанного режима и, как следствие, в большинстве случаев прерывание курса лечения, а также использование низкокачественных препаратов. Для лечения заболевания используют противотуберкулезные препараты (ПТП), которые разделены на группы. Каждой разновидности туберкулеза соответствует определенная схема с разным сочетанием препаратов и длительностью лечения. Среди ПТП выделяют препараты первого ряда (изониазид, рифампицин, этамбутол, пипразинамид), инъекционные препараты (амикацин, капреомицин, канамицин, стрептомицин), фторхинолоны (офлоксацин, левофлоксацин, моксифлоксацин), препараты второго ряда (этионамид, протионамид, циклосерин, теризидон, ПАСК) и препараты с неясной противотуберкулезной эффективностью (амоксиклав, кларитромицин, имипенем, линезолид).

Уровень распространенности туберкулеза с широкой лекарственной устойчивостью возбудителя различен, особенно высок он в странах.

Восточной Европы и Азии, в Корее

он составил 7,4%, Индии – 5,6%, Румынии – 10,9%, Украине – 15,2%, Республике Беларусь – 29,2%, Литве –

27,9% от случаев МЛУ-ТБ [1]. В регионах Южной Африки за последнее десятилетие число случаев ШЛУ-ТБ увеличилось в 10 раз [5].

По данным ВОЗ, основными факторами, способствующими распространности туберкулеза с широкой лекарственной устойчивостью возбудителя являются неэффективное лечение туберкулеза в условиях высокой распространенности ВИЧ-инфекции, отсутствие надлежащего тестирования для определения лекарственной устойчивости, слабые меры инфекционного контроля за трансмиссией возбудителя туберкулеза [1, 9].

Совершенствование подходов к ранней диагностике лекарственной устойчивости МБТ молекулярно-генетическими методами, а так же способов лечения с использованием резервных препаратов 3-го поколения, хирургических методов лечения (клапанной бронхоблокации) позволяют не только повысить эффективность лечения больных ШЛУТБ, но и уменьшить резервуар лекарственно-устойчивого туберкулеза [10–12].

Бухарская область, как и большинство областей Республики Узбеки-

стана, характеризовалась наличием умеренной тенденции к снижению заболеваемости и распространенности туберкулезной инфекции.

Хотя проблема туберкулеза с широкой лекарственной устойчивостью привлекает к себе все большее внимание в связи с низкой эффективностью лечения, а также высокой смертностью больных.

Цель исследования – оценка распространенности туберкулеза с широкой лекарственной устойчивостью возбудителя в Бухарской области.

Материалы и методы

Проведено ретроспективное описательное эпидемиологическое исследование проявлений заболеваемости населения Бухарской области туберкулезом за 5-летний период (2019–2023 гг.)

Для медико-социальной характеристики больных туберкулезом с широкой лекарственной устойчивостью возбудителя было проведено одномоментное эпидемиологическое исследование. Объектами исследования послужили 315 пациентов, состоявших под диспансерным наблюдением во фтизиатрических учреждениях Бухарской области с января 2017 г. по январь 2018 г. Были рассмотрены биологические (пол, возраст), социальные (место проживания, место ра-

боты, пребывание в пенитенциарных учреждениях в анамнезе) и медицинские характеристики больных (структура клинических форм туберкулезной инфекции, наличие сочетанной инфекционной и сопутствующей патологии, спектр устойчивости к противотуберкулезным препаратам). В работе были использованы наблюдательные методы эпидемиологического исследования. Были рассчитаны интенсивные (распространенность, превалентность) и экстенсивные (доли) показатели. Обработка данных проводилась с использованием возможностей Microsoft Excel.

Результаты и обсуждение. На территории Бухарской области в 2017 г. показатель распространенности туберкулезной инфекции составил 5.8 на 100 тыс. населения на диспансерном учете было зарегистрировано 678 больных активными формами заболевания.

В 2021–2023 гг. динамика распространенности туберкулеза характеризовалась умеренной тенденцией к снижению с ежегодным темпом снижения 3,9% при среднеемноголетнем показателе распространенности 49,5 на 100 тыс. населения. В контингенте больных туберкулезом доля больных туберкулезом органов дыхания составила 93,2%

Характеристики	Абс.	%
Инфильтративный туберкулез легких	240	76.2
Фиброзно-кавернозный туберкулез	8	2.5
Диссеминированный туберкулез легких	12	3.8
Очаговый туберкулез легких	5	1.6
Прочие	50	15.9
Итого	315	100%

Таблица 1. Клинико-эпидемиологическая характеристика контингента больных туберкулезом Бухарской области, 2021–2023 гг.

Доля больных фиброзно-кавернозным туберкулезом, имеющим наибольшую клиническую и эпидемиологическую значимость, составила 2,5%, а распространенность данной формы туберкулеза на территории Бухарской области. Распространенность туберкулеза внелегочных локализаций составляла 6,8 на 100 тыс. населения ($n = 183$). Среди больных туберкулезом 83 % были бактериовыделителями (113,5 на 100 тыс. населения) (рис. 1). Среди бактериовыделителей 713 больных выделяли микобактерии с множественной лекарственной устойчивостью (36,4 на 100 тыс. населения), из них 17,4% были ВИЧ-инфицированными (6,3 на 100 тыс. населения). В отличие от всех форм туберкулеза многолетний показатель распространенности туберкулеза с множественной лекарственной устойчивостью возбудителя в Бухарской области был в целом относительно стабильным со средне многолетним показателем

35,6 на 100 тыс. населения. На фоне ежегодного уменьшения количества больных активным туберкулезом наблюдалось накопление больных выделителей микобактерий с множественной лекарственной устойчивостью.

Доля бактериовыделителей штаммов с множественной лекарственной устойчивостью среди больных ТБ возросла с 10,8 (2017 г.) до 26,6% в (2023 г.), а среди контингента больных-бактериовыделителей – с 30,7 до 58,1%.

За анализируемый период в Бухарской области было выявлено 1903 больных туберкулезом с первичной множественной лекарственной устойчивостью, средне многолетний показатель заболеваемости составил 7,9 на 100 тыс. населения, темп прироста заболеваемости – 1,6%. В структуре бактериовыделителей отмечен рост доли больных, выделяющих микобактерии с широкой лекарственной устойчивостью.




Рис.1 Доля бактериальных изолятов при лекарственно-устойчивом туберкулезе.

С 2017 по 2023 г. доля таких больных выросла с 5,0 до 21,8%. К концу изучаемого периода распространенность ШЛУ-ТБ в Бухарской области составляла 13,6 на 100 тыс. населения ($n = 267$)

В данной эпидемиологической ситуации изучение эпидемиологических, медицинских и социальных особенностей больных, являющихся источниками микобактерий с широкой лекарственной устойчивостью и формирующих эпидемический процесс лекарственно-устойчивого туберкулеза, имеет большое значение.

Результаты данного исследования свидетельствуют о наличии в Бухар-

ской области общемировых тенденций, связанных с ростом распространенности лекарственно-устойчивых форм туберкулеза. В нашем исследовании распространенность МЛУТБ составила 36,4 на 100 тыс. населения, в том числе ШЛУ-ТБ – 13,6 на 100 тыс. населения. ШЛУ-ТБ является растущей угрозой для общественного здравоохранения и был выявлен более чем в 100 странах мира [1]. ШЛУ-ТБ значительно ограничивает возможности лечения, приводя к низкой его эффективности, продолжительному периоду бактериовыделения у больных, трансмиссии лекарственно-устойчивых штаммов МТБ.




Рис.2. Заболеваемость больными туберкулезом по возрастным группам.

Таблица 2.

Заболееваемость больными туберкулезом по возрастным группам

Характеристики	Абс.	%
Возраст		
10-24	6	1,9%
25-34	32	10,2%
35-44	29	9,2%
45-54	42	13,3%
55 и старше	206	65,4%
Всего	315	100%
Пол		
Мужчины	195	61,9
Женщины	120	38,1
Всего	315	100%

Среди исследуемого контингента больных туберкулезом с широкой лекарственной устойчивостью возбудителя преобладали мужчины 61,9%, женщины составили 38,1%. В возрастной структуре наибольший удельный вес занимали 25-34 года (10,4%), и 45-54 (13,3), 55 и старше (65,4%).

Большинство больных имели признаки социальной дезадаптации – 32 больных трудоспособного возраста не имели официального трудоустройства. Постоянная работа была только у 4% больных туберкулезом. (таб.3)

Таблица 3.

Клинико-эпидемиологическая и социальная характеристика больных туберкулезом с широкой лекарственной устойчивостью возбудителя

Социально-профессиональная группа		
Работающие	12	4%
Пенсионеры	185	59%
Не работающие	102	32%
Инвалиды	16	5%
Всего	315	100%




Рис.3. Социально-профессиональная группа.

Уровень распространенности туберкулеза с лекарственной устойчивостью различен, моноЛУ/ПЛУ ТБ без рифампицина составляет 11(3.5 %), ле-

